

**ШУКРУЛЛО**



**ОФИРКУНЛАР  
СЕВИНЧИ**



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2011

## **МУҚАДДИМА**

Отам Юсуфхўжа қорининг насиҳатларидан:

— Кимдир сенинг кимлигингни, қилган ишингни сўраса, агар қилган яхши ишларинг бўлса, тўғриси айт, чунки бу мақтовга кирмайди. Бу сўровга жавоб. Бу маълумот.

Оғир кунларнинг ҳам қувончи бўлади, дерди отам. Айтганини мен гувоҳи бўлиб ёздим.

— Ҳақиқий муҳаббат бу ҳам савдо. Севиб харид қилган нарсасидан айнамаслик. Бевафолик эса, ўзи кўриб, ўзи келишиб харид қилган нарсасини қайтариб беришдек гап! Бу ўзига-ўзи ишонмаслик!

*Китобим ҳақида.*

*Одамлар нима деган бўлсалар бу китобда шуни ўзгартирмай ёздим. Ёзувчиман. Ёзувчининг қисмати шу. Асарнинг баҳосини китобхон беради.*

## І б о б

### ТҮЙЛАР

Ҳаёт дегани, бу — тун ила тонг.

Куннинг хаммаси ёруғ бўлмагандек, туннинг ҳам юлдузли, ойдин кечалари бўлади. Ҳатто, оғир кунларни, йўқчиликнинг ҳам ўзига яраша севинчи, қувончи бўлади. Ҳатто тўқчиликда тополмаган севинч-у, қувончингни йўқчиликда, оғир кунларда топар экансан, ҳа, оғир кунларда! Йўқчиликда! Ҳа, ҳаёт шунақа. Мен буни ўйлаб топганим йўқ.

Мен бошдан кечирган оғир кунлар ҳам, йўқчилик ҳам, унинг қувончи ҳам уйланган тўй кунимдан бошланди.

Уруш авжга чиқиб, мамлакат бўйлаб очарчилик, қахатчилик бошланиб кетган йили мен, ёлғиз ўғил бўлганим учунми, ундан бир зурриёт, ёдгорлик қолсин деган ўй билан бўлса керак, ота-онам мени уйлантирмоқчи бўлишди. Мени эса, муаллимлик қилиб топган оз-моз пулим, ўша кезлари тўй қаёқда, нон олишга ҳам етмасди.

Отам бу вақтда кексайиб, ишдан қолган. Босиб қўйган пули йўқлигини билардим. Лекин, у давр шундай давр эдики, нимангга тўй қиласан, деб таъна қиладиган замон эмас эди. Ҳамманинг аҳволи ўзига маълум. Бир-икки йиллик уруш вақтида, бойман, деганлар ҳам бор-бисотини қорин тўйғазиш учун сотиб, ҳамма қатори ҳукумат ҳар куни берадиган уч юз, тўрт юз грамм нонга қараб қолган эди. Бизлар қандай бўлсак, қиз томоннинг аҳволи ҳам бизларникидан ортиқча эмас эди. Биров-бировдан гина қилмайдиган, ҳамма ерда ҳўроз бир қичқирган замон эди. Очарчилик... Лекин:

*Тиригида муҳаббатдан  
Кечдим деган бўлмайти.  
Очдан ўлса ўладиди,  
Муҳаббати ўлмайти,*

дегандек, айрилмас бало бўлар экан. Худо бандаларга муҳаббат, севгини шунчаки ато қилмаган. Худойим-

нинг севикли бандаларига қилган марҳаматларидан энг улуғи, муқаддаси ҳам инсонларнинг бир-бирига муҳаббати-ю вафоси.

Ота-она орзуси деганларидек, ўнинчи синфни битирган мактабида муаллимлик қилаётган, ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган, лекин Тошкентда машхур Тўра-хон мингвошининг набираси Минаввархон исмли қиз билан кўришадиган бўлди.

Мени уйлантираман деб, ойим қиз ахтариб совчиликка юрган вақтларида, мен нима хаёлда юрганим-у, феълу-атворимни яхши билган отам, ойимга қараб:

— Иш қилиб шундай оғир замонда бахтимизга учрайдиган келиннинг нафси ўлироқ, сабри, ортиқча орзу ҳавасга рўжу қилмаган, йўғни бордек кўрсатиб, эр-хотин қўш ҳўкиз деб тушуниб, эрга садоқатли, ўғлингни феълени тушунадиган, оилага меҳр қўйган бўлса, худо берди деявер, бу эрнинг бахти! Роҳатижон! Бундай хотинни бошидан сув ўгуриб ичса арзийди.

— Борди-ю энди, шундай хотинга учраган эр, менга бир қараб қўйиб, ўзи ношудроқ, рўзғорга бепарвроқ бўлса, хаёлида шеърдан бошқа нарса бўлмаса, бу гапни чўзиб айтишларидан бу ҳам менга ишора эди.

— Энди, келинни ҳам тағи тахтини дурустроқ суриштир, борди-ю топган келиннинг «ўғлингизга» мен хотинингман, сен эрсан, топиб келсанг ейман, урсанг ўламан, дейдиган чиқиб қолса борми, худо берди деявер, дерди.

Отам овозларини кўтариб қаттиқ гапирмасдилар, кўнгилларига ёқмаганроқ нарса бўлса, қисқа қилиб, «яхши отга бир қамчи» дегандек, кулиб қўяқолардилар.

Албатта, отамга осон тутиб бўлмасди. Мендек арзанда ўғлининг тақдирини ташвиши, тўйнинг ташвиши ҳам унинг бошида эди.

Яна отам: Эр-хотин аҳил бўлса, бола чақа ўзидан тиниб бахтли бўлса, бу дунёнинг жаннати мана шу. Бу эса худойимнинг берган марҳаматидан дердилар.

Ахир, очарчилик, йўқчиликда тўй қилиш!.. Расул деган оғайним шундай замонда уйланадиган бўлди. Унинг тўйи куни қўшнилардан бири Россиядан келган меҳмонини ўзи билан тўйга олиб чиқади. Дастурхонга

қўйилган туянинг кўзидай, кўзидай кулчани кўрган меҳмон уни кичкиналигидан бутун ейладиган нарса деб ўйлабми, кулчани олиб ушатмасдан бир четидан тишлаб ея бошлади. Ўтирганларга ушатиладиган насибаси ҳам шу билан тамом бўлди. Шунақа замон эди.

Оғайнимнинг тўйдан кейин, бир ҳафта ўтар-ўтмас, менинг тўйим ҳам бўладиган бўлиб қолди. Ростини айтсам, тўйимиз қандай ўтганлиги ҳақида эшитиш эмас, эслашга ҳам тоқатим йўқ эди.

Инсон табиати қизиқ. Уни ҳамиша яхшими, ёмонми, даҳшатли бўладими, ўзи кўрмаган, ўзи эшитмаган нарсасини кўриш, эшитиш қизиқтириб келган. Баъзан тўйимиз қандай ўтганлигини гапириб бергудек бўлсак, биров ишониб, биров ишонмай кўпчиликка мўъжизадек туюлиб тасаввур ҳам қилолмайди. Кулги бўлади. Ҳозирги тўйларни унча қиёслаб бўлмайди. Лекин шунга қарамасдан ўша оғир кунларни қувончи ҳам бўлган.

Набирамни шу кунларда тўйини ўтказадиган бўлдик. Одат бўйича тўйи олдиндан эркак-аёл яқин қариндош-уруғ, қўни-қўшнидан уч тўрт киши, албатта, маҳалла оқсоқоли ҳам қадрдон Қаҳҳор акани айтмаса бўлмайди, маслаҳат ошига уйга чақирилади.

Ёз кuni бўлгани учун ҳовлининг бир чеккасидаги садодек қуюқ соя ташлайдиган қора гилоснинг тагига эркакларга, каттагина очиқ айвонга хотинларга жой қилиб дастурхон ясатилди.

Албатта, мен аминманки, тўй бўладиган уйда, ким қандай тўй қилган, қанча сарпо, қанча артист, қанча меҳмон айтилган бу ҳақида ўзаро гап кетмасдан иложи йўқ.

Албатта, ҳамма ўз аҳволидан келиб чиқиб гапирарди, ҳозирги тўйларга муносабатини билдиради.

Уйимга келадиган одамларнинг орасида тўйимни қандай ўтказаман, деб муҳтож бўлиб ўтирганлар ҳам бор.

Яширадиган замон бўлмай қолди. Келадиганлар орасида битта тўй эмас, минг-минг меҳмон чақириб, бир кунда ўнта тўйни ўтказишга қурби етадиган миллионер ганишларим ҳам йўқ эмас.

Тўй бўладиган уйда, ким қандай тўй қилган ёки муҳаббат, кимнингдир куйди-чиқдиси ҳақида гап бошланса, хотиним Минавархон гапирмасдан чидаб ўти-

ришига асло ақлим етмайди. Худди айтганимдек бўлди. Билмадим, Минавархон нима деди, айвондан хотинларнинг қотиб-қотиб кулишлари эшитилди.

Ҳаётда кутилмаган нарса ёки воқеалар рўй берса, киши ҳайратланади. Уруш, очарчилик вақтида ўтган тўйлар билан ҳозирги дабдабали тўйларни тенглаштириб бўладими! Эшитганлар учун кулгили, албатта!

Номи тўй бўлса-ю қизниқига юбориладиган сарполарининг ичидаги шиппагининг бир пойи бўлиб, бир пойи йўқ бўлганини хотиним ҳикоя қилиб бергудек бўлса, ҳозирги эшитганлар учун бундан ортиқ кулгили нарса бўлади, дейсизми? Нега бир пойи йўқ дейсизларми?

Эшитганларнинг кулишига қизиқиб кетиб, йўқчилик сабаб, тутилган кўрпани сўкиб, астаридан қайнонасига кўйлак тикиб бергонини ҳам яширмай айтса, борми! Кулиб туриб йиғлайсиз, йиғлаб туриб куласизлар.

Хотинимнинг бу гапларининг тагида албатта кимларгадир, ҳай, эшитиб қўйинглар, ҳақиқий севги, вафо мана шунақа бўлади. Бир-биримизни мана шунақа муҳтожликларга чидаб севганмиз, кўриб қўйинглар, дейишдан ташқари, яна бир оз мақтанишга мойиллик ҳам йўқ эмас эди. Инсоф билан айтганда ҳар қанча мақтанса арзийди.

*Фақирона севги, кимгадир кулги,  
Аммо кимларга бу илоҳий, орзу!  
Тоғжу тахт ҳукмидан халос қил мени,  
Боқий севги бергин, покиза севгу.*

*Булутлар ичига бурканса юлдуз,  
Олтин қафас ичра қолса муҳаббат...  
Кичик ҳовли ичра экилган райҳон,  
Белбоғлик ёр бўлса шу ҳам менга бахт.*

*Тонгда қувонч билан боқар қуёшга,  
Ойдин кечаларинг кечмасин ёлғиз.  
Қандай бахт, қандай бахт бизни ҳар оқшом,  
Намозшомгул тутиб қутласа юлдуз.*

*Менга машрабона севги ато қил,  
Ажралмас меҳр бер, умрлик вафо!*

*Кундуз қуёш, оқшом намозшомгулдек,  
Кувонч чехрамиздан кетмасин асло!*

*Пешонамга бойлик ёзмади тақдир,  
Асло маҳрум этма меҳрдан Худо!  
Дўстга хор, душманга зор қилма зинҳор,  
Ўзинг ҳалол ризқ бер, қаноат ато!..*

Худога беадад шукрларким мана 70 йилдан бери биргамиз. Мақтангим келиб қолди-ю шеъримни меҳмонларга ўқиб бермоқчи бўлдим.

Айвонда ўтирган хотин-ҳалаж, қариндош уруғлар, яқин қўшнилар бўлганлари учун ҳол аҳвол сўраш баҳонаси билан уларнинг олдига бордим. Хуллас шеъримни ўқидим. Ўқидим-у кўнглим тўлмади.

Ҳамма бирдек чапак чалмади. Олачолпоқ чапак бўлди. Чалинган чапак ҳам менга эмас, Минаввархоннинг шаънига бўлган эди... Беш қўл баробар бўлмагандек бир нарсани ҳаммага бир хилда маъқул қилиш ҳам мушкул.

Шеъримни эшитган ёшроқлардан бири:

— Одам дунёга неча марта келади? Бир марта!.. У яна «Шу ҳам севги, шу ҳам ҳаёт бўлдими? — демоқчи бўлди-ю аммо, кўпчилик ўтирганлар олдида андиша қилдими, буёғини айтмади. Аммо унинг гапи бир воқеани эсимга солиб қўйди.

Танишларимдан бири билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашганимда:

— Эй, оғайни, нимасини айтай, мол-давлат, дан-ғиллама уй-жой — Ҳаммаси етарли, камчилигим йўқ. Лекин сенга ҳавасим келади, мени хотиндан бахтим бўлмади, бўлмади! Уч марта уйландим. Мана, умр ҳам ўтди. Охиргида тукқан боласи турмади... ажрашдик.

Одам дунёга неча марта келади? Бир марта-ку! — деган эди, афсус билан.

Дардини эшитиб у билан қадрдон бўлганим учун, «уч киши мастсан деса, ётиб ухла», деган мақол ҳам бор-ку! Беайб парвардигор, дедим.

— Бу гапинг тўғри, дўстим, лекин эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин, деган мақолга нима, дейсан! Эшитмаганмисан? — деди ранжигандек. — Агар айб ўзингда ҳам бор дейдиган бўлсанг, феълим сенга маълум, бўлмаса сен билан дўст бўлмас-

дик. Бирга ўқидик, ҳатто очарчиликда уйланганимда тўйингни ҳам бирга ўтказганмиз. Оғзимни қичитдинг, сен ҳам, мен ҳам фаришта эмасмиз. Сен билан мени солиштирадиган бўлса ҳафа бўлма-ю, мен сендан бадавлатроқ, хусн керак бўлса, сендан чиройлироқ ҳам ман! — кулиб ҳам қўйди.

Дўстимнинг жавобига тан бермай иложим йўқ эди.

— Гапинг тўғри, лекин, «чўтир бўлса ҳам иссиқ чўтир», дейдиган гап ҳам бор. «Ширин ошинг бўлмасин, ширин сўзингни аяма» — деган нақллар ҳам бор, дўстим, деб ҳазиллашдим.

Аслида ҳар кимнинг ўзида бўлиши керак экан. Хотинимни ёшлигидан кўрган қийинчилик, хўрликлари, ўзидаги меҳрибонликка ташналик унинг қалбига одамларни қадрлаш, севиш ҳиссини қуйиб қўйганмиди, балки..!

Кўша қариш ўзи бўладими!

Мени учта опаларим бўлган. Оила бўлгандан кейин баъзан уруш, жанжал ҳам бўлиб туради. Шундай пайтларда опаларимдан бирортаси аразлаб, шикоят қилиб келса, опаларимга отам:

— Қоракам қизини ажратиб уйига олиб кетибди деган иснодни мен тирик эканман эшитмайман, икки кулоғинг билан эшитиб ол деркан, опаларимга. Балки Минаввархоннинг ота-онаси ҳам шундай таълим берганми!..

«Фоқирона» шеъримни ўқишим сабаб бўлиб юқоридаги гаплар кўнглимдан ўтди. Аммо Минаввархоннинг ўзи шеър ҳақида ҳамманинг ҳам хаёлига келмаган фикр айтди:

— Оғир замон бўлиб фақирона кун кечирсанг, бу айб эмас. Аммо беш мучалинг соғ бўлиб, тўқчилик, яхши замонда орзу-ҳавассиз, фақирона-кун кўрсанг, буни айб деса бўлади.

Ҳозиргиларнинг энг камбағалиям тўй олдидан қиз билан кўришганда фақат гулдаста эмас, жуда бўлмаса, французча атирми, бир кийимлик нарсами, совға қилади. Ўзига тўқисроқлар бўлса, буни ёнига олтин, кумушданми қилинган нарсаларни ҳам қўшиб совға қилади. Ҳаммаси ресторанга олиб кирмаса ҳам, бир-бирини яхшироқ билиш учун кабоб-пабоб, марожний олиб бериб ўтиради. Бизларнинг учрашувчи! булар билан уч-



рашганда (мени кўрсатиб) қандай бўлган, биласизларми? Шундай дедию менга бир қараб қўйди, бу гапи менга ёқмаслигини биларди.

Иккаламиз учрашадиган бўлиб тайинланган жойга минг хаёл билан бордим. Муаллимлик қилиб шеърлар ҳам ёзаркан деган гапни эшитганман. Ўзи қанақа эканини кўрмаганман. Тайинланган жойга яқинлашган эдим, менга кўзлари тушди-ю албатта шу бўлади, деган ишонч билан мен томонга кела бошладилар. Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, худди излаган одамлари топилгандек, очиқ чеҳра, кўзлари тўла қувонч билан ёнимга келдилар. Менинг қалбимда ҳам қандайдир қувонч пайдо бўлди. Ёнма-ён бир оз юрдик. Иккимиз ҳам жим эдик. У кишидан сўз чиқмади Хаёлга чўмган эди.

Хаёлидан нималар кечарди? На бир ширин сўз!.. На, аммо кўзимиз кўзга тушганда, менга севгиси борлиги, учрашишимиздан мамнун эканлиги аниқ сезилиб турарди. Лекин жуда ўйчан эди...

Ҳозиргилар тўй олдидан учрашганда, никоҳ кечасини қайси ресторанда қандай ўтказамиз, сизга қайси артистлар ёқади, ҳақида маслаҳат қилганда, булар балки арзимас бўлса ҳам бирор совға-салом тополмай қуруқ учрашганининг хижолатмиди, узоқ жим бордилар. Ахир мен аҳволини билардим-ку!

Ёлғон бўлса ҳам кўнглимни кўтариш учун ширин сўз излармиди? Унинг ўйчанлиги мени ҳам ўйлатиб қўйди. Мен унинг кўнглини кўтаришни ўйлардим. Фақат менга қараб-қараб қўярди, мен ҳам у кишига қарардим, шу дам томоғимга бир нарса тиқилгандек жимиб қолдим. Кўзимга ёш келди. Ҳа, ёш келди! — Совға-саломсиз бўлса ҳам кўнглимда муҳаббат уйғонди ўшанда.

Минаввархоннинг бу гапини эшитиб — ўзи ўқитувчи бўлса, унинг устига шеърлар ҳам ёзса-да жиндаккина совғага ҳам сизни арзитайдиган хасис бўлса, Минаввархон, нимасини севиб қолдингиз, деб кулганлар ҳам, ҳайратланганлар ҳам бўлди.

Балки Минаввархон ўзи кулмади. «Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга» дегандек, Минаввархоннинг ўзларини ўша вақтдаги аҳволи уникидан ортиқча эмас эди.

Ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган Минаввархон, ўша даврдаги аҳволни тушуниб, севгини муқаддас эканини шу қадар ҳис қилганидан қувониб, завқимдан «балли, қойилман» хотин, деб чапак чалиб юборгудек бўлдим. Ахир, бу ўшандай оғир замонда ҳам кишилар қалбида меҳру оқибат, раҳм-шафқат ўлмаганлиги, оғир кунларнинг қувончи эди.

Жонга теккан ўтмиш эсдаликларини эшитмаям, куймаям қўяқолай, деб ўрнимдан туриб кетмоқчи бўлган эдим, аммо Минаввархоннинг юқоридаги жавобидан кейин давомини эшитгим келиб қолди. Билмадим Минаввархоннинг хаёлига яна нималар келди кўз ёши ўрнига чехраси очилиб:

— Орадан кўп ўтмай энди бўладиган тўйимиз олди-дан булар билан (мени кўрсатиб) яна учрашадиган бўлдик. «Кейинги пушаймон, ўзингга душман» — дегандек, совға-саломсиз биринчи ўтган учрашувнинг хижолатини кўнгилдан энди чиқариш ёки тўйни маслаҳатини, қилишми, яна учрашдик.

Ўша вақтда театрлар ҳам ҳар куни ишламас эканми, (кулиб) ёки билети циркниқидан қиммат эканми, циркка тушдик. У ҳам французча кураш экан.

— Совға-салом бўлдимми?

— Бўлди! Бўлди! Бўлмади, десам ёлғон бўлади. Замонига яраша бўлди. Театрга ўхшаган циркнинг буфетлари ҳам ишламас эканми, ишлаганда ҳам очарчиликда нима бўларди? Хуллас, совға бўлди.

Қодир деган, бизлар билан бирга тушган ўртоқлари, карнай қилиб ўралган қиғознинг ичига солинган, у ҳам жуда, кўпроқ эмас, тўрт-бешта ширин мағизни олиб келиб берди... Цирк тамом бўлгандан кейин. Хуллас, трамвайда олиб борган эдилар, трамвайда олиб келиб уйимга қўйиб кетганлар. Бу гапни эшитганларнинг кулгилари охирига етмасди:

— Лекин трамвайда ташлаб кетган бўлсалар ҳам, уйга хурсанд бўлиб кирдим.

Бу гапларни эшитганлар, ҳайронликда бир дам кулишини ҳам кулмаслигини билмай қолди.

— Трамвайда иккаламиз ёнма-ён ўтириб келяпмиз. Кечаси, уруш вақти бўлгани учунми, кўчалар жимжит, кўчаларда ҳам, трамвайда ҳам одам йўқ ҳисоб, яккам-дуккам одамлар ўтирибдилар. Ўринсиз гап бош-

лаб қўймай дегандек иккаламиз ёнма-ён ўтирганча жимиз. Шалоғи чиқиб кетган ўша вақтдаги трамвайни «тақур-туқур... тақур-туқур» — деган шовқуни қулогимга, тавба, нукул «қўша-қаринг!», «қўша қаринг» дегандек кирарди.

Трамвай анча юргандан кейин булар бир вақтда секин тиззамга бармоқларини текизиб, ҳозир мен ишлаётган мактабда, бир йиллари ўқиганлари учун, ўша вақтдаги баъзи одамларни эслаб, сўраб қолдилар. Гап ўрнига тушди. Шу сабаб гапимиз қовушиб қолди. Гап орасида озгина кулги ҳам бўлди...

Рости, трамвайда келган бўлсам ҳам, уйга чехрам очилиб кирдим. Чунки у замонда, тегадиган йигитимизни амал-мартабаси, молу-давлатини ўйлаш хаёлимизга ҳам келмаган эди. Гап-сўзи маъноли, эски бўлса ҳам одам шаванда кийинган, афти-башараси одамга ўхшаган бўлса, кўнглимизга ёқса бўлди, деганмиз.

Минаввархонни кўпни кўрган бувисининг: «Молдавлатига учиб тегиб, бахтлиман деб қувонма, бир кун эрингни омади кетса, сен бунга чидолмайсан, бахтсиз хотин бўласан».

«Кўнглингдан севиб, камбағалга тегдим деб ўкинма, бир кун омади келса, сендан бахтли хотин бўлмайди», — деган гапларини эслаши ҳақиқатан ҳам кўнглидан севганлигининг ифодаси бўлиб, мени қанчалик қувонтирган бўлмасин, аммо, меҳмонларни кулдириш учун битта гул, битта морожний олиб бериш қаёқда дейишини ҳозиргилар қандай тушунди. Бу мени ерга киритиб юборганди.

Тўй ҳам бўлди. Уруш беш йил давом этди. Тўйдан кейинги йилларда бошдан, эй, нималар кечмади...

Ҳозиргилар учун булар кулгили. Кулги кулги билан, аммо, мен ичимдан хижолат тортсам-да қўшилишиб кулардим. Кулардим-у аммо замон мени ўша аҳволга солганидан ич-ичимдан йиғлаб кулардим.

Ахир, мен ҳам бир вақтлари ўзига тўқ, орзу-ҳавасли оиланинг фарзанди эдим, лекин ўша вақтларда битта гул, битта морожний олиб беролмайдиган даражага тушиб қолган аҳволимни эслаб, ичимдан зил кетганимни, сиртдан қўшилишиб кулсам ҳам, ичимдан йиғлаётганимни, улар билмасди.

Хотинимнинг бу ҳикояси гина, ёки турмушимиз-

дан кўнгли тўлмаганлигидан эмас, ҳазил тариқасида айтилганлиги, шунинг учун шаънимга айтилган бу гаплар қанчалик аламли ва рост бўлмасин, кўнглимга олмаганлигимни билдириш учун мен ҳам ҳазилга йўйиб:

— Ношукурлик қилманг, хотин, баъзилардек скамейкада гаплашиб ўтириб, қуппа-қуруқ уйингизга кузатганимда нима қилардингиз? Ўшандай очарчилик замонда циркка олиб тушганимга, мағизлар олиб берганимга қойил қолганингизни айтмайсизми, — деб гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлдим.

Хотиним яна нималар демоқчи эди, яхшики телефонга чақириб қолишди. Бўлмаса! Ўтирганларнинг кулгисига қизиқиб кетиб, (ҳозирги кунда одамлар келин-никига сарпога қўшиб думбаси ерга тегадиган қўша-қўша қўй, қоп-қоп ун, гурунч юбораётганда), мен тўйимда қанақа сарполар, қанча ун, неча кило гурунч юборганимни айтса борми, ўтирганлар орасида — «Шунақа ҳам тўй бўладими?.. Қанақа қилиб эрга тегишга рози бўлгансиз», деб қотиб-қотиб куладиганлар топилиши тайин эди. Бундайларга:

— Қиз билан йигитнинг учрашувлари дабдабали ресторанда бўладими, циркда бўладими, олтин тақинчоқлар совға қиладими, битта морожний олиб беришга ҳоли келмай, циркда учрашадими, асосий мақсад молдавлати эмас. Яъни бир-бирини кўнглини топиш, яна ҳам яқиндан билиш бўлади, — деган гапни айтмоқчи бўлдим, аммо хаёлим биринчи учрашган кунимизга кетиб қолди.

Киши дарди эрта кирса кеч чиқар дегандек менинг ичимдан ўтгани битта Эгам-парвардигорнинг ўзига аён эди.

Циркда Минавархон билан ёнма-ён ўтирибман-у, очигини айтсам, циркда нима бўлаётганини мен кўрганим йўқ. Бир савол хаёлимга тинчлик бермасди; Менинг дардларимни ҳис қилмаган кимдир худди тепамга келиб:

— Ҳой йигит, кўкрагингда ёлинг борми! Шундай гўзал бир қиз ёнингга ўтиради-ю, фақатгина ўртоғинг олиб келган тўртта мағизни совға қиласанми? — деб таъна қилаётгандек туюларди.

— Сен кимсан?!

— Битта морожний ҳам олиб беролмадингми?

— Ким бўлсанг ҳам мени ҳақорат қилма! Қоч!

— Сенинг бундай ғариблигингдан кўнгли қолиб, иккинчи бор дийдорингни кўришни истамаса-чи!.. — у кўнглимга ғулғула соларди. Юрагимга шайтон кириб олганди.

— Тинч қўй! Бас! Эй, Парвардигор, не кунларга солдинг! Мен ким эдим! Таги-тахтим ким бўлган! Нега мени, отамнинг ичкари-ташқари, болохонали нақшин уйлари, дастурхонимиздан қазии-қарта аримаган, сандиқларимиз атласу духобаларга тўла давлати борида, ва ё касби-коримга яраша меҳнатим билан кун кўра оладиган даражага етганимда, нега вояга етказмадинг, Парвардигор!

Бундай кўнглисиз саволлар, ёнимда ўтирган, насиб этса яқинда уйланмоқчи бўлганим қизга айтишга, бирор ширин сўз топишни ҳам хаёлимдан олиб қочарди. Ташвиш!.. Ташвиш!..

Иккимиз жим эдик.

Қиз хаёлидан нелар кечарди?

Уни ҳам меникидек армонлари йўқ дейсизми?

Ахир у ҳам кимсан, Тошкентда машҳур Тўраҳон мингвошининг набираси-ку! Балки у ҳам ким эдим-ку ким бўлдим, деб ич-ичидан ўқсиб-ўқсиб йиғлаётгандир:

— Олти ёшли қиз боламан. Ойим билан тўйдан қайтаётган эдик, қарасак, уйимиздан нарироқда милициялар кўринди. Уйимизга яқин келсак, эшигимиз олдида иккита милиция турибди. Уйимизга кирайлик десак, киритмади. Амакимнинг уйларидан айланиб ўтайлик десак, уларнинг уйини тинтув қилинаётганини билиб қўшнининг уйидан айланиб ўтдик. Бизларникига ҳам киришини сезган ойим ўзларининг бўйинларидаги, қулоқларидаги тилла тақинчоқлар ва уйдаги тилла нарсалар борми, ҳаммасини ўрин солиб, мени ётқизиб кўрпачанинг тагига бекитиб қўйдилар-да, «қимирламай ёт», деб тайинладилар. Улар киришидан олдин ойим шошилинич сандиқдаги кийимлик газмоллардан қирқиб олиб девордан қўшниникига ташладилар. Орадан кўп ўтмай милициялар бизларникига ҳам бостириб кириб, тинтув бошлашди. Ойим, кўрққанларидан ўзларидан кетиб қоладилар. Окам йиглаб дод солади. Мен, ойим жим ёт, деганлари учун ухлаган бўлиб ётабердим.

Ўша куни отам билан амакимни қуролли кишилар олиб кетишди. Қай ерда бўлишларини ойимга айтиб, хоҳласа, хотинлари ҳам, болалари ҳам бирга бориши мумкин, дейишди. Ойим йиғлаб эримдан қолмайман, эрим қаерда бўлса, бола-чақам билан ўша ерда бўламан дедилар. Бир кунлик озиқ-овқат олиш мумкин дегандан кейин, озгина оқ ёғдан, озроқ гурунч, нон, тўрт кишига етарлик кўрпа-ёстиқ олдик. Хумдаги ёғлар, уйимиздаги бисотлар, отхонада от, молхонада сигир, жаннатдек боғларимиз, молларимиз ҳаммаси худо йўлига қолаберди. Бизларни аравага ўтказиб қизил вагонлар турган вокзалга олиб боришди.

Бизлар кирган қизил вагоннинг бир бурчагида, кўзларини юмиб, ўзича пичирлаб, нимадир ўқиётган маҳалламизнинг етмиш беш ёшлардаги оппоқ соқоли домласи ўтирарди. Бизларга қарамади ҳам. Бунинг гуноҳи нима экан деб, кейинроқ билсак ўша вақтда раҳбарлар ўз ходимларига:

— Кексалардан кўра кўпроқ, ўқиган, илмли ёшлардан топларинг! Бизнинг районга юзта қулоқ, халқ душмани топасан, деб разнарядка берилган. Бизга ажратилган юзтани ёшми, қарими, иложи борича илмироқ одамлардан топиб, халқ душмани, қулоқлар деб қарор чиқариб беришимиз керак. Уларни қаёққа юбориш, эса ҳукуматнинг иши. Наҳотки, шундай катта қишлоқдан битта ҳам халқ душмани, милатчи, бой топилмаган бўлса! Топасанлар, деб буйруқ берган. «Етмиш беш ёшли зўрға юрадиган домлани ҳам етаклаб план тўлсин, деб ҳайдаб чиқишган экан.

Ўша куни бизлар қулоқ бўлиб ватандан жудо бўлганмиз! — деб ҳикоя қиларди хотиним.

Украинага қулоқ қилиб юборилган, ота-онанинг иссиқ бағридан айрилиб, ҳозир циркда менинг ёнимда ўтирган қизнинг хаёлига тўй олдидан шундан бошқа нималар ҳам келарди. Бу кўнгли яримта, ота-онанинг иссиқ бағридан айрилган тирик етим қизнинг нима билан кўнглини овламоқ иложи бўларди! Совға-саломлар биланми? Дуру гавҳар, зеби-зийнат, олтин тақинчоқлар билан дардини аритиб бўлармиди? Балки булар таскин бериб дардини енгиллатармиди?

Ғариб, ўксик кўнгилларни овламоқ нақалар мушкул! Мен:

— Бизлар бошдан кечирган ҳаёт ҳақида айтилган бу гапларни ким қандай маънода англайди, унинг раҳмига, фаҳмига солдим — деб ўтирдим.

Отам: — Сендан яхши кийинмаган елкаси ямоқ, бир энги узун, бир энги калта кийинган камбағал кишини кўрсанг, бу сенга кулгили туюлмасин! Сен, ундан завқ олиб кулма! Сен унга ачин, шу ҳолга тушгани сабабларини ўйла. Раҳминг келсин! Бундай бандаларга ёрдам бериш ўз қўлингдан келмаса, Худонинг марҳаматини сўра! — дердилар.

Ҳар бир нарсанинг ибтидоси ҳам, интиҳоси бўлгандек, ҳангомадек туюлган хотинимнинг оғир ва айни замонда кулгили бошдан кечирганларини эшитганлар:

— Хўш, шундай қилиб, Минавархон, тўйинглар бўлдимиз? Тўйлар қандай ўтди? Қандай яна совға-салом, сарполар бўлди, деб кула-кула қизиқиб сўрашларини давом эттиришарди.

Уруш йиллари бўлиб ўтган тўйимиз ҳақидаги ҳикояни ўтирганлар завқ билан эшитишларига берилиб кетган хотиним:

— Битта морожний, битта гул олиб бермаган бўлсалар ҳам, бу ёғини эшитинглар. Хуллас, унашилиб, тўй куни тайинланди. Куёв томон тўй юборадиган бўлди. Тўй ҳам келди. Нима юборишибди денглар...

— Қани, қани...

— Ўзингиз кулмай айта беринг!

— Энди эсласам, хўп тўй қилган эканмиз, хўп замонлар бўлган экан, — деб бошқалардан олдин хотинимнинг ўзи куларди.

— Нима, битта қўй ўрнига иккита қўй юборишибдимиз?

— Ундан ҳам каттароқ...

Яна кимдир:

Серкка олиб тушиб, мағизлар олиб берган бойвачча йигит кичкина тўй қилармиди!

— Албатта!

Тўйга деб юборилган қанча гўшт, қанча ёғ, қандай сарполар, уни айтмай қўяқолай, юборишган гурунчларидан билиб оласизлар. Лекин кулманглар, бўлган гап, бор-йўғи битта халтада, олти кило гурунч. Шу гапни айтиши билан, ўртада қаттиқ кулги кўтарилди. Ўтган кунларни унутган хотиним ҳам уларга қўшилиб

куларди. Шунга яраша, битта халтада беш-олти кило сабзи, пиёз.

— Вой, тавба!

— Йўғ-ей! — Олмиш килодир? — ҳамма аввалига ишонмагандай анг-танг бўлиб турди-ю, кейин хандон отиб кула бошлашди. — Олти кило? Вой, тавба!

— Ҳа, олти кило гурунч юборишган. Ёғ ҳам шунга яраша, шишада... Бир киломи, икки кило!

Ишонмай энсаси қотиб ўтирганлар ҳам бўлди, меҳмонлар орасида.

— Кулаберманглар. Ҳали юборишган сарполари қанақа, айтганим йўқ. Замон шунақа эди. Буёғини эшитинглар!

Холамнинг эрлари олти кило гурунчнинг ошига маҳалла бор, қариндош-уруғ бор, куёв ўртоқлари билан келади, қандай етказамиз! Одам юборайлик, янглишмадингларми, олиб келганлар йўлда уриб қолишмаганми? Жуда бўлмаса, яна тўрт кило қўшиб ўн кило қилинглари, декча қозонда ош дамлаймизми, деганларига ҳам улардан жавоб бўлмаган. Нима ҳам дейишарди. Замон шунақа бўлган. Ҳеч нарса билмагандек куёв томон жавоб бермаган. Юборишмаган. Сут пулиям шунга яраша бўлган.

Булар ҳам майли-я. Юборган сарполари қанақа денг? Сарполарининг ичидаги шиппакларининг бир пойи бор, бир пой йўқ эди. Улар мени ким деб ўйлашган, бир оёғи йўқ чўлоқ қиз деб ўйлашганми? Билмадим...

— Вой тавба! Вой, тавба!

— Сизлар куласизлар, мен ўтириб йиғладим.

Холам: — Бир пой ҳам оёқ кийим бўладими? Йиғлама, ё тушиб қолган, ё эсдан чиққандир, деб юпатмоқчи бўлдилар.

— Нега бир пой? — билдингларми?

— Ҳазиллашганми?

— Қаёқда ҳазил. Билиб қилишган экан.

— Ростдан ҳам чўлоқ деб ўйлашганми?

— Кейин билдик. Гурунчнинг оз-мозини йўлда ўғирлаган деса одам ишонади, шиппакнинг бир пойи кимга керак бўлган? Бунинг сири кейинчалик очилди.

Шиппак ўзи асли жуфт экану, аммо куёв томон вақтида ҳақини тўлолмаганлари учун, уни тиккан косиб пул топганларингда иккинчи пойини олиб кетасизлар, деб бермай олиб қолган экан...



— Устага худонинг зорини қилиб «тўйимиз бор» дейишса, тиккан косиб — «Ҳой, мусулмонлар, сизларда бор эканки, тўй қилиясизлар, мени эртага ейдиган нонга ҳам пулим йўқ-ку! Инсофларинг борми! Сарпани камроқ қилинглар», деб бермаган экан.

Сарпо сўзини эшитиб олти кило гурунчни эслашдими, ҳаммалари яна қотиб-қотиб кулишди. Тўёнамиш-а! Чой қуйиш, дастурхонга қараш ҳам ўтирганларни эсдан чиққан эди.

Кулги кулги билан. Бу гапларни эшитиб мен лол эдим. Хаёлимдан нохуш фикрлар ўтарди. Руҳимни азобларди. Одамлар бошдан кечирган шу қадар мухтожликлар, шу қадар хўрликларни эшитиб қаҳ-қаҳ уриб кулишлари, бир дам бўлса ҳам кулгилар кетидан, афсусланиб хаёлга толиш, ўрнига нега шу аҳволга тушганларимиз сабабларини хаёлларига келтириш ўрнига, қувонч билан давомини эшитишга уларнинг юзларида кўринган иштиёқ, менга худди кимнингдир дафн маросимида мархумга қайғуриш ўрнига қабристонда эканликларини унутиб бир-бирлари билан латифа айтишиб, дунёни сув босса тўпифига ҳам чиқмайдиган одамларни эслатиб, кулишлари мени азобларди.

Агар ёнгин десанг, майли ёнаман

*Фақат яшаш учун яралмас одам,  
Ҳатто тупроққа ҳам мен айланаман  
Бир гул ундирмоққа агар ярасам.*

*Менинг нишимдан сен қуёш бўлиб  
Олмага нур сочсанг розиман, майли!  
Мен тупроқ бўлсам-у сен, гулдек униб  
Ҳамиша юз очсанг, розиман майли!*

*Инсон, жони билан неки яратса,  
Яратгани билан ном қолдирар у.  
Кошки истагинга мен ҳам яролсам,  
Балки қуёш бўлиб қолардим мангу!*

Ҳа, инсон феълига яраша топади. Наҳот бу қалбларда аланга сўнган!

Бундай ўринсиз кулгилардан қанчалик ранжиган бўлмай, тўй руҳидаги меҳмонлардан ғазабимни яшириб ҳазилга бурмоқчи бўлдим-у, лекин бир қўлида

ярим челақ сув, бир қўлида латта ушлаб, қаҳ-қаҳ уриб кулаётганларнинг олдидан ўтиб, уйга кириб кетаётган озгиндан келган аёл, менинг дардимни енгиллатади.

Бу бегона аёл, кечагина битган икки қаватли иморатимизнинг эшик, деразаларини ювиб, нарсаларни саранжомлашга бозордан келган мардикор аёл эди. Бу хотинимнинг ҳикоялари ва атрофдагиларнинг кулишларини эшитиб, кўнглига қаттиқроқ ботган эканми, қўлидаги челақ ва таллаларини ерга ҳам қўймай ўтиб кетатуриб:

— Кечирасизлар, мен бу уйга бегонаман... Ўша очарчилик замонда, нон ўрнида кесак гириллаган замонда олти кило гурунч топиб берган бўлса, деб гап бошладим-ю буларнинг гапига аралашини ўринсиз, деб билибми ёки у ичидаги дардларни ифодалашга айтарлик гап тополмаганиданми, ҳаммани эътиборини ўзига тортиб бир оз жим қолиб бир оғизгина:

— Очарчилик замонда тўй қилиб, йигит томон олти кило гурунч берган бўлса, кулманглар! — деди-ю бошқа гап гапирмади. Менга бир қаради-да қўйидаги челақ билан пол латтани кўтариб янги солинган иморатнинг иккинчи қаватига чиқиб кетди. У ўтирганларнинг етишмовчилик, камбағалликдан кулишларини, ўтмишдан эмас, худди ўз устидан кулишаётганларидек кўнглига олган эди.

Менга қараши бежиз эмас эди. Бу, қолганини Сиз айтиб берақолингга ишора эди. Нима демоқчилиги бошқаларга аён бўлмаса ҳам менга маълум эди.

Бу аёлни Чорсудаги мардикор хотинлар бозоридан мен олиб келган эдим. Бир оғизгина гап айтиб, менга қараганининг сабаби шунда эдики, бозордан уйга келгунимизча, менинг саволларимга жавоб беришдан олдин шоир эканимни таниб, ўзининг кимлиги, оилавий аҳволини яширмай айтиб берган эди.

Иккита ўғиллари бўлиб, бири яхши баҳолар билан ўрта мактабни битирганига қарамай институтга киролмаган. Бирор иш қилай деса, қўлида ҳунари йўқ. Ўз қишлоғида мардикорлик қилишга атрофдаги танишбилишларидан уялади. Тошкентга келишига, ҳали ёш, мен ишониб йўл қўймайман. Иккинчи болам олтинчи синфда. Отаси оғир касалга учради. Ўзингиз биласиз, дори-дармон қиммат, керакли нарсаларни топишга

кўлимиз қисқалик қилди. Раҳматли ёш ўлиб кетди. Оилани боқиш, кийинтириш, едириб-ичириш менга қолган.

Мен унинг гапларини чидам билан эшитдим, гапига гап қўшмадим. Ортиқча савол ҳам бермадим. Унинг дардларини эшитгач, нима деб ҳам савол берасан! Гапларидан ўпкалари тўлиб тургани сезилиб жавоб ўрнида тўлиб турган кўз ёшларининг дув тўкилишидан бошқа жавоб олмаслигим аён бўлиб қолган эди. Аммо, бир нарсани сўрамай иложим қолмади:

— Тошкентда ҳам ҳар турли одамлар бор, бегона уйларга бора беришга... — у нима демоқчи эканимни тушунди.

— Фарлик айб, ўғирлик айб. Бу ерда ҳам иш ҳар куни топилабермайди. Ётар жойга, еб-ичишга тўлаймиз. Одамларга худодан инсоф сўраб, афти-башарасига қараб, нима илож, ишлашга борамиз.

Ҳа, одамларга инсоф берсин. У қирқ, қирқ беш ёшлардаги ойдек жувон эди. Мардикорликнинг нимаси айб? Номи мардикорлик демаса, бу ҳам ҳалол меҳнат.

Тошкентлик хотинлар ҳам бировларнинг боласини боқиб, бировларни ишини қилмайдими? Ёки мардикор хотин қилган ишни улар қилолмайдими? Тошкентлик хотинлар орасида, бировларнинг кирларини ювиб, уй-жойларини кўтариб берадиганлар, кўча супурадиган фаррошлар камми? Буларнинг мардикорликдан фарқи шуки, тошкентликларнинг ётар-турар жойи, кундалик қиладиган иши, иш вақти, оладиган пули тайин, фақат мардикор дейилмайди.

Қишлоқдан келган мардикор аёлнинг эса на қозонтовоғи, на ўз эркича ётиб-турадиган бошпанаси бор. Топган пулининг бир қисмини кўчада овқатланишга, бир қисмини ётоқхона, милицияларига чой-чақага тўлайди. Баъзан омади келмай, иш тополмай қолган кунлари озми-кўпми жамғарган пули ҳисобидан кун кечиради.

Бу аёл қайси даромадига, қачон икки ўғлини тўйини кўради?

Гарчанд, унинг устидаги кийимлари эски, юз, кўзлари офтобда қорайиб униққан бўлса ҳам, лекин ғамгин ва ниманингдир илтижосида мўлтайиб қарагувчи кўзла-

ридан қора бармоққа тақилган биллур узукдек бир гўзаллик гоҳ-гоҳ акс этиб турарди.

Қандайдир андиша билан одамлардан олиб қочиб, ерга боқувчи бу кўзлар тубида не сирлар борлигини сабр билан ўқиш ҳамманинг ҳам хаёлига келабермасди.

Машҳур хонанда Юлдуз Усмонованинг «Мардикор» ашуласини эшитганда завқлари ичларига сигмай рақсга тушиб кетишади. Лекин бу кимга бағишланган? У ўзи ким? Бундай саволлар бизнинг уйда ўтирганларнинг хаёлларига ҳам келмасди.

Мени ҳайратга солган нарса бутунлай бошқа нарса эди. Ўтмишда ўтган тўйларни ҳикоя қилиб чақ-чақлашиб ўтирганларни, олдиларидан ўтиб турган бу мардикор аёл ким? Қаердан келган, бу юмушни қилишга нима мажбур қилди? Уларни заррача қизиқтирмаслиги эди. Унинг тақдирига бепарво эканликлари, ўзларидан ўзлари мамнун ва мағрур, атрофдан беҳабар, роҳатланиб кулишлари афсуслантирган эди.

Мен уларни кулгидан тўхтатиб, нега йиғламасдан куласизлар, ахир, мардикор хотин ва хотинимнинг бу гаплари куладиган воқеалар эмас-ку! — дегим келарди-ю, ўйлаб кўрсам бу табиий нарса экан. Чунки киши ўз хаёлига келмаган, кутилмаган, ўзи ўйламаган ваҳмали нарсаларни эшитса, ёки кўрса, унга ғайритабиий кўриниб беихтиёр куларканлар, хотинимнинг айтганлари ҳозиргилар учун ғайри табиий эди.

Айвонда ўтирган Минаввархон билан қайнимнинг хотини қандай қилиб эрга текканлари кейинчалик, йўқчиликларга қарамай муҳаббат, вафо нималиги ҳақидаги баҳсга шу қадар киришиб кетишган эдиларки, эрта-индин бўладиган тўйнинг маслаҳати, атрофида кимлар борлигини унутиш даражасига борган эдиларки, уларнинг гапларини эшитиб, Фузулийнинг:

*«Фузулий икки оламда муҳаббат ошноси бўл,  
Муҳаббатсиз кишининг кўнгли қишдир асти ёз ўлмас»*

— деган ҳикмати кўнглимдан ўтди.

Мен шу кун муҳаббатнинг нақадар қудратли куч эканига яна бир бор имон келтирдим.

Муҳаббат ҳақидаги гап кимга ёқмайди. Ҳатто хотинларнинг ўтмишдаги очарчилик ҳақидаги ҳангомалари-

нинг кимга кераги бор, ҳозирги етишмовчиликларга шукур қилиб ўтираберинглар, демоқчи бўлиб бепарвороқ ўтирган ёшларнинг қулоқлари ҳам муҳаббат ҳақидаги гапни эшитиб динг бўлиб қолди.

— Ҳой, Ойба, тўхтанг! Ўзингларни тўйларингни гапирасизлар, окангиз билан бизларни тўйимиз, севгимиз қандай бўлган эсингиздами? Сизларникидан ҳам қизиқроқ. Олти кило гурунч, бир пойи йўқ шиппак қилганларини гапирасиз. Бир пойини поччам кейин косибдан олиб берибдилар-ку! Морозний олиб бермаган бўлсалар ҳам, совға қилмаган бўлсалар ҳам, маҳрингизга қайинотангизни даладаги битта сигир билан уй-жой тушган экан-ку. Мен окангизга текканимда, менинг маҳримга бериладиган уй-жой, эчки у ёқда турсин, битта товуқлари ҳам бўлмаган-ку! — деб ҳамма ўтирганларни кулдирди.

Унга жавобан Минаввархон ҳам бўш келмади:

— Ундоқ деманг, келинойижон! Ундоқ деманг. Ахир, эшитишимча, Сизнинг маҳрингизга меникидан ҳам каттароқ нарса тушган. Бизлар қулоқ бўлиб кетгандан кейин Қўйлиқда қолган жою молларни ҳаммасини окам сизнинг маҳрингизга бераман деганлар-ку. Муҳаббатхон нолиманг, Қўйлиқдаги жой озмунча жойми!

— Окангиздан ўргилай, мунча сахий бўлмасалар. Ҳукумат олиб қўйган жойларни мени маҳримга берган бўлсалар ҳукумат қачон менга қайтариб бераркан! Вой, сиздан айланиб кетай, бу ўлма эшагим, арпа ейсан-ку!

Бу ҳам роса кулги бўлди.

— Окангиздан айланай, ўзларининг аниқ ётар-гурар жойлари йўқлигидан тўйимиз Ойба, сизларнинг ҳовлиларингизда бўлган эсингиздан чиқдимми! Икки хона уйларингиздан биттасини бизларга бўшатиб бериб, қайнонани билан қайнотангиз, ўшанда ёз эди, айвонда ётиб юришган. Қайнотангиз уйдан кўчага чиқиб кетардилар-да, ундан кейин бизлар уялиб уйдан чиқардик.

— Атрофида ўтирган ёшларга қараб Минаввархон:

— Кўрдингларми, уй-жойи бўлмаса ҳам окам яхши бўлгани учун текканлар, деб мақтанмоқчи бўлган эди.

— Сиз ўзингиз-чи, Ойба. Поччамлар бир пойи йўқ оёқ кийим қилсалар ҳам теккансиз-ку!

— Муҳаббатхон, ёш бўлсак ҳам ақлли бўлган экан-

миз. Эр танлашни, эрга тегишдан мақсад нималигини ҳам хўп билган эканмиз.

— Тўғри айтдингиз ҳақиқатан ҳам бало бўлганмиз. Бўлмаса, биласизми, менга кимлардан совчи чиқмаган?! Ўйласам юрагим орқамга тортиб кетади, худо бир асраган! Ўша очарчилик вақтларда энг бой одамлар фақат нон дўконда ишлаганлар-у керосинчилар бўларди. Биттаси билан мени учраштиришди. Қуриб кетгурга, давлатига учиб тегмаганимни эсласам, худо бир асраган экан, дейман. Иккимиз учрашдик. Ўшанда очарчилик бўлгани учун, катта зиёфат қилдим, деб дидинг қурғур, эски газетага ўралган ичида битта ҳам жази йўқ «хоним» олиб берган. Ўша газетага ўралиб эзилиб кетган «хоним» кўзимнинг олдига келса, ҳали-ҳали кўнглим айнийди. Оч бўлсам ҳам нафсим ўлик экан, емаганман. Ўша бедидлигини кўриб бойлиги ҳам қуриб кетсин деб кўнглим қолди-қўйди. Вой гапини айтмайсизми? Гапи-чи, гапи ундан совуқ, тайини йўқ, ўзи гапириб ўзи куларди. Худо ҳаммага дид-фаросат берсин экан. Биласизларми, Бедид кўсқи одам, ипаклик матони ҳам бачкана, кўримсиз қилиб кияди. Дидли, фаросатли одамнинг камбағаллиги билинмайди, оддий читдан кийса ҳам, кўриб ҳавасинг келади. Ўша одам кўзингга бойдек кўринади. Дидсиз одамларнинг уй-жой тутиши, кийиниши ҳам қуриб кетсин.

Бу ҳаммага тегадиган, бир томони ибрат бўладиган гап бўлгани учунми, кўпчилик ўйга толиб эшитарди.

— Окангизга нега текканман биласизми? — Муҳаббатхон давом этди: — Окангиз у қуриб кетгурнинг бутун тескараси бўлиб чиқдилар. Окангизни, билмайман, ўша вақтда қаердан топганлар, устларида эски чарм куртка, оёқларида эскироқ бўлса ҳам ярқираган ботинка, сочлари худди лоска бўялгандек қоп-қора, ҳозир бошларини ювгандек силлиқ қилиб таралган. Очарчилик зомоннинг одамига ўхшамасдилар. Лекин, улар ҳам кўришганимизда, поччамларга ўхшаб ҳеч нарса совға қилмаганлар. Ҳатто, тавба, дурустроқ гап ҳам чиқмаган. Ахир одам бир-бири билан кўришганда, у ёқ-бу ёқдан гаплашади-ку, бизлар кўришганимизда окангиз саломлашдилару индамай ўтирабердилар. Савол-жавоб йўқ. Аввалига мен ҳам индамадим. Мендан қандай гап чиқишини синамоқчи бўлдиларми, икки-

миз индашмай бир оз ўтирдик. У киши индамаса, нега учрашдик? Энди мен ҳам индамай кетмай деб гап очган эдим, гапимга қисқа қилиб жавоб бердилар. Яна бирор гап чиқар энди десам, яна жим. Кулгим қистаб кулиб юбордим. Кулганимни сезиб менга қўшилишиб улар ҳам жилмайиб юмшоқ кулиб қўйдилар. Кулишлари бирам чиройли кўринди. Юрагим жиз этди. Рости ёқиб қолдилар. Бошқа гап-сўз, кимман, нима иш қилман, таги-тахти қанақа, суриштириш ҳам йўқ.

*Асл севги тилда бўлмайди,  
Қиз демайди «Севдим, ошиқман»  
Билмак бўлсанг ишқин, севгисин  
Қалбин тингла, шошма, ошиқма.*

*Боқишидан англамоқ мумкин,  
Ният, ишқин айтмасдан бир сўз.  
Чунки баъзан қалбнинг сирини  
Ошкор қилар бир табассум, кўз.*

— Кетдик! — дедилар. Уйга кузатиб қўйдилар.

Кейин билсам, окангизни камгап феълини билиб уйдагилар:

— Қиз билан тузукроқ гаплашдингми, ёқдими деб сўрашса, окангиз бўлса:

— Нимани гаплашай? Ўзинглар уни қаёқдан топгансизлар? Таги-тахти, кимлигини қўни-қўшнилари-дан сўраб, ўзинглар маъқул қилдинглар. Менга фақат кўриш қолган эди, кўрдим! Қўл-оёғи бутун, боши думалоқ, кўриниши дуруст, ликилламаган, яна нимасини суриштираман. Бу ёғи энди ўзимизга боғлиқ. Ўз одати бўйича қисқа, лўнда, ярим ҳазил, ярим чин қилиб жавоб қайтарганликлари ҳали эсимда.

Лекин афсус, буёғи «ўзимизга боғлиқ» деб катта кетиб хато қилган эканлар окангиз. Банданинг ўзига боғлиқ эмас экан. Астағфирилло! Банда манманликка кетмасин экан. Ҳамма нарса Худонинг иродаси билан бўлишлиги хаёлдан кўтарилган эканми, бўладиган тўйимиз қолди.

Ҳар хил гаплар тарқалди.

Муҳаббатхон билан бир-бирларига кўнгил қўйганларига қарамасдан қариндош-уруғлар орасида «Боши-

да томи, олдида қозони бўлмаса, нимасини яхши кўриб тегмоқчисан?»», деган гаплар ҳам бўлган. Наҳот, Муҳаббатхон энди севгисини рад этса!?

Уруш, очарчилик йиллари... Кунлардан бир кун Абдурахмон арзонроқ дон-дун олиб келиш ниятида поездга чиқмоқчи бўлади. Аммо чиқишга улгуролмай эшигига осилиб зинасига оёқ қўйганича кетаберади. Қаршисидан ёғоч ортиб келаётган юк поездидан чиқиб қолган тўсинлар Абдурахмонни қоқиб ўтади, ерга йиқитади. Бир елка суяги, қўллари синади. Бир неча вақт, йиқилганча беҳуш ётади...

Даволаниш, оёққа туриш, тирикчиликни йўлга қўйиш, албатта, тезда бўлмайди. Бўладиган тўй, орадаги севги-муҳаббат тақдири энди нима бўлади? Бу хаёллар Абдурахмонни қийнарди, тинчлик бермасди. Қизнинг хаёлидан эса нималар кечди? У энди Абдурахмоннинг тузалишини кутармикин?

Юлдузлари юлдузларига ўша кўришишда тўғри келиб қолган экан. Бундай пайтда мол-давлат, амал хаёлдан кўтарилади. Сирли, сеҳрли ҳолат пайдо бўлади. Ҳеч нарса билан ажратиб бўлмайдиган яқинлик бошланади.

*Ёр вафо қилмаса, мол вафо қилмайди,  
Орзу-ҳавас давлатинг, дардга даво қилмайди.*

*Уйқу ўрин танламас, муҳаббат чирой деган,  
Ошиқлар бир-бирига кибру ҳаво қилмайди!*

*Кўнгилда муҳаббатнинг чиройи сўнса агар,  
Мол савдосин қилганлар айшу сафо қилмайди!*

Юлдузи юлдузига тўғри келиб, бир-бирига меҳри тушиб қолдимиз, шу бўлди, висолини кўз ўнгидан кетказиб, хаёлдан қочириб бўлмайди.

Баъзан кўчадами, трамвайдами, тасодифан бир-бирига кўзи тушиб севиб қолиб, уйини ахтариб, ҳа йўқ, ҳу йўқ мен шу қизни оламан, ёки мен шу йигитга тегаман, деб кетидан юриш ҳолатлари бўлмаганми!

Фарҳод, Ширинни қандай севиб қолган? Кўзгуда кўриб шу кўйи ошиғу беқарор бўлмаганми?



*Бердим кўнгилини кўзгуда тасвирини кўриб  
Кўзлардаги фусунини тасҳирини кўриб,  
Кўнглим олишга фикрини тадбирини кўриб,  
Айб айламанг, муҳаббати занжирини кўриб,*

*Бир йўл кўринди кўзгуда юздан олиб ниқоб,  
Шарманда бўлди кўкдаги ой бирла офтоб,  
Бир йўл кўринди қолмади қарору тоб,  
То ўлгунимча ахтарайин куйини сўраб  
Қурбон бўлайин китобининг тақдирини кўриб.*

Шу вақтгача, ҳамма гаплашганда, ўтирган стулининг ёнини чертиб, ўз хаёли билан индамай ўтирган, қариндошларимдан бирининг консерваторияда ўқийдиган ўғли, кутилмаганда «Фарҳод ва Ширин» сахна асарига айтиладиган қўшиқни хиргойи қилиб қолувди, кўпчилик беихтиёр унга қўшилиб ашула айта бошлаган эди, хотин-қизлар ўртасида ўтмиш ҳақидаги гаплари хаёлидан кўтарилиб рақсга тушиб кетганлар ҳам бўлди.

Ҳаёт бу — тун ила тонг!

Айтилган ашула сабаб бўлиб:

— Минг бор кўришиб, йиллаб қўл ушлашиб юрганин билан юрагингда бир кўрганингдагидек севги уйғонмаса, бекор. Ҳамма гап уйланадиган йигит ҳам, эрга тегадиган қизлар ҳам, нега турмуш қурмоқчи, шуни фаҳм этишида, уйланмасдан олдин яхшилаб ўйлаб олишида. Ана шунда бир-бирини қадрига етади. Буни — вафо дейилади, — деди Минаввархон.

Хотинининг бу гапи менга жуда хуш ёқиб:

— Ҳой, ҳамма ҳам сиздек яхши билан ёмоннинг фарқига етабермайди. Мунчаям доно, ақлли хотин бўлгансиз. Бўлмаса менга тегармидингиз, — деб мақтаб қўйдим.

— Сиз, мендан ҳам доно бўлгансиз, бўлмаса, мени олармидингиз!

Бизларни ҳазил-ҳузулимизни эшитиб ўтирган қизим Хуршида кулгидан ўзини тўхтатиб:

— Ойи, адам ҳам уста бўлган эканлар. Сизни мол дўстими, жон дўстими, синаш учун бир пой оёқ кийим бериб юборган эканлар-да Хуршидахон!.. — ўртага гап ташлади. Бу гапи яна кулги бўлди.

— Гапга аралашди Муҳаббатхон, — битта ойингиз, адангизлармас, билиб қўйинглар, ҳазили йўқ, ҳаммамиз ҳам ақли бўлганмиз. Мана, қўшнинглар, худо кўрсатмасин, дабдаба билан тўй қилиб куёвига «Нексия» машинасини калитини тутқазган эди. Оқибати нима бўлди? Тавба, дейман, икки ой ўтмасдан ўша машинада куёви қизини уйига ташлаб кетибди. Қизи бечора мана энди куйиб, дод солиб ўтирибди.

*Қани севги, қани муҳаббат,  
Мол, давлатдан наҳот иборат?!*

*Бу жанжаллар мени куйдирди,  
Ипсиз бойлаб мени ўлдирди.*

*Молга сотса севгини наҳот?  
Кимга иглаб, кимга солай дод?!*

*Никоҳ тўйин лаззати қани?!  
Эр, хотиннинг иззати қани!*

Минглаб одамларни айтиб, дабдабали тўй қилганиндан, олти кило гурунч бўлса ҳам юбориб қўшақариганинг яхшимасмиди!

Бу гаплар, эшитган ёшларга ёқармиди?

Ўтирган ёшлар орасида бу гаплар ёқмай, энсаси қотиб севгини сизлар нима деб тушунгансизлар? Бирингиз аммангиз, бирингиз холангиз нима деса хўп деб кетаберган экансизлар-да, шу ҳам муҳаббат бўлди-ми, — деганлар ҳам бўлди.

Бу хато эди. Ёшлардаги бундай хотоликни кўриб, индамай ўтиришимнинг иложи бўлмади. Гапга аралашдим:

— Энди муҳаббат масаласига келсак, тўғри бундай сев, бундай севма, деб қонун чиқариб бўлмайди. Бизлар муҳабатни қандай тушунганмиз, бир оз сабр қилинг, бу ҳақда кейинроқ, ҳозир бир-икки ривоят келтираман, — деб гапга аралашдим.

— «Қассобга мой қайғу, эчкига жон». Қайси бири ҳақ? Эчкими, қассобми? Нима деб бўлади? Иккаласи ҳам ўз ўрнида ҳақ! Тўғримми?

Албатта, ҳамманинг фикри бир жойдан чиқабер-

майди. Бировга у ёқади, бировга бу. Гина қилиш ўринли эмас. Лекин ўзига обрў бўладиган, ҳамма отангга балли, дейдиган ишни қилган киши ютади.

### **Ривоят:**

Тақдир тақозоси билан икки ногирон, кўзи ожиз қиз билан букри йигит учрашиб, бир-бирларига кўнгил кўйишибди. Қизнинг кўзи кўр бўлса ҳам гўзал, хушовоз экан. Йигит букр бўлса ҳам хушмуомала, хушфезл экан. Икковлари бирга умр кўришибди.

Кунлардан бир кун қиз яккаю ягона орзуйим, бир дақиқа бўлса ҳам бу ёруғ дунё ва ёримнинг жамолини кўриш, шунга етиб ўлсам армоним йўқ, деган экан...

Худойим, чин кўнгилдан тиласанг, ҳамиша тилакка етказувчи. Йигит ёрининг орзусини эшитиб худодан сўраб, шифосини излабди. Худойимнинг қудрати билан қиз шифо топиб, мўъжизадек, буни қарангки, аста-аста кўзи очила бошлабди.

Очилибди... Орзусига етиб ёруғ дунёни кўрибди. Лекин, орадан кўп ўтмай бошқа бир даҳшатли «мўъжиза» ҳам юз берибди. Нима дейсиз, кўзи очилган қизнинг қувончи узоққа бормайди. Йигитни букрини кўриб, ундан аста юз ўгира бошлабди. Бошқаларга кўнгил қўя бошлайди.

Мана орзусига етказган кишига изҳор этилган миннатдорчилик! Мана яхшиликнинг қайтими! Буни сезган йигит Отеллодек уни бўғиб ўлдирмабди ҳам, додфарёд кўтармабдиям. Ёрининг бевафолигидан куйган йигит бир кечада ғойиб бўлибди. Қаерга кетди? Дашти биёбонларга бош олиб кетдими? Ўзини ўт-сувга урдими? Риё аламида ўзини жарликларга отдими! Бедарак кетди!

Қиз унинг йўқолганидан балки, қутулдим, деб, ичдан қувонгандир, лекин, тақдирга лаънатлар бўлсин, у кетади-ю, орадан вақтлар ўтиши билан қизнинг очилган кўзлари аста-аста хиралашади. Кўп ўтмай яна кўрмай қолади.

Қани энди халоскори? Дод солади!.. Излайди. Йўқ! Қиз қайтадан кўр бўлади. Асли ҳолига қайтади.

Муҳаббат кўр қилгани шу эмасми!.. Бу бир ривоят. Бундан хулоса нима?

Бундан хулоса шуки, биринчи севишган даврда кўр бўлмаслик керакдир? Юқоридагидек фожиага қизнинг

кўзи кўрлиги сабаб десак, кўзи очиқ севишганларнинг ҳаётида бундай фожиалар рўй бермайдими?

Шекспирнинг «Отелло» драмасида, Ягонинг ифволаридан газабга келган Отелло, унга жавобан:

*Истайсанки, умр бўлсин рашкдан иборат,  
Ҳар чорак ой янги-янги шубҳа туғсинми?*

.....  
*Агарда мен сенинг бундай бўш ва бўлмағур  
Ва бекорчи шубҳанг учун кўнглимни берсам,  
Мени битта тана билан алмаштириб қўй!*

Отелло Дездемонани рашкдан бўғиб ўлдирмади. Ахир, Отеллонинг «Истайсанки, умр бўлсин рашкдан иборат» дейиши бу рашкдан газабга келаётганидан эмас эди. Бу Отелло севгини муқаддас билган. Бу Отеллонинг севгидаги риёга, муҳаббатдаги хиёнат, бевафолик, фахшга қарши кўтарган исёни эди. У севгига хиёнатни қоралади, ибрат сифатида курашди. Ҳақиқий севги мана бундай бўлади, деб ўзини ҳам ўлдирди. У Ягога ишонди. Севгига Дездемонанинг бундай муносабатини кечиролмади. Уни ҳам ўлдирди. Муҳаббатни илоҳий покиза эканлиги, уни муқаддас билганидан, шундай олий инсоний фазилат оёқости бўлганга қарши қилич кўтарди.

Агарда Отелло севгини рашкдан иборат деб тушунганида, бу «фоҳиша» Худонинг қаҳрига учрасин, унинг хор бўлганларини кўрай, мендан яхшироғи билан яшаб кўрсин, деб ихтиёрига қўйиб жазоламаслиги мумкин бўлмасмиди! Ахир ҳамма ҳам хотинини рашк қилиб ўлдирабеймайди-ку!

Отелло Дездемонани ўлдириб, ўзини ҳам шунинг учун ўлдирдики, унинг учун муҳаббат, муқаддас эди. У ўзини муҳаббатга содиқлиги йўлида қурбон қилди. Шу билан у, ҳақиқий севги, ўзи учун яшаш эмас, севиклиси учун ўзини қурбон қилиш, бир-бири учун яшаш деб билганди.

Севгига мезон йўқ! У шундай сеҳрли қудратки...

Шу куни ўтирган ёшларга Шолоховнинг «Тинч оқар Дон» асари қаҳрамонларидан бири Григорийнинг Наташа билан муҳаббати воқеасини эслатдим:

Григорий билан Наташани никоҳ қилиш учун бут-

хонага олиб борилади. Христиан одати бўйича куёв билан келин севгига мухр сифатида ўпишиши лозим. Ўпиш вақтида Григорийнинг кўзи Наташанинг лаби ёнидаги ортигидан чиқиб турган битта узун тукка тушади. Тушади-ю мана шу тук сабаб бўлиб, ўша кундан бошлаб куёвнинг кўнгли қиздан қолади. Бирга ётмайдиган бўлади. Бегоналарга кўнгил қўйиб кетади.

Икки ёшнинг турмуши бузилишига битта ортиқдан чиқиб турган тук, қилгина сабаб бўлди.

Халқ бекорга айтган эмас: киши кўнгли қилдек но-зик, деб.

Бу ҳам севги! Ҳақиқий севги, — биринчи ўпиш олган кундан бошқа ҳамма нарсани унутиш! Ҳамма оғирликларга бардош бериш. — Бўса таъмини муқад-дас билиш.

Менинг жон куйдириб гапирган бу гапларимни дас-турхон атрофида ўзаро суҳбатлашиб ўтирганларнинг баъзилари эшитди, баъзилари... Лекин шунга қарамай ёшларга ибрат бўлсин, деб:

— Мен ўзим ва кеннойингиз Минаввархон муҳаб-батни қандай тушунганмиз, бунинг уйимиздаги суҳ-батларнинг давомига қулоқ солсангиз, бизларни му-ҳаббатга, имоним комилки, қойил қоласизлар. Чунки сизлар, фақат ўтган тўйларимиз олдидан бўлган воқеа-ларни бир қисминигина эшитдинглар, «Ошнинг ёғи тагидан чиқади» дегандек, тўйдан кейин нималар бўлган, бу ёғини эшитсангиз, бизлар муҳаббатни қан-дай тушунганимизга, албатта, ҳавас қиласиз.

Бир эртақ эшитгандим — қуённинг лаблари нега кемтик, деб сўрашганда унинг сабаби шу эканки, қуён бир нарсадан хурсанд бўлиб шунчалик кўп кулган экан-ки, кулаберганидан охири лаблари йиртилиб кемтик бўлиб қолган экан.

Бизларнинг тўйимиз ҳақидаги гапларнинг буёғи кул-гилими, аянчлими, «Қассобга мой қайғу, эчкига жон қайғу». Хулоса чиқариш сизларга ҳавола. Бу ёғини тўйи-миздан кейин бўлган гаплардан билиб оласизлар.

Бизларнинг севгимиз олдида Григорий, Отеллолар-нинг севгиси севги бўптими, бизларнинг муҳаббати-миз олдида, Отеллоларники, тўқликдан шўхлик! Биз-ларникини... «Ҳавас қиласиз! Ахир қалинга олти кило гурунч, сарпосига бир пой шиппак бериб ҳам мана

олтмиш йил бахтли яшадик-ку! Бу ҳақиқий севги эмас-ми! Кейинроқ, ҳали қараб туринглар, бу гапимга яна ишонасизлар.

Бирор ҳодисага ҳеч маҳал ҳамма бир хилда фикр билдирган эмас, Муҳаббат ҳақидаги гапларимга ҳам ҳамма ҳар ёқдан ўзича фикр билдириб, айниқса, ёшроқлар савол бериб мени тўрт томондан талай бош-лашди. Бу ҳам табиий!

— Қани овқат келди. Овқатга қарайлик, қолган гапларни, ҳали олдинда маслаҳат оши бор, гаплашаберамиз, — деб зўрға қутулдим.

Муҳаббат ҳақидаги баҳсга минг йиллардан бери нуқта қўйилган эмас. Кўнгил, кўнгил экан. Ҳаётнинг қизиғи шу!

Меҳмонлардан яна кимдир нимадир демоқчи эди, Худонинг ўзи гамхўр деганларидек, кадрдон дўстим Комил Пўлатов келиб қолди-ю мушкулумни осон қилди. Муҳаббатга, тўйларга унинг қарашини бутунлай бошқача эди.

Отам:

— Одамлар бир-бирлари билан учрашганларида «дўстим-дўстим деган сўзни кўп ишлатадилар. Аслида бу ўйланмай айтилган гап. Аслида дўст ҳаётда битта, ёки иккита бўлади. Агарда у сенга чин сирдош бўлса, ана у дўст — дердилар.

Бу ҳаётда одамларнинг бошларига не-не кунлар тушмайди, яхши кунлар ҳам, ёмон кунлар ҳам. Ана шундай чоғларда қувончингни ҳам дардингни ҳам ҳаммага юрак ёриб ишониб айтабермайсан. Аммо Комилхўжа эса, танишибманки, у ҳамиша қайғумга қайғуриб, қувончимга самимий қувониб келган дўст! Унинг муҳаббати ҳақиқий муҳаббат!

Келганидан хурсанд бўлиб, қучоқлашиб кўришдим. Кўришдим-у айтган гаплари эсимга тушиб, ўзимдан ўзим беихтиёр кулиб юбордим. Ана бунинг гапларини кулгили деса бўлади. Ана унга кулса, ярашади!

Чунки унинг қилмиши, айтган гаплари хотинимнинг ҳикоясидан минг марта ғайритабиийроқ, ғайри табиийлиги, ҳайрон қоларли ва кулгилироқ. Унинг қилган ишларини унча-мунча ман-ман деган одам қилолмасди. Унинг айтганларини унча-мунча одам юрак ютиб гапиrolмасди ҳам.

Мана, ўйлаб кўринг ахир, ким, қайси одам, давлат тепасида ўтирган раҳбарни унинг тириклигида, масалан, Хрущёвнинг камчилик ёки хатосини кўрқмасдан, сеники эмас, меники тўғри деб айта оларди? Ўша замонда эшитганлар учун бу албатта даҳшатли, ғайритабиий, ёки кулгили туюларди.

Хўп, бу ҳам майли, дейлик, Ватан уруши вақтида «Мен Сталин учун жангга кирмайман», деб бирор одам айта олармиди! Комилхўжа айтган! Борди-ю, кимдир, шундай деб айтган бўлса, албатта бу ҳам ғайритабиий ва кулгили туюлишидан ташқари даҳшатли эди, қамалиши ҳеч гапмасди. Лекин Комил дўстим учун булар ҳаммаси оддий ҳақиқатдек туюлиб айта оларди. Ҳа, хайрон бўлманг, айта оларди!

Ёки бўлмаса, ароққа сув қўшиб сотувчи буфетчини, инсофли, фазилатли, меҳрибон одамлар қаторига қўшиб бўладими? Комил дўстим бўлади, дерди. Топган жавобига тан бермай иложинг қолмасди. Бунақа кутилмаган гаплар ундан чиқарди.

Айтган гапани яна асослаб оларди. Чунки у файласуф эди! Файласуфлиги шунда эдики, у эшитганлар учун хайратомуз ёки ишониб бўлмайдиган даражада ғайритабиий кўринган нарсаларга тан оладиган даражада мантиқий асос топиб, ишонтира оларди.

Фалсафа бу — фикр қилиш, ўйлаш дегани! Жумбоқларни ечиш, топа билиш, ишонтириш дегани! — дерди у. У катта истеъдод эгаси эди. Унинг қилган ишлари бошқаларга ўхшамасди.

Техникумни мен билан битиргач у юридик институтга киради. Уруш йилларида прокуратурада терговчи бўлиб ишлайди. Ҳарбий хизматга чақирилиб кўпчилик қатори урушга кетади. Лекин, орадан кўп ўтмай тезда қайтиб келади. Кўришганимизда ҳол-аҳвол сўрашиб:

— Ҳа дўстим, жуда тез, эсон-омон қайтиб келибсан десам дабдурустдан:

— Урушда нима қиламан, деди — Кутилмаган унинг бу жавобидан: ахир, урушда нима қилади? — деб кулсам, жавоб бериш ўрнига:... Юр, ёнимда пулим кўп, ичамиз, қандай қилиб қайтганимни эшитасан. Мени биласан-ку, деб пивахонага бошлади.

Комилни мен техникумда бирга ўқиган вақтимдан билардим. Ўша вақтларда ҳам кўнглига келган, ҳеч ким

кутмаган ишларни қиларди. Тан олишим керак, техникумда шоир деб ном чиқарган мен ўзим ҳам унчалик кўп китоб ўқимаганман. Ўқиганимда ҳам мен асосан шеърӣ тўпламларни ўқирдим. Шеър ва муҳаббат дарди билан яшардим. У эса бирон қизга севги изҳор қилиш эмас, китобга ошиқ эди. Кўлидан китоб тушмас эди. Ўша вақтларда ҳамма ўқувчи ҳам Войничний «Сўна», Сервантеснинг «Дон кихот» ларини қизиқиб ўқийбермасди. Бу эса фақат ўқиш эмас, ўша асарларнинг қаҳрамонларга тақлид қилиб ҳаракатлар қилар, Гаврош, Артурлардан монологлар ёд олиб ўқиб юрарди.

Комилни қизиқтирган нарса уларнинг эркинлик, адолат учун курашишлари эди. Бу бесабаб эмас эди.

Ёзги имтиҳонлар бошланган кезларда, ҳатто ўқитувчиларни ҳайратга солиб, тузукроқ кийиниб келиш ўрнига шимининг почасини шимарган ҳолда, яланг-оёқ синфга кириб келарди.

Мен бунӣ йўқчилик, камбағалликдан деб билардим. Йўқ, бунӣ тагида мен билмаган сир борлиги кейин маълум бўлди.

Комилнинг отаси ҳукумат томонидан душман, деб отилиб уй жойлари-ю, каттакон мевали боғлари ҳаммаси тортиб олингандан кейин, беш, олтига укалари билан онаси шаҳардаги қариндошларидан бирининг кичкина ҳовлисига кўчиб келиб фақирона яшайди.

Балки у камбағаллиги учунми, ўзим билан ўқийдиган бир гўзал қизга менинг ошиқу беқарор бўлиб юрганимни била туриб ҳам у севги, муҳаббатдан оғиз очмасди. Бу ҳақдаги гапларга қизиқмасди ҳам. Бир куни унга:

— Комил, пул чиқадиған жойни топдим, мен билан юр, кийим-кечакларни боплаб оламиз, — дедим.

— Текин пул топадиған жой бўлса бўлди, ҳозироқ борамиз, тайёрман.

Мен қандай қилиб топаётганим, нималар қилаётганимни айтдим:

1931—1934 йилги очарчиликдан бир-икки йил ўтгач, киши бошига ўлчаб бериладиған озиқ-овқат, матолар тартиби бекор қилиниб, шаҳарнинг ҳар ер-ҳар ерида эркин савдо — коммерческий магазинлари очилади. Лекин ундан ҳам хоҳлаганингда, хоҳлаган вақтингда



ололмайсан. Мол ҳам ҳар куни бўлмайди. Атрофида пойлаб, айланиб юриш керак эди. Баъзан йўқ молга одамлар эрталабдан навбат кутиб ўтиришади. Мол келиб, дўкон очилиши билан ур-йиқит, минди-минди, бир-бирининг устидан ошиб, магазиннинг эшигини бузгудек ўзларини ичкарига урардилар.

Ҳеч маҳал ҳаммага етарли мол бўлмасди. Олган олиб қолади, олмаган сўкиб-сўкиб, оғзини очиб қолаверади. Чунки таги кам.

Мен олиб сотадиган молларнинг ичида ҳар доим бўладигани, нақдроғи, кундузги ўқишимга халақит ҳам бермайдигани Пиён бозордаги (ҳозирги Навоий театрининг ёнидаги) гўшт сотадиган магазин эди. Бозорга нисбатан арзон бўларди. Ўша вақтларда магазинларга сотиладиган молни ҳам маълум миқдорда ўлчаб бераркан, юз, юз эллик кишидан ортиққа етмасди. Шунинг учун одамлар менга етмай қолмасин, деб кечасидан навбатга турардилар. Эрталаб азонда магазин очилиши билан ҳамма ўзини бирдан ичкарига урмаслиги учун кечаси қилинган рўйхат бўйича чақирилиб, ўнта-ўнтадан ичкарига киритиларди. Кечқурун тузилган навбатнинг рўйхати азонга яқин яна бир бор ўқилиб, одамларни бир қатор қилиб тартибга келтириларди. Йўқлар ўчириларди.

Менинг уйим бу ердан узоқ бўлгани, ундан кейин ухлаб қолмаслигим учун кечаси билан шу ерда қолиб, тонг оттирардим.

Баъзан тайёрлайдиган дарсларимни ўзим билан олиб келардим. Ўрусларнинг эшиклари олдида, кечаси билан ёқиқ қоладиган чироқлари ёруғида, кўчаларга ёпиштирилган афишаларни остимизга солиб дарсларимни ҳам тайёрлардим.

Баъзан кўлимга китоб ёки дарс тайёрлаш учун дафтарни олардим-у иккаласини ҳам қилмасдим. Баъзан муҳаббат дарди кўнглимда ғалаён қилиб хаёлимни олиб қочса, баъзан «ўғлим омон юрганмикин», деб кечаси билан мени хавотиримда ухламай чиққан кекса отам билан онамни мен учун чекаётган азоби уйқумни олиб қочарди.

Менинг овжи йигит, Маъсуда деган қизга ошиқ-беқарор чоғим. Дурустроқ кийинишим керак. Ота-онамнинг бунга қурби етмасди.

Албатта, мен ҳар куни кечаси «овга» чиқмасдим. Гоҳо чиқадиган вақтларимда ойим эса:

— Олган нарсангни бозорга сотиб, ўқишингга кетишинг олдидан, жон болам, мени хавотирда ўлдирмай, албатта, уйга кириб ўт! Отанг билан мени тинчи-тиб кет, — деб ёлборарди.

Онамнинг бу гаплари юрагимни ўртаб юборарди. Нима илож! Онам кўзойнагини тақиб, чироқнинг шуъласида тиккан дўппиларини сотиб, отамнинг қўлга илинар-илинмас пенсаси билан рўзгор тебратиларди.

Баъзан онамнинг илтимосини ҳам қилолмасдим. Имконим бўлмасди. Навбатим охиrhoғда бўлган вақтларда олган нарсамни бозорга олиб бориб сотиб олиш у ёқда турсин, ўқишимга ҳам кечикиб борардим.

Ўртоғимнинг хавотир оладиган ота-онаси йўқ эди. У техникумнинг ётоқхонасида ётарди. У бемалол мизғиб ҳам оларди, менинг ухлолмаганимни кўриб, ҳали дўкон очилишига вақт бор, юр, айланиб келамиз, дерди, Айлансак, айлангудек жойлар шаҳарда кўп эди. Кечаси кўчалар жимжит, ҳаммаёқда чироқлар ёп-ёруғ, бундоқ эсласам ўша вақтларда ҳозиргидек нима қилиб юрибсанлар, кимсанлар, деб суриштирадиган милициялар ҳам бўлмаган экан.

Мени ҳайратга соладиган наrsa яна шуки, ҳозиргидек ҳужжатингни суриштириб, пулингни қоқиб оладиган милициялар йўқлигидан ташқари, кечалари кўчаларда юришга қўрқарли ўғриларни ҳам учратмасдик. У вақтда мастлар ҳам кам бўларкан. Кам эмас, ҳатто ҳеч кўринмасди.

Асосан руслар яшайдиган янги шаҳар жуда обод бўлган. Циркдан тортиб қўша-қўша «Искара», «Хива» деган кино-театрлар, катта-катта гастроном, китоб магазинлари, универмаглар бўларди. Гастрономларнинг ичида кечаси билан ишлайдиган навбатчи бўлимлари бўларди. Унда ейдиган, ичадиган ҳамма наrsa топиларди. Яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек, биринчи марта ичкиликни ҳам оғзимга шу ерда олиб кўрганман ўртоғим билан.

Пул мени ихтиёримда эди. Хоҳлаган нарсамга сарфлашим мумкин эди. Комил мен билан гўшт олишга бир кун чиқди-ю бошқа чиқмай қўйди. Уни на пул, на

кийим-кечак, на муҳаббат қизиқтирарди. Унинг хаёли ўқиган китобларининг қаҳрамонларида эди. Орзу-ҳаваси ўшалардек бўлиш эди. Унда исёнкор, қасоскор руҳ ҳоким эди. Бу совет армиясига чақирилиб, урушга юборилганда яна ҳам ошкор бўлди. Армиядан қайтиб келган кунларининг бирида учрашганимда, икки қўлида, икки кружкада пиво олиб келиб қўйдида, мени кучоқлаб:

— Армиядан қандай дарров келиб қолганимни айттайми? Гапларимга ҳайрон бўлма, пивони ич! Ҳа деявер. Сен ўзингни ҳам ростини айтсам, ҳозир, ўлдирсам, ҳеч ким мени жавобгар қилолмайди. Нега? Чунки, мен жинниман!..

— Нима! — Бу гапни эшитдим, ҳазилга йўйиб қотиб-қотиб кулдим. Чунки бу мен учун кутилмаган, ҳайратланарли, ғайритабиий гап эди.

— Кулма, ишонмайсанми? — Ёнидан қоғоз олиб менга узатди. Қўлидан қоғозни олиб кўз югуртириб, — ия, яна мени ўлдириб қўйма, — деб кулдим, у руҳий касаллик ҳақидаги гувоҳнома эди.

— Ўқидингни? Эй дўстим, кулма! Биласанми, нега жинниман? Пивони ич! Армияда қасамёд қилдириб, мени урушга юборишадиган бўлишди, мен бормайман, — дедим. Урушга борсам ўламанми, қоламанми, Худо билади. Борди-ю ўқ тегиб ўлсам, шуни ўйладимда, қасам ҳам ичмайман, урушга ҳам бормайман, — дедим. Комилнинг бу гапини эшитиб беихтиёр йўғ-эй, деб кулиб юбордим. У эса гапимни эшитиши билан:

— Ҳозир сенга айтдим-ку, ишонмайсанлар, кўрқоқсанлар, деб! Нимага ҳайрон бўласан? Олдинига командирим ҳам сенга ўхшаб гапимга тушунмагандек, хангу манг бўлиб, — нима деяпсан? — деди.

— Мен немисни танимасам, немис мени танимаса, бировнинг боласини нега отаман, дедим. Гапимни ҳазил эмаслигини билиб қолгандан кейин, отиб ташлайдигандек ғазаб билан: — «Аблаҳ! Хоин! Ўйлаб гапиряпсанми!» Қўлларини мушт қилиб:

— «Социалистик ватанимиз, доҳийимиз Сталин учун жонингни қурбон қилмайсанми?» — девди, биласанми, мен нима дедим: — «Отам халқ душмани бўлиб отилиб кетган. Етим қолган олтита-еттита ўғил-қиз ука-

ларим бор! Уларни қаёқда эканини Сталин билмаса, танимаса, ким боқади». — Бу гапимдан командирнинг ўзи ҳам гангиб қолди.

— Бу гапигдан Комил, битта командирмас, ҳамма эшитганлар ҳам ёқасини ушлайди. У кулиб:

— Энди бу ёғини эшит! Биласанми, кейин нима бўлди? Ундан кейин, менинг тўғри гапимни жиннига чиқариб сени уйинга юборамиз, деб алдаб, уйимга эмас, текширишга шаҳардаги жиннихонага юборди. Тўғри гап тукқанингга ёқмайди, дегани шу!

Комил яна нимадир, демоқчи эди, мен кулгидан ўзимни тўхтатолмадим. Бу гапларни эшитиб кулмай бўладими!

— Жиннихонага? — дедимми.

— Ҳа, жиннихонага. Жиннихонадагилар чиндан ҳам мени жинни деб ўйлаб, синамоқчи бўлиб, ҳар хил саволлар бериб кўришди. Саволларга тўғри жавоб қайтардим, гапларимни эшитиб, жинни эмаслигимга ишонишгандай, жиннилар орасигамас, руҳий касаллар орасига киритиб қўйишди. Тез орада уйингизга юборамиз, дейишди.

Беш-олти кун кутдим, ўзинг ўйлаб кўр, соғ одамга руҳий касаллар ёки жиннилар ичида яшаш азобмасми? Олдинига хафа ҳам бўлдим. Аммо кейин улар билан гаплашиб, қойил ҳам қолдим. Улардан бемаъни гап эшитмайсан. Ҳамма ҳақиқат ўша ерда, руҳий касаллар орасида. Биласанми, одам бекордан бекорга руҳий касалликка учрамайди. Ўзининг ичида дарди бўлади...

Уларнинг орасида шундай ақллилари бор эдики... Ёқангни ушлайсан. Нима сабабдан келиб қолганимни эшитганлардан бири, менга шундай маслаҳат бердики, сен билан менинг ухлаб тушимизга кирмайди.

Улардан бири менга: — «Сизнинг айтган гапларингизни эшитиб, яна ҳам уларда инсоф бор экан, «ва-тан хоини», деб турган жойингизда отиб ташламабди. Жиноятчи деб трибуналга бермай, руҳий касалга чиқарибди. Бунга шукр қилинг! Ношукрлик қилиб тўпалон қилманг», деб маслаҳат берди.

— Эй, Комилхўжа дўстим, ҳақиқатан ҳам у ҳақиқий олим экан. Худди мен айтмоқчи бўлган гапни айтибди. Бу гапимни эшитиб Комил туюқиб:

— Ҳали сен ҳам...

— Йўқ, йўқ! — деб босмоқчи бўлдим. Лекин гапим унга қаттиқ ботиб, бир кружка пивони дам олмасдан ичиб, сал ҳовиридан тушиб:

— Маслаҳати тўғри, аммо, ўзинг ўйлаб кўр, мен руҳий касал ҳам, жинни ҳам бўлмасам, нега ётаберишим керак! Нега отиб ташлаши керак?

Яхши гапириб илтимос қилсам, жиннихона бошлиқларидан натижа чиқмаса... Уларга одам қадри уч пул. Нима қилиш керак! Ахир, жиннихона бошлиқларининг ўзлари ҳам соғ эмас. Жинни билан соғни фарқ қилмайди. Шундай бўлгандан кейин нима дейсан! Ғазаб билан эшигини тепганимдан кейин, о, буники энди кўзиди, деб, руҳий касаллар ичига кўшиб кўйгани ҳам ҳолва экан, ашаддий жинниларнинг ичига кўшиб кўйди, лаънатилар.

Жинниларнинг ичида соғ одам қанақа қилиб чидаб туради. Бир-икки кун сабр қилдим. Бўлмади, бақириб, эшигини тақиллатдим: «Ҳой, мен жиннимасман, нега мени жинниларга кўшдинг! Айбим тўғри гапни, ҳақиқатни айтганимми? Мени олиб чиқиб яна саволга тутиб кўрди.

— Марҳамат, қани қандай ҳақиқатларни айтгансиз?

— Мен Ўзбекистонданман. Менинг ватаним — Ўзбекистон, юборсанглар бўлди, — дедим. Оқ ҳалат кийганлардан яна бири:

— Ўзбекистонга Сизни юборамиз, аммо фашистлар Ўзбекистонни ҳам босиб олса-чи?!

— Мен Гитлернинг ичига кириб чиққаним йўқ. Агар Гитлер ҳам Сталинга ўхшаб, халқни қамаб, бизлардек етим қиладиган бўлса, унга қарши курашаман, — дедим, улар бир-бирларига ҳайрон бўлиб қарашиб, жиннилигимни ҳам, соғлигимни ҳам билмай қолди. Эй оғайни, тўғрисини гапириб нималарни кўрмадим. Ана шунақа гаплар. Бу гапларни кўй! Мен «жинни»нинг соғлиғига қани, ич!

— Ҳали, бойиб келдим, дединг, жинниларга пул берарканми?

— Эй сўрама, дўстим! Обрўйим баланд бўлган. Мени жиннига чиқаришиб, дайдиб кетмасин, деб одам кўшиб уйга жўнатишди. Поездда, Тошкентга кела-келгунимча, арзон жойдан туз олиб, йўл-йўлакай қимматга со-

тиб, уйга бойиб келдим, дўстим! Ич! Бу ҳукумат жинни билан соғнинг фарқига етмайди.

Мана, ўзинг ўйла, жинни одамнинг бой бўлишига, бирни икки қилишга ақли етадими? Ким жинни, ким соғ, хулосани ўзинг чиқаравер. Мени эмас, ўша врачлар, офицерларнинг устидан кулсанг бу тўғри бўлади.

У гапирган сари мен атрофимдагиларга қараб-қараб қўярдим. Бундай гапларни айтиш эмас, эшитишнинг ўзи хатарли эди. У гапирарди-ю мен бу гаплар унинг юрагидан айтилганини, айтганим билан фикридан қайтадиган эмаслигини билардим. Унинг гаплари жинни эмас, ҳақгўй, виждонли одамнинг гаплари эди.

Баъзан унинг ҳукумат сиёсатига зид гапларини эшитганинга, юрагинг орқага тортиб кетарди.

Илон чаққан арқондан кўрқади, деганларидек айниқса қамалиб чиққач мен:

— Ҳой, Комил, бунақа гапларни кўйсанг-чи, бу ҳукумат билан ўйнашиб бўладими! Нима фойдаси бор, — дегудек бўлсам, у ўз одати бўйича бошини тебратиб, кулиб:

— Фойдаси борми, дейсанлар-у, зиёни борлигини ўйламайсанлар!

Инсон дунёга бир марта келади. Кўрқоқ ҳам ўлади, ботир ҳам ўлади. Кўрқоқ лаънатланади, ботир раҳмат... Пулинг бўлса-ю, уни ишлатмасанг, пул нега керак! Тилинг бўлса-ю тилинг гапга келмаса, тилни нимага берган, азиз дўстим? — деб кулади. — Сенлар кўрқоқсанлар.

Мен детдомда ўсганман, бизларга тарбиячилармиз сизлар ленинчи болаларсизлар, Ленин ҳар доим ҳақиқатни гапиринглар, деб таълим берган. Биз шундай кўрқмай, тўғрисини айта оладиган ленинчилармиз, дўстим, — деб ҳазиллашарди.

Мен:

— Ленинчилармиз, дейсан-у гапларинг Ленин ғоясига қарши-ку, — десам, у бунга ҳам жавоб топиб:

— Домланинг қилганинимас, айтганини қиладиган ленинчиларимиз, дерди, — куларди.

Бу феъли ўла-ўлгунча қолмади. Шу «ленинчилик» феълени умрининг охирида муҳаррир бўлиб ишлаган «Билим жамияти»да бош муҳаррирлигида ҳам қилиб қамалишига сал қолди.

Унинг гаплари адолат нуқтаи назаридан қарасанг, тўғри дейсан. Аммо замон сиёсати кўзи билан қараган баъзи одамларга ғайритабиий кўриниб, балоларга қолиб, кулги ҳам бўларди. Лекин унинг гапларини эшитишга қизиқувчилар ҳам кўп бўларди. У тўғри гапни, одамларнинг кўнглидаги гапларни топиб айтарди. Шунинг учун эшитишга ҳумордан чиқиб эшитишарди-ю аммо, балога қолмайлик, деб бирор нарсани баҳона қилиб секин ўрнидан туриб кетганлар ҳам бўларди.

Шундай вақтда мен унга:

— Комил, атрофингдагиларга ҳам бир оз қараб кўймайсамми десам.

— Нега атрофдагилар менга эмас, мен атрофдагиларнинг қош-қовоқларига қарайберишим керак, деб бунга ҳам жавоб топарди. Гапида жон бор эди.

Кўнгилга келган гапни айтиш унга одат эди. Бемаъни валдирамасди. Гапни кимларга ёқиб, кимларга маъқул бўлмаслигини ҳам биларди, қўрқмасди. Амалига ҳам қарамасдан кўнглига ёқмаса очиқ айтаберди.

Хрушчёв чорвачиликни ривожлантираман деб узумзорлар ўрнига жўхори эктирган эди. У жўхорига «дала маликаси» деб ном беради. Ўша вақтларда Комил республика билим жамиятида бош муҳаррир бўлиб ишларди. Жўхорига Хрушчёвнинг «дала маликаси» деб берган ном бериши унинг ғашига тегиб кўпчилик олдида:

— Жўхорининг нимаси малика! Маликани ҳам Хрушчёв хор қилибди. Маликанинг гўзаллиги қаёқда-ю, эчкининг соқолидек сўтаси бор жўхори қаёқда! Раҳбар одамда дид-фаросат ҳам бўлиши керак-да, — деган гапни айтади, эшитганлар маза қилиб, тўғри деб куладилар, ҳақиқат кулги бўлган замон эди, у замонлар! Хей, у замонлар!.. У ўзини охир балога кўйди.

Унинг Хрушчёв ҳақидаги бу гапини эшитган партком секретари Семен Израиловичнинг ранги оқаради-ю, индамай чиқиб кетиб КГБга етказди. Қамалиши ҳеч гап эмас эди, муҳокама қилинади.

Ишдан бўшатиш лозим эди-ю, бироқ бунинг иложи бўлмайди. Чунки турли соҳалар — қишлоқ хўжалигими, сиёсатми, маърифатми, ҳамма лекторларнинг республика бўйлаб ўқиладиган лекцияларининг матни Комилхўжанинг таҳриридан ўтарди. У кенг билимли,

пишиқ таҳрир кучига эга бош муҳаррир бўлгани учун раҳбар ҳам унинг билимига суянаб қолган эди. Раҳбар уни ўз хонасига чақириб холи гаплашади:

— Комил ака, худо хайрингизни берсин, жим юрол-майсизми! Сизни биламан, тўғри одамсиз, гап шу ерда қолсин-у, мендан хато ўтди, деб қўя қолинг, деб илтимос қилади. Аммо бу гаплар унинг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетади. Комил ичида: сенларга тушинтиришнинг фойдаси йўқ. Сендақалар амалинга зиён етадиган бўлса, қўшнисининг уйига ўт кетганда, бир челак сув сепмайдиган одам санлар, сенларга гап хайф. Эсиз-эсиз гап! — дегандек, жим ўтириб, «ҳаям», «йўғам» демай чиқиб кетади.

Ишга бормай қўйди. Ўша кунлари у билан кўришиб, адолатсизликдан жиғибийрон бўлиб қилган ҳасратини эшитиб:

— Ҳой, Комил, дўстим, сен ўзинг ҳам азобни текинга сотиб оладиган одамсан. Баъзан тилинга эрк бериб юборасан. Эшитишимча, Хрушчевни «диди паст, кал» дебсан. Нима кераги бор шунақа гапларни? — Гапимни эшитиб хафа бўлар, десам, хафа бўлиш қаёқда, худди хушхабар эшитгандек:

— Сен ҳам эшитдингми, — деб кулди. — У қилган ишига пушаймон еб, сўзидан қайтадиган одамлардан эмас эди. У айтган сўзига, ҳар бир қилган ишига одамлар қандай қараркин, деб гумонсираб эмас, шундай қилиш лозим деб қарарди. Шунинг учун менинг гапимга ҳам ҳеч нарса бўлмагандай:

— Ҳар бир нарсани ўз номи билан оқни оқ, қорани қора, деб аташга ўрганайлик, дўстим! — У ҳамиша қувноқ эди, ҳазилван эди. Ўзинг Хрушчёвнинг бошига қарамаганмисан? Сочи борми? Сочи йўқ! Сочи йўқ, бошида биттаям туки йўқ одамни, ахир, нима дейди? Кал дейдими, жингалак соч дейдими!

Бунга нима деб жавоб қиласан? Кулмай иложинг қолмайди.

Кулдим.

— Кулма, қўрқоқсан! Адолатсизликни ёмон кўрган одам, адолатпарвар, жабр кўрган одам, жабрдийда бўлиши керак, дўстим!.. Юр, шахмат ташлаймиз. — Яна ўзиникини маъқул кўрди.

Менинг кўнглимга шахмат сигмасди. Уни қамаб қўйишмасмикан деган ташвишда эдим.



Орадан кўп ўтмади. Комил ҳақ бўлиб чиқади. КГБга хабар берган Семен Израилович, Комилнинг хонасига кириб келади:

— Комил, Комил, ты, пророк! Хрущёв ишдан олинди, — деган хабарни етказади. Олдинига буни игво деб тушуниб индамайди. Аммо Хрущёвнинг расмини девордан олиб йиртгандан кейин сўзига ишонади. Ўша воқеадан кейин учрашиб қолганимизда куйиб-ёниб:

— Биласанми, дўстим, бизларнинг нуқсонларимиз нимада? Ким бугун раҳбарликка кўтарилса, ҳаммадан ўшани доно, нуқсони йўқ деб қараб, аммо ишдан олиндим, бўлди ўша ондан уни ёмонлашга, аҳмоққа чиқаришга одатланиб қолганмиз. Ўз вақтида донони доно, аҳмоқни аҳмоқ деёлмаймиз. Дардимизни ичимизга солиб юра берамиз. Лекин ҳамма шунақа эмас.

Мана ўзинг айт, сенинг ақлинг меникидан камми? Оқ, қорани ажратишга менчалик фаҳминг етмайдими? Ер тагида илон қимирлаганини биласан, дўстим! Лекин феълимиз бошқа! Хрущёв ҳақидаги гапларимни эшитганингда ўзинг ҳам қўшилдинг, хато демаядинг! Тўғри гапим учун мени қамашларига ҳам сал қолган эди. Қамашлари ҳам мумкин эди. Борди-ю қамашганда Хрущёв ишдан олинмагунча мени қамоқдан чиқаришмасди. Балки қамоқда ўлиб кетармидим! Эй, оғайни!..

Комил бу гапларни худди димланиб ётган тўғоннинг оғзи варанглаб очилиб, ундан шарқираб сув отилгандек, кўнглидаги йиғилиб қолган дардларини айтиб олди: — Худо деганимиз Сталин нима бўлди! Фикр учун жазолаш — зулм! Бу масалада Хрущёвга қойил қоламан. Зўр бўлган, кал!

Хрущёв ҳақида ҳозир айтган гапи кечаги кундагисига бутунлай тесқари эканини эшитиб:

— Ўзингни тайининг қолмабди-ку! Кеча Хрущёвни нималар дегаядинг? Бугун унга қойил қолиб ўтирибсан!

— Ҳой, оғайни, — русчалаб-всеотрицающий, яъни бутунлай инкор этувчи — нигилист бўлмаслик керак. Бизнинг сиёсатнинг нуқсони шундаки, бир нарсани яхши дедикми, бўлди, шунга яхши деб ёпишиб оламиз. Илоҳийлаштирамиз. Кўриниб турган нуқсонини ҳам айтмаймиз. — Менга қараб ўйланиб: — Ўзинг яхши бир тўртлик ёзгансан, мен ёд биламан:

*Фаришта дер баъзилар ўзин,  
Иқрор қилмас айбин ҳеч қачон.  
Нуқсоним йўқ, дейишининг ўзи  
Инсон учун энг катта нуқсон.*

Хафа бўлмагину, асарингда ёзганингда сен ўзинг ҳам доим амал қилмайсан, ҳақиқатни айтишга қўрқасан.

Хрушчёв ишдан кетди, деб дарҳол уни ёмонлашга ўтмай, Сталин сиёсатини фош қилишга, журъат этиб, сенга ўхшаган ноҳақ қамалганларни озод қилганини унутмаслик керак. — Тўғри, жўхорига нисбатан хато қилган бўлса ҳам, сочи бўлмаса ҳам лекин зўр ишлар қилган, — деб яна ўзи қилган ишларидан ўзи кулиб қўйди.

Ажойиб, билимдон, ҳамма гапга жавоб топишга қодир одам эди. У фақат нашриётларда ишлаган жуда талабчан, билимли таҳрир кучига эга муҳарриргина эмас, неча-неча бадий асарлар — катта романларни маҳорат билан таржима қилган адабий тил усталаридан бири, ажойиб тарихчи, дунёдан бохабар файласуф эканлиги, бу шунчаки мақтов эмас, унинг икки ўғил фарзандларининг:

— Ота, Сиз, подшоларни, айрим раҳбарларни, ҳатто Хрушчёвни ҳам камчиликларидан норози бўлиб танқид қиласиз. Борди-ю дадажон, Сиз ўзингиз подшо бўлиб қолсангиз, қандай подшо бўлардингиз, — деб берган саволларига жавоб тариқасида ёзиб қолдирган «Агар мен подшо бўлсам...» рисоласида унинг кимлиги, мен айтганимдан ҳам мукамалроқ ўз аксини топган эди.

«Агар мен подшо бўлсам...» рисоласида Хорун ар-Рашиддан то рус подшоси Иван Грознийгача, Иван Грознийдан Ленингача, ундан кейинги ўнлаб раҳбар, подшо, ҳокимларнинг ҳаёти, адолат, адолатсизликларини таҳлил қилиб, китобининг охирида ўғилларига «Агарда мен подшо бўлсам...» мана бундай бўлардим, деб бир неча бобдан иборат ўзининг режаларини айтди.

Комилда дабдабали илмий даража ҳам, унвон ҳам йўқ эди. Оддий, ҳамма билан шахмат ўйнаб, ҳама қатори ишга келиб кетадиган Комил Пўлатов эди.

Унинг билимдонлигига қойил қолган танишларидан бири ҳазиллашиб:

— Шунча билиминг, шунча хизматларинг бор. Тилингни тийиб юрсанг, ҳамма олган мукофотни сен ҳам олардинг, деса:

— Сув ҳам оқиб турмаса қўлмакка айланиб сасийди. Ер ҳаракатдан тўхтаса, ҳаёт тугайди, оғайни! Тилим тийилиб, айланиб турмаса соқов бўлиб қолишдан кўрқаман.

Бунга нима деб жавоб қайтарасан!

У ҳамиша қувноқ ва ўз қилган ишидан мамнун юрарди. У қилган иши, айтган гапининг ҳам хато тўғрилигининг қайғусини қилмасди. Унинг баъзи хатти-ҳаракатлари, эркин ва адолат учун интилишлари Дон Китотни менга эслатарди.

Унинг ўз назарияси бор эди.

У мажлисларда, айниқса, юбилей кечаларида, ҳаммага маълум, палон йилда туғилган, яна мунча яшасин, ана ундай мукофот олган каби ортиқча, бири-бирига ўхшаш расмий гапларни ижирганиб эшитарди. Ҳозир айтилган гапни такрорлашдан уялмайди, булар деб гаши келарди. Ахир, бу гапларни бошқалар айтмаса ҳам, юбилярнинг ўзи биледи-ку! — дерди-да, ўрнидан туриб чиқиб кетарди. Агарда ўзига гап берилса. Янги гап айтмаса гапирмасди. Бир дўстимизнинг юбилейида у айтган гапни эсласам ҳали-ҳали куламан.

Ҳеч маҳалда ичкиликка сув қўшиб сотувчи буфетчини ҳалол, одамларга меҳрибон, яхши фазилатли киши деб бўладими? Аммо, Комил-чи, эшитувчиларни шунга мантиқан ишонтира оларди.

Ўзи билан бирга ўқиган ҳозир, пивахонада ишлайдиган Темур деган ўртоғимиз эллик ёшга тўлган куни ҳовлисида ошна-оғайни, қариндош-уруғларига зиёфат берди. Табрикловчиларнинг бир хилдаги гапларини эшитиб, энсаси қотиб ўтирган Комил табриклаш навбати ўзига келганда, у дўсти Темур ҳақида ҳамманинг хаёлига келмаган, кутилмаган гап айтдики, эшитганларнинг кулгидан ичаги узилди. Кечани хурсандчиликка айлантириб юборди. Чунки унинг гапи ғайритабиий эди:

— Дўстимиз Темур, ҳамманглар биласизлар, Чорсудаги ошхонада буфетчи бўлиб ишлайди. Лекин мен кўп буфетчиларни, савдо ходимларини кўрганман-у, аммо,

савдо ходимлари орасида Темурдек ҳалол, инсонпарвар, одамга меҳрибонини кўрмаганман, — деб гап бошлади. Буфетчининг инсонпарварлиги нима экан, деб ҳамма диққат билан кутди.

Унинг инсофлиги шундаки, бирор марта ҳам унинг буфети олдида маст бўлиб, йиқилиб қолган ёки гандираклаб чиққан одамни кўрмаганман. У одамларга шундай меҳрибонки, одамлар маст бўлиб кўчаларда йиқилиб, пулларини олдириб, хотинлари олдида балога қолиб, уйда жанжал бўлмасин, деб раҳми келиб мажбур бўлгандан, ҳа, мажбур бўлганидан, савоб юзасидан баъзан озгинагина маст бўлмайдиган қилиб сув қўшиб беради. Одамларнинг шарманда бўлмасликларини ўйлайди Темур дўстим!

Бундай хулоса чиқаришни кутмаганлар беихтиёр чапак чалиб, қотиб-қотиб кулишади. (Чунки бу ғайритабий эди)

— Мен, дўстим Темурдек топгани ҳам ҳалол, инсонпарвар, меҳрибон савдо ходимларининг соғлиғига қадаҳ кўтаришларингни сўрайман... — деб ҳаммани ичагини узганини эсласам, ҳали-ҳали куламан.

Ўша куни мен Комилга:

— Хўжам, бу нима қилганинг, қош кўяман деб, кўз чиқардинг-ку, кўпчиликни ичида шарманда қилдинг-ку, Темур дўстимизни!... — десам.

— Сен, қизиқ гапни гапирасан-а! Темурни ўзи хафа бўлгани йўқ-ку! Қайтанга хурсанд бўлиб ўзи ҳам ҳаммага кўшилишиб кулишди-ку! Чунки мен ҳамма биладиган, Темурнинг ўзига ҳам сув қўшишини, сув қўшмаган тақдирда ҳам жуда бўлмаса, юз граммдан, ўн грамм уриб қолишини одамлар, ўзи мен айтмасам, билмайди, дейсанми? Мен тўғри гапни кулги бўлсин деб бошқачароқ қилиб айтдим холос. Ҳеч ким хафа бўлгани йўқ. Тўғри бўлгани учун ҳамма хурсанд бўлиб кулди.

Унинг гаплари ҳақ эди. Нега одамлар кулди? Нимаси кулгили эди?

Бу гапни кулгига сабаб бўлгани шунда эдики, эшитганлар шундай хулоса чиқаришини кутмаган эди. Комил айтгандек, одамларнинг ҳақидан уриб қолиш, ёки ароққа сув қўшиб бериш одамларга меҳрибонликдан, ачинишдан бўлишини эшитганлар хаёлга ҳам келтиришмаган эдилар.

Дўстим комил, ўзига хос одам эди яқинда касал эканини эшитиб жуда ачиндим.

Шундай қувноқ, шундай доно дўстимни оғир бетоб бўлиб қолгани, айниқса кўргани борганимда кўзига ёш олиб бағрига босиб қучоқлаб Шайх Саъдийнинг:

*Қачон охирга отам умри етди,  
Насиҳат сўзин менга айта кетди:  
У дамки, бошимда отам бор эди,  
Бошим узра тожим, жиғам бор эди.  
Юзимга бирор пашша қўнса агар,  
Нечалар паришон бўлур эрдилар.  
Гар энди асир этса душман мени  
Мадад қилгани менда бир дўст қани?*

Шеърини бир афсус билан ўқиб:

— Кексалиқда на ота, на она қолар экан. Сирдош дўстинг борлигидан... — Менга бир дам тикилиб, сўнг кўзларини юмди-да, бош тебратиб, — Улуғроқ қувонч борми, деб мени яна қучоқлади.

— Саъдийнинг бу шеъри, нега бугун хаёлимга келди, биласанми? Бугун тушимда кўпдан кўрмаганим отам кўринди. Хурсанд бўлдим. Ахир отамни шўро ҳукумати отиб юборганида, мен ёш бола эдим. Отамни эллик йилдан бери кўрмаган эдим. Тўйиб-тўйиб қучоқлашдик. У менга:

— Тур, ўғлим, мен, сени олиб кетгани келдим. Китоб ёзибсан, деб эшитдим. Ҳақиқатни ёзибсан. Боғларимиз ёдингда борми? — дермиш отам.

Отам ниҳоятда ёшариб, нуроний бўлиб кетганмиш. Юр, сени боғимиздан ҳам гўзал, ундан ҳам сермева боққа олиб бораман. Сен, у ерда ғам-қайғуни билмайсан. У ерда фақат ҳақиқат айтилади. Биласанми, ўғлим, у боғнинг номини? У боғнинг номини «Ҳақиқат боғи» деб қўйганман.

Мен бундай қувончни умримда билмаган эдим. Қувонганимдан отамни қучоқладим. Отамни кўрганимдан қувониб уйғондим. Тушим экан. Қани, шоирсан таъбирини айт-чи? — деганда, нечундир кўнглим бир оз ғаш тортган бўлса ҳам, «уруш чиқарадиган ростдан мурасага келтирадиган ёлғон яхши» деганидек яхшиликка йўйиб: — Тушингни таъбири шуки, бу сени тўйга айтиб келишим. Келаси хафта, худо хоҳласа со-

гайиб маслаҳат ошига бирга бўласан, деб ният қилдим. Мана буни қарангки, яхши ният ёрти мол дейилганидек ниятим амалга ошиб туппа-туззик бўлиб Комил дўстим маслаҳат оши кунни эшикдан кириб келиб бир айвон хотинларнинг кулгилари устидан чиқди.

Келганидан хурсанд бўлиб эркак меҳмонларга гилос тагида ясатилган дастурхонга бошладим.

— Темур дўстимиз ҳақидаги гапларингни ҳозиргина эслашган эдик, ҳизирни йўқласак бўларкан мана ўзинг келдинг... соғ бўлиб кетибсан... хурсандман! Гапимни эшитиб ўзи ҳам кулди-да — бир дам хаёлга толиб:

— Эй, дўстим, кулгига не етсин!.. Лекин кулги бўлишдан асрасин! Бир шоир:

*Ўйин-кулги бўлсин, ғамдан асрасин,  
Қувончдан бенасиб этмасин асло!  
Маломат тошини ҳеч ким отмасин.  
Кулги бўлишликдан асрасин Худо!*

— деган экан, эй, дўстим, қадрдоним!.. Нимадандир афсус чиққандек бошини тебратиб:

— Одам нега яшайди! Хурсандчилик, кулгига не етсин. Лекин Темур ҳақидаги гапларимга кулганларнинг биронтаси, буни нимага айтганимни ўйлаганмикин! Кулги, кулги билан, аммо одамларни алдаш гуноҳ эканини улар хаёлига келтирганмикан! Куламиз, хурсанд бўлиб чапак чаламиз, нега эканини фикр қилмаймиз, дўстим. Хурсанд бўлиб кулиш бошқа, кулги бўлиб қолиш бошқа! Хўш, бу гапларни қўй, қўша қарисин деб олайлик! Набирангни бахти учун ол! Бахтли бўлсин! Тўйинг қачон? Жавоб бергунимча бўлмай кимдир кўча эшикдан чақириб қолди. Ёлғиз ўйга толган Комил мийиғида ўзича кулиб: — Бу бошланиши... эй, одамлар, охирини ўйлайлик. Охири бохайр бўлсин! Маслаҳат оши бир! Тўй олиш икки! Зағс уч! Ундан кейин тўй, балли ўзбегим!

## И б о б

### МАСЛАХАТ ОШИ

*Ёришиб ёққан қордан қўрқ,  
Кулиб боққан ёрдан қўрқ*

Яқин орада тўй бўлишидан хабар топган қариндош-уруғлар, таниш-билишлар одат бўйича тўй эгасини муборакбод этгани келади. Баъзилар олдиндан тўёналарини бериб кетади.

Ўзбекларнинг тўйи, қўни-қўшни, маҳалласиз ўтмайди. Булар хоҳ эркак, хоҳ аёл, тўй дарагини эшитгач, бирров бўлса ҳам хизмат борми, деб кириб чиқади. Баъзан суҳбат жуда қизиқ турганини устига кириб қолганлар, «бирровга кирдим», «борадиган жойим бор» деганини унутиб гапга аралашиб ўтириб қолади. Айниқса, тўй олдидан хамир учидан патир, деб оз-моз оғзига теккан эркаклар «ха-ҳа» кулгини, баҳсни ҳам авжга чиқарардилар.

Тўй бўлган уйда нима гаплар бўлмайди дейсиз. Яхши ниятлар билдириш билан бирга, бу дунёнинг ташвишлари албатта, тўйлар ҳақида гап айланиши, ҳар ким ўз орзу-ҳавасини, тўйини қандай ўтказганини гапириши ҳам табиий.

Бугун бизникида йиғилганлар ҳаммаси бир-бирига сирдош, бирга ўсган, ҳаммасининг ҳол-аҳволи, феъли-атвори бир-бирига маълум одамлар. Лекин беш қўл баробар эмас, дегандек, бугунги ўтирган қариндош-уруғ, таниш-билишлар орасида бойи ҳам, камбағали ҳам, ҳали ҳам ота-бобосидан қолган эски ҳовлида яшаб, моянага қараб муаллимлик қилаётганлари, оддий шифокор бўлиб ишлаётганлар қаторида тижорат билан шуғулланиб, (яширадиган, айб қиладиган замон эмас) долларга сотиб олган тўртта-бешта уй-жойни ижарага қўйиб, ўзи икки қаватли данғиллама иморат қуриб яшаётганлари ҳам бор эди. Шулардан бири гап айланиб тўйни қандай ўтказиш орзу-ҳавасига тақалганда,

ўтирганлар ичида бадавлатроқ бўлиб қолгани учунми, ўзини ақли санаб:

— Тўй деган нарса, киши умрида бир марта бўлади. Яхшилаб ўтказиш керак!.. Бу гаплар Башар бойвачча деб ном олган қариндошимизнинг оғзининг бир чек-касидан чиқиб кетарди.

Ўз оғзига кучи етмаган, бошқаларни ҳолига қарамасдан, тўй қилувчининг кўнглига келар-у демасдан, Башарга ўхшаганларнинг гапиришидан гаши келган беш ўглининг учтасини ҳали ҳам ўйлантирмаган, хотини муаллим, ўзи пенсионер Жўраҳон:

— Ким яхшилаб ўтказишни билмайди, дейсиз. Ҳамма ҳам билади! Ҳамма ҳам яхшилаб тўй қилсам дейди. Лекин яхшилаб тўй қилишнинг ўзи бўладими? — Башарвой!

Бир марта эмас, икки марта, уч марта қиладиганлар, ўн марта уйланадиганлар ҳам бўлади...

Гарчанд бу гал Башархўжага теккизиб айтилган бўлса ҳам Башархўжа унинг гапини охиригача эшитмаёқ:

— Худо ҳаммасига ўзи етказди. Қарз узилиб, хотин ёнга қолади!

Башар бойвачча қойил қилдим, дегандек одати бўйича ўзича кулиб ҳам қўйди. Унинг катта оғзилигидан жаҳли чиққан Жўраҳон, очигини айтиб «ҳаммаёқни бузаётган, сендақалар» дегиси келди-ю, тўйчиликни ўйлаб:

— Тўғри хотин, ёнга қолади. Лекин Башархўжа, ҳозирги замонда пул топиш, қарз узишнинг ўзи бўладими! — Ишласин!.. Ишласа топади!.. Ишлаб топганлар қандини уриб маишат ҳам, катта тўй ҳам қиляпти, — деди паст келмасдан Башар бойваччада. Бу Жўраҳонни газабини баттар оширди!

— Ишласинмиш-а! — деди-ю бунга гап тушунтириш бефойда эканини билиб энсаси қотиб гапирмай кўя қолди.

Сиртдан қараганда Жўраҳоннинг гапи ҳозирги ҳаётдан норозиликдек туюлсада, аммо, аслида-чи, оталари совет даврида отилиб кетиб, истиқлолни худодан тилаб олган, унга юракдан содиқ кишилар Жўраҳонлар эди. Башар бойваччада бу ҳис йўқ эди. Улар, чўнтагига пул тушса бўлди, бойиганларидан мамнун кишилар эди. Истиқлол нима, қувончини юракдан ҳис қилолмас ҳам эдилар.



«Маслаҳатли тўй гарқамас» деганларидек, талашув-тортишувсиз, ҳазил-ҳузулсиз тўй ўтмайди. Ўртада гаплар жиддийлашиб кетганини кўрган, одатича ҳамма-нинг кўнглига қараб гап топадиган, асли таги кўқонлик, ҳазил-ҳузулни яхши кўрадиган божам Муҳиддинхон гапни бошқа ёққа, ҳазилга буриб юборди:

— Меҳнат қилиш керак, деганингиз тўғри. Одамнинг маймундан фарқи шунда. Лекин меҳнатда ҳам меҳнат бор-да! Одамда ҳам одам бор: «Исматра какой одам».

— Тошкентда ҳаммага машҳур Ориф ўрис деган одам бўларди, ўзи босмачиларга қарши курашда бўлганми, бўлмаганми, худо билади. Аммо, одамлар орасида гоҳо мақтаниб, шоирлардан биттасини, у менинг жияним бўлади, жуда зўр, деб мақтаниб юради. 1937 йилларда денг, ўша шоир миллатчиликда айланиб қолади. Ориф ўриснинг жияним бўларди, деб мақтаниб юрганидан хабардор, чойхонада ўтирганлардан бири ҳазиллашиб:

— Жиянингиз зўр шоирни кўриб турибсизми, Ориф ота!

— Ҳа, ҳа, у зўр, катта шоир!

— Ориф ака, жиянингизни миллатчи деб газетада уриб чиқибдилар-ку!

— Нима? Уриб чиқибди? Қайси жиянимни айтяпсан?

— Қайси бўларди, кеча мақтаб юрганингиз шоирни-да! — Ориф ўрис:

— Исматра, какой жиян! — Жиянда ҳам жиян бор, деган экан.

— Шунга ўхшаш жиянда ҳам жиян бор деганидек, меҳнатда ҳам меҳнат бор! Ҳамма меҳнат қилган бой бўладиган бўлса... Қани, дастурхонга қаранглар, гапни чалғитди Муҳиддинхон!

— Тўғри, тўғри! Ориф ўрис «исматра какой жиян» деганидек, албатта, меҳнат қилишда ҳам меҳнат бор. Лекин меҳнат қилган билан ҳамма меҳнат қилганлар бойиб кетабермайди!.. деган эди ўтирганлардан бири.

Буларнинг баҳсига аралашмай, ичидан ўзича нима-нидир ўйлаб ўтирган дўстим Комилхўжа:

— Агар одам фақат меҳнат билан бой бўладиган бўлса эди, ҳаммадан кўра меҳнатдан қочмайдиган мар-

дикор бой бўларди! Тўғрими! Дунёда камбағал қолмасди!

— Жуда тўғри! Бу гап ёқди шекилли кетаман деб шошиб турган жияним Ходихон гапга аралашди:

— Мен турадиган маҳалламда бир кўшним бор. Оилада ўн тўрт, ўн беш жон бўлса, олти ёшдан олтмиш ёшгача ҳаммаси меҳнат қилади. Олти ёшлиги, ўзидан каттароқ акаси қилиб берган ғалтак аравада, пешонасига битган бир сигир билан бир бузоққа қишин-ёзин, совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демай, маҳалла бўйлаб уйма-уй юриб пўчоқ йиғади. Қозонга ҳар куни гўшт тушмаса ҳам, бозордан сарёғ сотиб олмасалар ҳам болаларни оғзи шу сигирнинг сутидан оқариб турар эди. Нима бўлди-ю пўчоқларнинг ичидан ёмонроқ нарса чиқиб еб қўйдими, сигир жонивор ҳаром ўлиб қолди. Сўйишга ҳам улгуролмайдилар. Оилага кўшимча даромад келтириб турган шу сигир эди. Орадан кўп ўтмай, темир йўл вагон ремонт заводида дурадгор бўлиб ишлаб оилани тебратиб турган отаси Салимжон 50 ёшда, худо раҳмат қилсин, қанд касали билан у ҳам оламдан ўтди. Оилада саккиз бола етим бўлиб қолади. Тирикчилик, оилани тебратиш Салимжоннинг катта ўғли Ҳасанга қолади. У икки боласи билан хотинини боқадими, ёки кўзи ожиз она билан еттита етим укаларини боқадими қайси бирини боқсин!

Она билан хотин уйига яқин ердаги касалхонага фаррош бўлиб ишга киради. Болаларга уйда қарайдиган бўлмагани учун ярим кун она, ярим кун келин ишлайди. Оилада ақлини таниган ҳамма бекор ўтирмайди. Мактабдан келган ёш болалар пўчоқ йиғади, молга қарайди. Ана меҳнат қилиш! Меҳнат билан киши бойиса, шулар бой бўларди.

Шунча гапдан кейин ҳам Башарбойвачча бўш келмади.

— Касб танлашга ҳам ақл керак, — деди Башарбойвачча баланд келиб. Унинг гапида, бошқалар ҳам мендек ишлаб кўрсин-чи, ишни қойил қиладиган бизда, деган писанда бор эди.

Буни сезган, яқиндагина касалдан тузалиб келган дўстим Комилхўжанинг энсаси қотди-ю, аммо, баҳслар кўнгил қоладиган даражага бориб қолмаслиги учун Башарбойваччанинг гапига худди қўшилишгандек пичинг билан:

— Менинг маҳалламда ўғри болалар бўларди. Бири ўғриликка тушиб ҳеч нарса ололмаган экан, бошқаси унга «Ҳой, онангни, ақлингни ишлатмадингми?» — деб дўқ қилган эди. Ақлни, ҳарҳолда ўғриликдан кўра, тўғриликка ишлатгани оқибати ёмон бўлмайди, Башарвой! Ақлни қиморга, ўғриликка ишлатиб бойиگانлар ҳам йўқ эмас. Ҳалол меҳнат билан пул орттириб, ҳамма ҳам сиз айтгандек катта-катта тўй, қилиб иморат сололмайди.

Ўғрини ҳам аҳмоқ деб бўлмайди, ўғриликка тушишдан олдин қочадиган жойини ҳам ўйлайди. У ҳам меҳнат қилади, кечалари билан ухламайди. Аммо унинг аҳмоқлиги шундаки, оқибатни ўйламайди.

Комилхўжанинг тўғри гапи Башархўжага гўё уни ҳаром йўллар билан пул топишда айблаётгандек туюлди. Лекин у ҳам сир бой бермай, худди Комилхўжанинг гапига қўшилгандай.

— Бойлар бўлмаганда, қадимда солинган тарихий бинолар, обод шаҳарлар бўлмасди. Тўғрими, Комилхўжа! — усталик билан ўзини оқламоқчи бўлди. — Кўприкларни камбағаллар сололмасди.

Гапи тўғри эди. Лекин Комилни гап билан енгиб бўлармиди:

— Балли! Балли, — деди Комилхўжа. — Тўғри гап. Лекин, улар худо йўлига, савоб учун қилган. Ҳозирги бойлар учун кўприк, мадраса солишнинг зарурати йўқ. Ҳукумат ўзи қиляпти. Лекин бойлар ҳам қиламан деса, савоб ишлар етарли.

Мана еттита ўғилликнинг аҳволини эшитдик. Инсофли бойваччалар шулардан бирортасини ёнига олиб, кўчада дайдиб юрмасин, деб иш ўргатиб ўзига ўхшаган пул топадиган қилса, бунинг савобига не етсин эди! Ҳозирги бойларнинг ичида, муҳтож қўшнисининг болаларига дарслик, томига тўртта шифр олиб бермай, обрў топаман, деб фақат ўзининг маишатига исроф қилаётганлар ҳам йўқ эмас! Лаббай! Буни сизга теккизиб айтаётганим йўқ, дегандек, Башархўжага ўғрилиб кулиб қўйди. Лекин бу гаплар Башархўжага қаттиқ тегди. Кетмоқчи ҳам бўлди.

Тўй хурсандчилиги четда қолиб, ўзаро гап жиддийлашиб, сиёсатга айланишидан қўрқиб, халқ душмани деб мен билан бирга қамалиб суд қилинган, аммо

ҳамма қаторида, қўлида оқланган ҳужжат бўлса ҳам, шубҳа билан яшайдиган қариндошим Маҳмуд ака гапни ҳазилга буриб тўғри қилди. Чунки Шукруллонинг уйида шундай гаплар бўлди, дейилса, «ҳолвани ҳоким ер, калтакни етим ер» дегандек... ўзидан қўрқиб:

— Маҳалламизда Неъмат ўғри деган бўларди. Бир куни қарасам, бошига жуда қиммат турадиган янги сувсар телпак кийиб олибди. Уни кўрган маҳалладаги тенгдошлардан биронтаси моро бўлсин, демади. Чунки ўғирлаб олганини ҳамма биларди.

Бировни қандай бой бўлгани, қаердан олганини талашиб ўтирасизларми, қўйинглар! Кимни қандай топганини, қандай бой бўлаётганини ҳамма билади. Жиддий баҳс кулгига айланди.

Кулгилар узоққа бормади. Отадан қолган кичкина бир ҳовлида жўжабирдек жон яшаб, ер олиш учун ўн йилдан бери ҳокимиятга қатнаб оёғи қабрган жиянимнинг куёви Боқихон Маҳмуд акага ташланиб қолди:

— Маҳаллангиздаги ўғрини гапирдингиз, нега уни ўғри дедингиз?

— Бировни нарсасини тортиб олса, ўғри бўлса? Унда ўғрини порахўрдан фарқи нима? Иккови ҳам бировни ҳақи-ку!

— Ўғри рози қилмай олади. Порахўр ўз ихтиёри билан берса, олади.

— Бу гапингиз хато! Иккови ҳам ўғрилиқ!

— Нега энди!

— Негаги борми! Ўғрилиқ нарса деб нимани айтади? Беркитиб олинган нарсагами? Ўғри ҳеч маҳал олган нарсасини олдим, демайди? Ёки порахўр мен пора олдим, деб бировга айтадимми? Демак, иккови ҳам бекитиқча қилинган ишми, демак, ўғрилиқ!

Бундай мантиқий жавобдан хурсанд бўлган Комил-хўжа, унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Ҳозир пора олмайдиган йўқ. Ҳамма олади! — деди кимдир.

— Ана!.. Ана холос! Мана шунақа деб оламини расво қиляпмиз!

— Ҳалол бўламан, деб нима топдинг! Улар билан олишиб ютдингми!

— Ҳали кўрамиз, ким ютади.

— Кўриб турибсан-ку! Яна нимани кўрасан. Сенда-

қалар битта ер ололмай, итнинг кейинги оёғи бўлиб юрибди-ку!

Тўй маслаҳати четда қолиб, гап жиддийлашди.

— Сизларга гап хайф. Мен ҳалоллик билан ўламан, деди-ю кетмоқчи бўлгандек ўрнидан кўзғалиб қўйди Боқихон.

Менинг ҳозирги аҳволимни, қай ҳолга тушиб қолганимни тасаввур қилиш қийин эди.

Мен уй эгасиман, кимни ёнени олишим керак! Албатта, ҳамма пора олади, деган гапга қўшилишиб бўлмасди. Албатта унда Боқихондек ҳалол одамларни ғазабини келтиришим табиий эди.

Маҳкамалардаги адолатсизликларни ўз кўзи билан кўриб, виждони буюргани билан, меҳнатига яраша топганига қаноат қилиб кун кўраётган Боқихонга, албатта, Башар бойваччанинг оғзидан худди унга писанда қилгандай «Ишласин! Ишласа топади! Майшат қилиб қандини урсин!» — деган гапларини эшитиб чидаб ўтириши қийин эди. Албатта юрагида йиғилиб ётган дардларни яқин қариндош-уруғлари орасида айтиб олмаса, додини кимга айтади! Дод дегани билан фойда чиқмаслигини ҳам биларди у!

У ўз ғазабига чидолмай, хотини қариндош-уруғлар ўтирган томонга бориб:

— Тур хотин, ўрнингдан тур, тўйни маслаҳатини қилиб бўлдим, биздан бошқа маслаҳат берадиганлар, бойваччалар бор, тўй куни келамиз, — деб хотинини олиб кетмоқчи бўлди.

Ҳар хил гапларни эшитиб ичидан ижирғаниб ўтирган дўстим Комилхўжа Боқихоннинг қўлидан ушлаб, парво қилманг, деб ёнига ўтказди. Тўй бўлаётган уйда кулги, ҳазил-хузул қолиб дунёнинг ҳасратидан иборат бўлган гапларни тўхтатганларидан жуда хурсанд бўлдим.

Одатда тўй олдидан муборакбод қилгани келганлар, бир пиёла чой ичиб, узоқ ўтирмасди. Бугун дам олув куни бўлгани учунми ёки яқин қариндош, қудалар тасодифан жам бўлиб «азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлар», деганларидек, тўй ҳам эсларидан чиқиб дунёнинг ишлари, ўзларининг юракларида йиғилиб юрган дард-ҳасратларига ўтиб кетишди. Лекин, Боқихоннинг қўлидан ушлаб ёнига ўтказиб Комилхўжа дўстим яхши иш қилди-ю, лекин Боқихонни ёнени

олиб ўзи гап бошлагудек бўлса, нима дейишини яхши билиб ташвишга ҳам тушдим. Албатта унга тайин гапни бераман, деб порахўрлик, ўғрилик борми, демократия йўқми, борми, бунинг учун давлат тепасида ўтирганлар, ҳукумат айбдор, деб айтишдан тоймаслигини ўйлаб, кўнглим ғаш тортди. Ҳар хил одам бор, бунинг самимий гапини ҳам ҳамма ҳар хил тушунарди.

Бир куни унга:

— Комилхўжага, шунақа гапларни ҳамманинг олдида гапиришнинг нима кераги бор. Битта ўзинг гапирганинг билан... Гапимни охиригача эшитмай, гўё гапим ёнай деб турган ўтиннинг ўтига қўйилган майдек бўлди-ю:

— Ҳой, эшитмасанг эшитма! Битта ўзинг дейсан!.. Битта ўзингмиш-а! Сендақаларни ҳукумат енгил ўйлашга ўргатиб қўйган. Ахир биласанми, дунёни титратиб, ўзига қаратиб олган буюк Амир Темур қани, айт, нечта бўлган? — Битта ўзи бўлмаганми?

Ҳиндистонни эгаллаб, императори бўлган Бобур нечта бўлган? — Битта бўлган-ку!

Октябр инқилобини бошлаган ким? Ленин битта ўзи эмасми!

Ҳой, дўстим битта ўзимми, деб камчиликларни айтишга қўрқиб ўтираверсак, оғзимизга пашша кириб кетади-ку!

Дунёда энг ноаҳил халқ, бир-бири билан якдил бўлолмаган, қовушолмаган, бир-бирига елкадош бўлиш ўрнига, машаққатдан қочиб уни йўлдан қайтарадиган, бир фикр этса, қўшилиш ўрнига, қуявер, қуйма, дейдиган халқ бўлиб қолганмиз, — деган жавобни қилганда унга:

— Ҳой-ҳой, Комилхўжа, Ленинчилигингни қилма!— дейишимга қулоқ ҳам солгани йўқ эди.

— Буюк Ҳамлет — буларнинг ҳаммасига бир қиличнинг учи билан зарба бериш мумкин-ку! — деганидек, раҳбар ўз манфаатини ўйламай, қийинчиликлар, пора, ўғриликлар қаердан, нима сабабдан келиб чиқишини жон куйдириб ўйласа, ҳа, йўқ қилиши ҳам, тугатиши ҳам мумкинмасми! Ахир, Андропов бир ойда ҳамманинг танобини тортиб қўйди-ку! Қилса, бўларкан-ку!

Индамасам жуда сайрайдиганга ўхшайди. Гапини бўлиб фикримни айтгунимгача ҳам бўлмай, хайрият

ҳазил-хузул, ичишни яхши кўрадиган Абдуқаҳҳор — маҳалла оқсоқол эшикдан кириб келиб қолди.

Ана эди, унинг оғзига тегса, яна суҳбат чўзиладиган бўлди, деган фикр кўнглимдан ўтди. Лекин, ҳар гал кўришганида кучоқ очиб кўришадиган, бу сафар нима учундир хомушроқ эди. Фотиҳага қўл очиб, одатдагидек бир қизикроқ гап топиб, бўлажак келин-куёвларга тилак тилаш ўрнига, ҳамма айтадиган одатий «бахтли бўлсин, кўша қарисин» дейиш билан чекланиб, гапини бугун ҳокимиятда йиғин бўлгани, унда қўйилган масалалардан бошлади.

Абдуқаҳҳор ака улфатчилик, ичишни яхши кўрадиган одам эди. Мен бу маҳаллага ҳовли қилиб кўчиб келганимда, мени кимлигимни билганидан «шоирларникида яхшисидан бўлади, деб эшитганмиз: энди улфатчилик қиларканмиз-да», деб хурсандчилик билан кутиб олганди. Ўша-ўша ҳар кўришганда, шундай ҳазилни қўймайдиган одамнинг бугун нечундир машқи паст кўринди.

Мен ўтирган ҳозирги ҳовли-жой, бир вақтлар Абдуқаҳҳор ака раислик қилган колхозга қарашли ерлар бўлган. У вақтдаги раисларни саводи маълум. Абдуқаҳҳор ака ҳам бор бўлса, уч-тўрт синф маълумотига эга. У шу ердаги яшайдиган аҳолига қадрдон бўлгани учун, колхоз ерлари шаҳарликларга ҳовлига бўлиб берилгандан кейин ҳам уни энди, маҳалла раиси қилиб сайлаб қолдирилган.

Юриш-туриш, кийим-кечак ўша-ўша, раисликда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Бир туки ҳам ўзгармаган: Ёзда устида оқ ятак, кўкрак қишин-ёзин очиқ, белдаги кўша-кўша белбоғга ҳамиша дандон сопли каттакон пичоқ осиглиқ, оёқда қайтарма этик, бошда ёз ойлари дўппи, қишда сувсар телпак, гап-сўзлари чапанчасига лўнда, қисқа. Умрининг охиригача маҳаллага раислик қилди. Маҳаллада бўладиган ошхўрлик, чойхонада ичкилик ичишларидан норози одамлар бўлса ҳам аммо ботиниб «раис қарамайди, қараш ўрнига улар билан улфатчилик қилади» дейдиган одам топилмасди.

Белидаги дандон сопли пичоқ бу гапни айтадиганларнигина оғзинигина юмиб кўймасдан, унча-мунча маҳаллада тўпалон қиладиганларни ҳам ҳайиқтириб турарди.

У оқсоқол вақтида маҳалла аҳли аҳил эди. Ўлик тирикка ҳамма кўчадагилар хабардор қилиниб қатнашарди. Ёшлар кексаларни, кексалар маҳалладаги ёшларни танирди. Маҳаллада лекция, мажлислар деярли ўтказилмасди, лекин унга кимдир таъна қилингудек бўлса, «ота-бободан қолган урф-одатни бузмасдан, шунга амал қилсак, шунинг ўзи ўнта мажлисбозликдан фойдалироқ», нимаси кам дерди.

У бугун эшикдан кириши билан, уни билганлар хурмат билан жой беришди.

— Ҳокимиятда бўлган мажлисдан келаётган экансиз, қани, дастурхонга қаранг! — нон ушатиб, чой тутдим. — Аввал таом, баъдаз калом, овқат келгунча чойдан олиб туринг!

Бошқа вақтда бўлса, «чой деган нарса чойхонада етарли, чойни қўйинг, — тўйга аталгандан олмайсизми», дейдиган одам, бугун белдан белбоғини ечиб, терини артиб, узатган чойимни индамай олиб ичаберди.

Бугун бутунлай бошқа одам. Ҳайрон бўлдим.

Шу орада овқат ҳам келиб қолди, дастурхонга қўйилган коньяк, ароқларга ишора қилиб — қани, оқсоқол, қайси биридан десам:

— Аввал бу ёқдаги гапни эшитинг, домла, энди бундан буён ичкиликбозлик тамом.

— Тинчликми?

— Ичкилик қўйиш, тўйларда йўқ қилинди.

Бу гап қаердан чиқди? Раис мажлисдан олиб келдими, ёки ҳазиллашиб ўзи ичидан чиқардимми, суриштириб ўтирмасданок, Башарбойвачча.

— Тўйларам энди ўлик чиққан ҳовлидек бўладиган бўпти-да, — деб худди ёнида ўтирган одам унинг биқинини чимчилаб олгандек, Адуқаҳҳор акадан юз ўгириб чимрилиб олди.

Бундай хабар, тўйларни ном чиқариш, «учун қиладиган, тўй баҳона амалдорларнинг елкасига тўн ташлаб, улар шаънига ҳамду сано айтиб қадаҳ кўтарувчиларга ёқади, дейсизми!

— Яхши бўлди. Тўйларда ичкиликбозлик жуда авжига чиқиб, ёшларнинг бир-бирлари билан муштлашишисиз ўтмайдиган бўлиб қолувди.

— Йўқ қиладиган бўлса, фақат тўйдасиз, умуман йўқ қилиш керак.



Кўчада ичиб, маст бўлиб муштлашса, йиқилиб ётса, нима, майлими? Бу қарорни ким чиқарган бўлса ҳам тор ўйлабди, — деди кесатиб Башар бойвачча.

— Тўғри! Менимча, авваламбор, умуман, ичкилик сотишни бутунлай йўқотиш керак.

— Ҳой! — гапга Комилхўжа аралашди. — Оқибатини ўйламасдан гапирманг! Ичкиликни йўқотса, биласизми, нима бўлади? — Ўзи бу ёғини айтмасдан қотиб-қотиб кулди.

Нимага куляпти, нима демоқчи? — ҳамма ҳайрон бўлиб қараган эди:

— Ароқ сотишни Ўзбекистонда йўқ қилса ахир, окамиздан ажралиб қоламиз!.. Ахир, ўруслар Ўзбекистондан кўчиб кетади-ку! — дейиши билан ҳамма қотиб-қотиб кулди.

Яна гап қалтис мавзу ҳақида кетишидан чўчиган Маҳмуд ака, телефонлик иши борлигини баҳона қилиб секин ўрнидан туриб кетабошлади. Мен Қаҳҳор акага: — Шундай қарор қабул қилинган бўлса, унда маҳалла комиссиясига гап тегмаслиги учун дастурхондагини ҳам йиғиштириб қўяманми? — деб ҳазил қилган эдим, худди мен ҳозироқ ҳаммасини йиғиштириб олаётгандек, Қаҳҳор ака дастурхондаги бутулка коньякка қўл чўзиб, яна ўзини асли ҳазил-хузул қилишига қайтиб:

— Домла, қарорни тўғри тушунинг. Ичкилик ичиш ҳозирги тўйларда йўқ қилинди, уйларда йўқ қилинган эмас! Қаҳҳор аканинг гапи ўтирганларнинг кулгисига сабаб бўлди.

— Гап бундоқ денг!

— Демак, тўйларга уйда ичиб борарканмиз-да! — кимдир ҳазил қилиб...

— Ўшанда ҳам ҳиди чиқмайдиган қилиб... — Ҳа бу бошқа гап!

— Бу тўй эгаларининг фойдасига бўпти-ку! —

— Хасис одамларни жони кирди — деяверинг!

Тўй тўйдек бўлиб бу ҳазиллардан ўртада расо кулги бўлди.

Ёдимда йўқ, кимдир менга ҳазиллашиб:

— Ароқ ичиш тақиқланган бўлса, мени кўрсатиб — бу сизнинг фойдангизга бўпти. Олган ичкиликларингизни энди, яхшики, дўкон ёнингизда, бемалол унга қайтариб берадиган бўпсиз.

— Овора бўлиб магазинга қайтариб ўтирманг, ўзимиз тинчитамиз, — деди Башар бойвачча! — Қўлдан чиқай деган нарсасини худди қайтариб олгандек ўз гапидан ўзи хурсанд бўлиб.

Қизиқчилик, гап билан овора бўлиб мен ароқ қуйишни ҳам эсимдан чиқараёзган эканман, Абдуқаҳҳор аканинг нафси хаккалак отиб кетди, шекилли, сабри тугаб:

— Дастурхондагиларни ҳам магазинга қайтариб пулини олмоқчимисиз? Магазин сотилган нарсани қайтариб олмайди қуя беринг бугунча! Қуймайсизми! — деди Қаҳҳор ака.

Мени хаёлимга бир ҳазил гап келиб қолди-да раис ҳазилни кўтарадиган одам бўлгани учун:

— Ичмайдиган бўлсак, Қаҳҳор ака, энди салла ўраб масжидга чиқадиган бўпмиз-да!

— Ҳов, домла, салла ўраганда ҳам салла ўраш бор. Фақат салла ўраб эмас, Маккага бориб келиб Хожи пиёниста деган ном олганлар ҳам йўқ эмас, маҳаллада...

— Бор, Бор! Бунақа одамларни кушхонани серкаси дейилади. Сиз ҳам, Қаҳҳор ака, ўшаларга ўхшаб қолманг тагин. — Ҳамма ҳайрон бўлиб қаради.

— Бир бутилка коньяк, Сизга садақа бўлсин, аямайман, лекин Сизни ҳам оқсоқол, одамлар кушхонанинг серкаси демасинлар дейманда. — Кушхонанинг серкаси қанақа бўларкин, деб қараганларга. — Кушхонанинг серкаси қўйларни ичкарига бошлаб қассобга топширади-ю, ўзи бошқа тешиқдан соппа-соғ чиқиб кета беради. Сиз ҳам кўнгилга олманг-ку, ҳаммага ичма деб ўзингиз отсангиз!.. Ҳали ўртада кўтарилган кулги тўхтамасдан бирлари олиб бирлари қўйиб.

— Тўғри айтдингиз, маҳалланинг раиси ҳам аслида серка бўлади. Лекин, бу тўғри йўлга бошлайдиган серка. Ҳамма қиладиган ишни қиладиган серка — деб жавоб қилди Қаҳҳор ака, мени гапимни ўзига олмасдан, мақтаниб.

Иложи борича тўйларда ичкиликбозликка йўл қўймаслик ҳақидаги Абдуқаҳҳор аканинг «хушхабари» Башарбойваччанинг кўнглига ёқмади шекилли, тўғрироғи, шекилли эмас, Башар бойваччадек маишатпараст одамга очикдан-очик ёқмаган эди. Шунинг учун

бўлса керак, бу ҳақдаги гапга нуқта қўйиш мақсадида ярмидан кўпроқ қолган дастурхон ўртасидаги ароқни олиб икки пиёланинг бирига тўлатиб, иккинчисига камроқ қўйиб, тўла пиёладагини Абдуқаҳҳор акага, бирини ўз қўлига олиб:

— Сиз бизлардан кечроқ келдингиз, хушxabарингиз учун раҳмат, — ичкилик масаласини ҳал қилиб бўлдик. Энди бошқа гаплар бўлмаса, келин билан куёвга бахт тилайлик-да турайлик, оқсоқол. Қани олинг! Ишқилиб охири бўлмасин, — деб кўнглидаги гапни ҳам айтиб олди. — Ўзи бир ёққа шошган одамдек Абдуқаҳҳор аканинг ичишига ҳам қарамай ичиб, пиёлани дастурхонга тўнтарди.

Абдуқаҳҳор ака ҳам пиёлани бўшатиб, ароқ қиздириб юбордими, бошдан дўпписини олиб, бир чеккага қўйди-да:

Яшанг, бойвачча, айтганингиздек, майли охири бўлмасин. Лекин, нима қиламиз яшириб. Мен ўзим ҳам ичишни битта одамча ичаман. Йўқ бўлишига мен ҳам жуда тарафдормасман. Лекин, бола-чақани ўйлаганимда, йўқ бўлгани ҳам яхши, дейман. Одамнинг ўзини айби ўзига билинмас экан. Ўзимизга келганда, тўйларда ҳам ичкилик бўлаберсин, деймиз-у, аммо, ўғилларинг ярим кечагача уйга келмай, келганда ҳам довдираб келганини кўрганда, қасам ичиб юборгинг келади. Тўйларда ичкиликнинг шуниси ёмон... жуда топиб, ўрнида айтди.

Унинг гапи шу ерга келганда, даҳшатли бир воқеа хаёлидан ўтди. Тарақа-туруқ музика бир томондан, бир томондан вой боламлаб фарёд кўтарган онанинг йиғиси хаёлидан даҳшат солиб ўтди.

Ўн беш ёшли қиз, тўққизинчи синф талабаси, кечқурун ярим яланғоч, кўкрақдан киндиккача очиқ, янгича кийинган ҳолда ўзи билан ўқийдиган мактабдоши билан кечки дискотекага кетади-ю, кечаси соат ўн икки бўлади, келмайди, соат икки бўлади, дарак йўқ. Тонг отади!..

Қиз билан бирга кетган, онаси ишониб юборган мактабдоши йигит ким эди? Ўз ока-укаларимиди? Ишонарли қариндошлариданмиди?

Буларни бир-бирларига яқинлаштириб тунги ўйинкулгига бошлаган нарса нима эди? Ҳа, у, эндигина

икки ёшнинг вужудида уйғонаётган мудроқ муҳаббат фаслининг кўз очиши эди!

О, мудроқ муҳаббат! Кўр муҳаббат! Қаёқларга бошламайди! Сиз, ота-она қаёқда эдингиз! Ҳа, қувноқ музика садоси буларнинг ёш қонларни кўпиртириб атрофни унутиш даражасида ўз сеҳрига тортган эди. Улар учун бугун гўё дунёда қайғу йўқ эди! Дунё фақат-фақат шодликдан иборат!

Ўша кеча қизнинг ёнига келиб иккинчи бир мактабдоши, бир бокал шаробдан хўплашни таклиф этди. Нега у, қизга бунчалик меҳрибон бўлиб қолди! Нега қиз уни ёнидан қувмади! Нега унга ҳам кулиб боқди. Боқса ахир, бирга ўқиган мактабдоши-ку нима бўпти! Бу ерда қизни гуноҳкор қиларлик ҳеч нарса йўқ-ку! Гуноҳкор энди уйғониб кўз очаётган муҳаббат ёки эндигина кўз очаётган муҳаббатни бутунлай кўр қилувчи бир култумгина лабга текказилган шаробмиди!?

Тун яримдан оғади. Музика шовқинлари узоқда қолади. Қизни уйига ким кузатиб қўяди? Тонг оқармоқда. Қиздан дарак йўқ...

Эртаси кун қизнинг ота-оналари ўз севикли ёлғиз фарзандларини чала жон ҳолида шифохоналарнинг бирида эканидан хабар топадилар. Совуқ мурдасини уйга олиб келадилар. Қизнинг синфдошлари икки ёш ўсмирларнинг умри қамоқда хазон бўлади.

Хаёлим қочиб қолганини сезиб Қаҳҳор ака:

— Бугун мажлисда бўлган гаплар фақат ичкилик устидагина эмас, домлажон! Ҳали сизга тегишли айтадиган гапларим ҳам бор.

— Гуноҳимиз нима экан? Ҳали ҳаммаси эмас, денг!

Абдуқаҳҳор ака бир оз жим қолди-да, ичкилик ҳам бир оз руҳини кўтарди шекилли мийиғида кулиб чапанича одатича:

— Ҳаммасимасми, дейсиз-а! Ҳаммаси бирдан бўлса, ҳазиллашиб — дод деб юборманглар, деб, оғир ботмайдиган қилай дедим-да, деб ўз гапидан ўзи кулиб аския қилмоқчи бўлди. Баъзилар бунга шунчаки гап деб эътибор бермади, аммо бу ҳазилнинг тагидаги маънога тушунганлар кулиб юборди.

Аммо Қаҳҳор аканинг қадрдони, у билан ҳазилвон чойхоначи Ўринбой:

— Қаҳҳор ака, қаттиқ ботирмай дейсиз. Жуда катта

кетманг, энди, сиз ҳам ўзингизни ёш деб ўйлаяпсизми! Кексаларникини нимаси қаттиқ ботади! Кексаларнинг оғзида қолган!

Ўринбойнинг гапидан кейин Қаҳҳор аканинг ҳазилининг тагига кўпчилик етгач ўртада қаттиқ кулги кўтарилди. Фақат мен кулмадим. Аскиянинг тагидан чиқадиган ҳаёсизлик мени кулдирмайди, аксинча... индамай кўяқолдим.

Ўринбой билан Қаҳҳор ака бир-бирлари билан қадрдон. Улар бор жойда доим ҳазил-хузул бўлади. Маҳалла тўйларида тартиб бўлади. Тўйлар хурсандчилик билан ўтарди.

— Қаттиқ ботмайдиган бўлса, — деди Қаҳҳор ака. — Домла, обрўли одамсиз. Ҳали ҳаммаси эмас, деганининг сабаби бу ёқда. Гап фақат ичкиликдамас, ҳали бу ёқда ундан каттароқ гаплар бор. Ҳокимиятдаги гапни амалга оширишни сиздан бошлаймиз. Мана тўй бошламоқчисиз...

— Сиз ибрат бўлинг, иложи бўлса газетага ёзинг, ёзувчисиз.

Жоним билан!..

— Қадимги урф-одатларимиз қолиб, тўйларимиз ҳаддан ошиб, қуюшқондан чиқиб кетди. Тўғриси айтганда, ҳозир қилинаётган айрим тўйлардан кўпчилик рози эмас. Исрофгарчилик, кимошди, мен сендан қоламанми, деб ҳолига қарамай ғоз юришлар ҳам авж олиб кетди.

Раиснинг бу гапини маъқуллаб тинглаганлар ҳам, буни ҳокимиятнинг бир-икки фармони билан йўқотиб бўлармиди, деб ижирғаниб қараганлар ҳам бўлди. Буни сезган раис:

— Қадимдаям ҳозиргилардек катта-катта бойлар бўлган Катта тўй қилган, кўпроқ одам айтган, кўпроқ ош дамлаган. Лекин қадим-қадимги урф-одатимизни ҳурмат қилган.

Ахир, рўза кунлари эсингларда бор бўлса керак, ифтордан кейин:

*Рамазон айтган билан тўяманми,  
Бурунгини қадасини кўяманми,*

— деб уйма-уй юрардик. Бу бекорга айтилмаган.

Рамазон айтган билан ҳеч ким тўйган эмас, гап

ота-боболаримизни, ўзидан олдин ўтганларга, урф-ода-тига ҳурмат бўлган. Ахир, тўйларимиз қандай чиройли ўтарди! Ўша кунларни эсласам, ўзим, яна куёв бўлгим келиб кетади. Куёв куёвга ўхшарди.

— Бу гапларни у худди ўн саккиз ёшли йигит гўшангага кириб кетаётгандек завқ билан гапирарди:

Унинг завқини кўриб:

— Қаҳҳор ака, мениям уйлангим келади, десам менга ярашмас-у гапингизни эшитиб қайтадан йигит бўлгим келиб кетди, — деб луқма ташладим.

— Тўй куни қиз томон аср номозидан кейин, яъни кечга яқин элга ош берарди. Аввал, куёв томондан қиз томонга фариштадек озода кийинган мўсафидлар бориб ош еб келарди. Улар кетиши билан кетма-кет маҳалланинг одамлари кирар, кечга яқин карнай, сурнай ноғораси билан «Наво»ни чалиб, (ўша «Наво»ни овозини эсласам...) куёвни ўртада ўраб, олдинда ўйнаган, якка қарсак, қийқириқ билан йигитлар келарди. Ош тортиларди. Мабодо чарлари ичида бўлса, ошдан кейин, ё ошдан олдин чучвара тортиларди. Вассалом! Ҳамма хурсанд, ҳамма бир-бирини таниган, ҳамма хушёр!.. Беш-ўнта куёвни уйига кузатадиган жўралардан ташқари ҳамма ҳар томонга тарқаларди. Тўйларимиз шундай сарамжам ўтарди.

Никоҳ ҳам, тўйдан аввал, ёки тўй куни, қизнинг уйига домла чақиртирилиб ўқиларди, ҳозиргидек ўнта машинада ЗАГСга бориш, ундан чиқиб ресторанда ўтириб маствозлик қилиш, тўйдан олдин бир-бирини бошини ёриб, кўзини чиқариш бўлмасди.

Куёв, сарпосини — тўнни кийиб, саллани ўраб чиқарди-да, кексалар фотиҳа бериб қиз томонда тўй тугарди.

Йигитникида нима бўларди? Ошни единг, ашулани эшитдинг! Яна нима?! Йигитни ота-онаси куёвни пешонасидан ўпиб, қариндош-уруғлар тилак тилаб, келин келгандан кейин, беш-ўнта қолган куёвнинг ўртоқлари уни гўшангага киритиб кетарди. Қолган қуда-андалар уй эгалари тўйни давом эттира берарди.

Ҳозирги дабдабали тўйлар болаларимизни ахлоқини бузади халос, домла! Уларни эркалатиб, бугун елкага чиқарсак эртага қулоғимизга оёқ кўйиб, бошимизга чиқиб олади. Буёғини ҳам ўйлайлик. Қадим тўйларни нимаси ёмон?

Гапирувчининг сўзига ҳамиша эътибор ва ҳурмат билан қулоқ солувчи, (ўзбекларнинг одоб, маданиятларидан бири мана шу) шу вақтгача жим ўтирган жияним Ҳодихон:

— Ота-боболаримизнинг ҳамма ишлари ҳисобли бўлган. Урф-одатларимиз ақл билан наҳорга бериладиган ошларни олдин шароитга мослаб қилинган. Лекин, ҳозирги замонда наҳорга ош бериш ақлга тўғри келмаган қилиқ. Эшитганларни, кутилмаган бу гапи бир дам ҳайратга солди. Билдим, баъзиларга ёқмади: ўйланмай айтилгандек.

Мен унинг гапига қўшилиб энди гапга оғиз жуплаган эдим, меҳмонлар орасида кимдир уйқудан қолган эканми хуррак отиб юборди.

— Мудраб хуррак отишидан наҳорги ошга борганлардан деди — Комилхўжа.

Ҳамма бирдан кулиб юборди. Рости жуда хурсанд бўлдим. Негаки, бу хуррак мен айтмоқчи бўлган фикримнинг айна тасдиғидек бўлди:

— Фақат ичкилик эмас, азонда ош берилишини ҳам йўқ қилиш керак. — Тўғри айтди. Ҳозир, наҳорда, соат тўртдая, ош бериш тўғри келмаган қилиқ.

«Тўғри келмайди» деган гап ёқмаган Ўринбой, негалигини кутмасданоқ:

— Нимаси тўғри келмайди? — Эрталаб салқинда ошини еб, кекириб-кекириб ишига бораверади.

«Наҳорги ош» баҳсга айланиб кетди. Меҳмонларнинг қараши иккига бўлинди. Ўринбой ака, одамларнинг кекириб-кекириб ишига боришларига мен ҳам қарши эмасман, лекин ошни еб, ишга боргунча трамвай, метрода ухлаб қолишига қаршиман! Тўғри, сиз айтгандай, одамлар эрталаб ош берса, уйдагилар ҳам саранжомини олади, бу гапингиз тўғри! Лекин ош еганлар уйдагиларнинг ҳаловатини йўқотади. Фақат ўзлари эмас, мактабга борадиган болалар, уйдагилар ҳам безовта бўлади.

Мен, жиянимнинг бу гапини айтишидан мақсади нималиги-ю, азонда бериладиган ошнинг ҳозирги кунга тўғри келмаслигига аниқлик киритиш учун:

— Ёз кунлари бомдод-эрталабки намоз соат нечада ўқилади? — деб ўртага луқма ташладим!

— Намозни эрталабки ош беришга нима алоқаси бор? — деди Ўринбой.

— Ҳамма гап шунда! — деди Миёнҳоди мени қувватлаб. — Алоқаси шундаки, тоғам намозни қайси соатда ўқилишини бекорга сўрамадилар! Қадимги вақтда одатимиз бўйича наҳорги ош фақат суннат тўйида бериларди. Ҳозиргидек қиз чиқарганда ҳам, ўлганларга қилинадиган йигирма, йил ошларида ҳам, минг-минг одамга ош берилмасди. У маҳалларда наҳорга ош берилишининг сабаби бор эди, сабаби шу эдики, ахир, қадимги вақтларда юртда икки хил касб эгаси бўлган. Бири деҳқон, бири савдогар. Ҳаммаси азонда мачитга намозга борган. Қадимда наҳорга ош берилганда, ақл билан ўйлаб, замонага мослаб, намоздан одам чиқишига мўлжаллаб қилинган. Намозини ўқиб, мачитдан чиққанидан кейин, ошни еб савдогар дўконига, деҳқон дуо қилиб даласига жўнаган. Ақл билан қилингани шу!

У пайтларда, ҳозиргидек соат тўққизда очиладиган идоралар, соат ўндан иш бошланадиган вазирликлар, редакциялар, касалхоналар бўлганми? У вақтларда, албатта, бўлмаган. Ҳозирги вақтда наҳорги ошни, айниқса, ёз кунлари соат 4—5 да еб бўлгандан кейин хўш энди улар қаёққа боради? Идорага борай деса, қоровул азонда нима қилиб юрибсиз, деб киритмайди. Уйига бориб келай деса, бориб келгунча иш вақти бўлади. Нима қилади, кўчада санқийди, шундоқми?

Бу гапи бир оз кулги бўлган бўлса ҳам ҳаммага бирдик маъқул эмас эди.

— Тўғри бу гап. Тўғри бўлганда ҳам жуда тўғри! — Ҳақиқатан, наҳорга ошга борадиган куним мен ўзим ҳам кечаси уч-тўрт марта уйғонаман. Уйқуда ҳаловат бўлмайди. Редакцияга бориб кундуз кунлари мудрайман. Ҳодихоннинг гапи тўғри, — деди Муҳиддинхон унинг гапини тасдиқлаб.

— Ўринбой чойхоначи бошқаларнинг гапига кулоқ ҳам солмай ҳамон ўз фикрини маъқулларди:

Саратонда кундуз куни ош берсанг, биласизларми, келган одамларга ҳовлидан жой топиш ҳам қийин бўлади. Ҳозирги тўйлар ҳовлиларда, маҳаллаларда эмас, ресторанларга ўтиб кетди-ку! — Энди бу ёғи, хулоса чиқариш, тўй қиладиган домлага ҳавола! — деб менга ишора қилди.

— Мени фикримча у ундай, бу бундай қилсин, деб



бўлмайди. Ҳамманинг хоҳлагани. Фалон соатда ош берилсин, деган нарса бу урф-одатда йўқ, тўғрими Қаҳҳор ака! Бомдод намозини ўқийдиганлар учун наҳорги ош берилгани яхши.

Кайфи ошинқираган Ўринбой. — Тушгача ухлайдиганларни, эрталаб уйғониб намоз ўқийдиган қилиш керакмикин, — деди ҳазиллашиб.

— Ёки бўлмаса!..

Ўринбойнинг бу ҳазилига бошқалар ўйлаб жавоб топгунча бўлмай, ҳазил-хузулга устихони йўқ божам Муҳиддинхон, Қаҳҳор оқсоқолга қараб:

— Ўринбой аканинг гапида ҳам жон бор, йўқ эмас. Қаҳҳор ака, сиз биласиз, мен газетада ишлайман, бир фикр келди. Сиз эса шаҳардаги маҳалла оқсоқолларининг орасида ҳурматга лойиқларидансиз. Шу дейман, шунга лойиқ бир иш қилсак. Қаҳҳор Отабоев бошлиқ маҳалла аҳолиси номидан наҳорда, соат 4—5 ларда тортиладиган ошни, ишга борадиганларга қулай бўлсин, ишга борганда мудраб ўтирмасин, деб ошни наҳорда эмас, эрталаб чой ичиладиган ёки пешиндаги овқат вақтида маҳаллада берилишини маъқуллайди, деб газетага ёзиб чиқсам... Маъқул бўлса, шунинг учун, деб — пиёладаги ароқни қўлга олган эди, гапини охирига етказгунча ҳам бўлмай Ўринбой билан Қаҳҳор ака ичиб юборди.

Қаҳҳор оқсоқол келганидан бери ҳамма гап ичкиликбозликка қарши қарор устида бўлди. Қарорни шўри курсин! Ичкиликбозликка қарши гапириб туриб ҳаммамиз ичамиз: ҳаммамиз мастмиз...

Муҳиддинхоннинг «ичамиз» деган гапи, яқин кунларда ўғлига дабдабали тўй қилиш хаёли билан ўртада бўлган гапларга шу вақтгача қулоқ солмай Маҳмуд акани топиб ўзаро қиттай-қиттай қилиб чақчақлашиб ўтирган Башар бойвачча қулоғига ҳам айтилгандек туюлдим хурсанд бўлиб олдидаги бир пиёла тўла ароқни Маҳмуд ака билан ҳатто уриштирмай ичиб юборди. Ичганидан кейин нимадир томоғига тикилиб қолгандек бир оз жимиб турди, худди атрофидагиларни энди кўраётгандек бир-бир тикилиб, қараб чиқди. Ўзини тутиб, олгач, ёнида ўтирган Маҳмуд аканинг елкасидан ошириб, гилос томонга туфлаб, лабини артди-да жойида яна жимиб қолди.

Олдидаги ароқ шишани бирор ножўя ҳаракати билан тўкиб юборишидан чўчиган ёнидагилардан бири, нарироққа олиб қўйди. Башарбойваччанинг аҳволини кузатиб турган Комилхўжа Қаҳҳор раисга қараб:

— Фақат тўйлардамас, оқсоқол, бир томони раиснинг ўзига ҳам текказиб — ҳатто тўйларнинг олдидан ҳам, умуман ичкилик ичиш йўқотилса!..

— Ия! — деди Маҳмуд ака Комилхўжага қараб — Гапингдан айнидинг-ку Комил! — Комил ҳайрон бўлиб қараган эди — Ҳозиргина ўзинг, ичкиликни бутунлай йўқотсак, яхши бўлмайди, руслар кетиб қолади, деганинг эсингдан чиқдими?

— Мен ҳаммасинимас, пиёнисталарини айтганман. Бунга ҳам жавоб топди.

Яна кимдир ўз фикрини айтмоқчи эди, шу пайтда қўшни ҳовлида ўтказиладиган бешик тўйига келган эстрада артистлари етти маҳаллага етадиган қилиб вараңглатиб микрофонда музика бошлаб юбордилар.

Гапирмоқчи бўлганларнинг гапи оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолаберди. Маҳалла оқсоқолининг фотиҳасини эшитиш у ёқда турсин, меҳмонларни кузатишга чиққанлар бир-бирлари билан бақриб гаплашиб, кўча эшиги томон юра бошладилар.

Маҳалла раиси қулоғини беркитиб кета бошлаган эди, меҳмонлардан бири уни тўхтатиб, музика келаётган томонга қўли билан эшитинг, дегандек ишора қилди. Кўшни ҳовлидан:

*Оҳ, мунча сочинг майин  
Оҳ, мунча чиройлисан...*

деган хонанданинг ашуласи қулоқларни тешгудек эшитилиб, кетидан чийилдоқ овозда бошқа бир хонанданинг:

*Мен сени севаман,  
Нега севмас экансан...*

қабалидаги ашуласи етти маҳаллага кетди.

Кимдир раиснинг қўлидан ушлаб тўхтатиб, баланд овозда унга ниманидир демоқчи эди, раис икки қулоғини беркитиб, кўчанинг нариги бетига бошлади.

Раиснинг икки қўли ҳамон қулоғида эди. Гапирувчи эса раисга аниқроқ эшиттириш ниятида музикадан баландроқ келиб бўғилиб:

— Ҳокимиятдаги йиғинда бу бемаъниликлар одамлар уйқусини, асабини бузишлари ҳақида гапиришса бўлмасмиди! — деб раисдан жавоб кутган эди, музыка яна ҳам баландроқ янгради. Раис кўлини қулоғидан олиб жавоб қилиш ўрнига, бафуржа гаплашиш учун бўлса керак, уни иккинчи кўчага бошлади. У эса, эшитиш, эшитмаслигига қарамасдан, йўл-йўлакай:

— Тўйни бутун маҳаллага қиладими!.. Уйида қилсин! Бир соатмас, ярим соатмас!.. Оқшомдан ярим тунгача!.. Ёнидаги кўшни ўласи касал. Бирисиникида аза.. булар етти маҳаллани бошга кўтарди!.. Бунга чора борми? — хуноби ошиб гапирарди.

Кўшнининг ҳовлисидаги музыка шунчалик баланд кўйилган эдики, гапирувчиларнинг гапини кўчада ҳам аниқ эшитиш имкони бўлмади. Бу масалада раиснинг ҳам ўз дарди бор эканми, гапирувчини бир неча кўча нари, ўзи кўпроқ бўладиган чойхонага етаклади.

Ёнидаги гапириб келаётган одам бўғилиб:

— Бир дақиқа эрталаб айтиладиган азондан уйқумиз бузилади, деб шикоят қиламиз-у, тўйларда оқшомдан то ярим кечагача бу тарақа-туруқ ашулалар одамларни тинчини бузса, майлими?!

Етти маҳаллага эшитилиб, маза-матрасиз айтилаётган ашулалар ҳақидаги шикоятга чойхонада ўтирганлар ҳам қўшилиб кетди.

*Бошқалар сени кўзга илмасаям  
Лекин сен менга ёқасан...*

Ёки:

*Бораверай ёнингга, тегиб кетай жонингга!  
Мен сенинг кетингдан боришим мумкин!*

*Мен орқангдан етаман,  
Менинг севгим шунақа.*

Бу ашулаларни эшитиб зил кетаман. Хаёлга толаман. Тавба дейман. «Тарақа-туруқ», «тарақа-туруқ»! Ахир тўғри мусиқа, ашуласиз тўй бўладими!

Мен уйланганимда битта танбурчи билан битта ашулалачи бўлган. Дастурхоннинг аҳволини айтмасам ҳам бўлади. Лекин, битта созанда билан битта хонанданинг айтган ашулалари:

*Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,  
Кўнглима ҳар бирининг дарди балосинму дейин.  
Ёки, Фузулий икки оламда муҳаббат ошнаси бўл,  
Муҳаббатсиз кишининг кўнгли қишдир, ости ёз ўлмас,*

Бу бутун дардингни бир нафасгина бўлса ҳам унут-тирарди. Қалбингга таскин берарди. Бу дунё шу экан, дердинг-ку дунёга умид уйғотарди. Севгининг муқаддаслигини англатарди. Очарчилик йиллари руҳий мадад эди.

### Ш Б О Б

#### МУҲАББАТ

*Очлик нелар едирмас,  
Тўқлик нелар дедирмас.*

Кўпчилик, ҳа-ҳу билан, карнай-сурнай билан тўй ҳам ўтди. Набирам узатилди. Тўйдан кейинги бир-икки ой ҳам кўз очиб-юмгунча ғир этиб ўтиб кетибди... Борборича, йўқ ҳолича, дегандек, мана бугун севикли набирам билан кувём Туркиянинг денгиз қирғоғидаги курорт шаҳри Анталиядан овруполиклар одати бўйича «асал ойини» ўтказиб қайтишди.

Ҳозир шундай бир замон бўлдики, пул билан қилиш мумкин бўлган иш борки, одатми, одатмаслигига қарамасдан кўнгилхуши учун ҳа, деб қилиб ётибмиз.

Сафардан қайтган одам совға-саломсиз келмайди. Топган гул, топмаган бир боғ пиёз дегандек, барака топишсин, ёшимизга муносиб, дид билан олинган совға-саломлар ҳада қилинди. Дуо қилдик. Қучоқладик. Бир-бирларига муносибликларидан, айниқса, қувондик.

Бошинг тўйдан чиқмасин, деганларидек, мана ордан кўп ўтмасдан дўстим Комилхўжа тўй қиладиган бўлиб, бугун тўйга айтиб келиб қолди.

— Муборак бўлсин, қўша қарисин... Қани менга нима хизмат бўлса, айтиберасан.

— Борсанг бўлди, дўстим.

— Қачонга бўладиган бўлди?

Қай куни, нима бўлиши, ҳаммасини айтди. — Агар шу айтганим ҳисобга ўтса...

— Қанақа қилиб ҳисобга ўтади.

— Одамлар санга ўхшаш оғзаки айтишмас, таклифномаларни оддий конвертда эмас, нима дейишимни тушуниб давомини эшитишни ҳам истамай:

— Айтадиган жойларим бор, вақтлироқ бор, деб кетмоқчи бўлди... Лекин тўхтаб:

— Кеча мени танишларимдан биттаси тўйга таклифнома берди. Ана энди, уни қўлга олиб кўрсанг: У оддий конвертда эмас, йўқ таклифнома олтин ҳарфлар билан ёзилиб, атрофи ипак белбоғ билан ўралиб, устига гул қадалган каттакон қутичага солинган. Кўрсанг, таклифнома эмас, ичида шоколад бўлса керак дейсан. Мана буни тўйга айтиш, мана буни таклифнома деса бўлади. Бу гапларни газаб билан айтган Комилхўжа сабри тугаб:

— Мен сени тўйга айтиб келганман, таклифномани қандай ёзишни ўрганишгамас.

Олтин ҳарфлар билан ёзилган таклифномалар-у минглаб одамларга ош бериб қилинган дабдабали тўйнинг оқибати нима бўлди?! Келин-куёв кўп яшамай ажрашиб кетди!

Ҳой, азиз дўстим, бундай таклифномаларга қўша қари! Умрингни охиригача бирга яшайсан, бир-бирингдан ажралиш мумкин эмас! Икки марта тўй қилолмайман деб ҳам ёзиб қўйиш керак!

Муҳаббат бўлиши, садоқат бўлиши керак! Таклифномаларга иккинчи мартаба уйланиш, икки марта эрга тегиш йўқ, деб ёзиб қўйиш керак! Гапини бошлашиданоқ кула бошладим. Қутилмаган, бундай ғайритабиий кулгили, фалсафий гаплар Комилдан чиқишини билардим. Охирида ўзимни кулгидан зўрға тўхтатдим.

— Эй, азиз дўстим сенга айтмасам кимга айтаман... Куйганимдан айтдим. У қилган таклифноманинг пулини биласанми, иккита камбағал тўйини ўтказса савоб бўларди. (Ҳар биттаси икки минг беш юз сўм тураркан, беш юз дона).

— Ҳаддан ошиш! Нонни ҳам, пулни ҳам уволи бор, тугади.

— Эй, огайни албатта тўйлар бўлгани яхши. Тўйларга не етсин. Орзу-ҳавас ундан яхши. Лекин бор топганингни тўйларга, орзу-ҳавасларга сарфлаш, шунинг орқасидан ном чиқариш кайфи билан маст бўлиб, ёшлар-

ни қўша қаришини, эрта келажагимизни ўйлаш ўрнига бугунги қийинчиликдан қутулиш дардини унутиб бепарво бўлиб яшасак, бу ҳаёт бошимизга не кунларни солмасин! Унга кўникиб, тақдир деб эртага бир гап бўлар, бугун берган эртага ҳам бенасиб қолдирмас, деб чидайдиган бўлиб қолсак, ахир дўстим, бу кетишда оқибат нима бўлади? Ночор, бечора, ожиз одамлар бўлиб қолмасмиканмиз? Лаббай!

Комил кетаётган жойидан орқасига ўгирилиб:

— Эсингизда борми, очарчилик йиллари эди. Стипендия олганимда сотиб олган эдим, сен ҳам албатта ўқиб чиқ деб, Хондамирнинг «макоримул ахлоқ» китобини менга завқ билан гапириб, совға қилган эдинг!

— Эй дўстим, бу гапни эшитганлар ҳозир сендан кулади. Китобмиш-а! Қай замонда яшаяпсан... Ҳозирда, оғайни. Ҳозиргилар китоб эмас, оёғида калиш бўлса ҳам қулоғига кўчма телефон олади...

Қўшнилари кириб гапимиз бўлинди.

Кечагина сигири туғиб оғзи оққа теккан қўшнимиз оғиз кўтариб чиқиб, икки ёшнинг бахтини тилаб, улар олиб келган совға-саломларни кўриб:

— Ҳамманинг болаларига мана шунақа бахт насиб қилсин. Қўша қаринглари, деб дуо қилиб уйда болалари ёлғиз қолганини айтиб, набирамга:

— Дилдорахон, келганларингизда бизларникига ҳам чиқинг, соғинтириб қўйманг, айланиб кетай сиздан. Ўрнингиз билиниб туради, — деб бағрига босиб қучоқлаб, косасини бўшатиб, набирам олиб келган мазорбости нарсалардан солиб беришимизни кутмаёқ чиқиб кетди.

Қўшнимнинг ҳамма гапи самимий эди. Булар асли таги деҳқонлар бўлиб, ердан унганига, молидан тушганига қаноат қилиб яшаган, бировга ҳасадни билмайдиган одамлар эди.

Кеча тўй қилиб, яна орадан кўп вақт ўтмасдан буларнинг болалари аллақачонларга бориб ўйнаб келибди. Яна шунча совға саломлари олиб келибди» деган фарзали хаёл уларнинг кўнглига ҳам келмасди. Худди ўз боласини кўргандек қувониши, бунчалик оқ кўнглилиги мени ҳайратга соларди. Булар бузилмаган ўзбеклар! Ҳақиқий сахий, беғараз, кўнглида кир деган нарсаси йўқ кишилар. Булар ўлик-тиригингизда ҳам, ҳаммиша

жон куйдириб, бош-қош бўладиган одамлар. Тамани билмаган одамлар булар.

«Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг яхши» деганлари мана шу!

Қўшни хотин чиқиб кетди-ю ўртага олиб келинган совға-саломлар ёйилди.

Хотинларнинг феъли маълум — дам олишга боради-ю, аммо вақтининг кўпи бозорларда, магазинма-магазин юриш билан ўтади. Бир ёшлик чақалоқдан тортиб амма-хола, бува, буви борми, ҳаммасига мазорбости деб, ҳеч бўлмаса битта рўмол, жойнамоз олиб келиш одат бўлиб қолган.

Олиб келинган нарсалар ўртага ёйилди.

— Мана сизга. Бу оз бўлса ҳам Сизга!

— Вой бу нима, мунча чиройлик, раҳмат.

— Бу неча дўллар экан?

— Бизлардан кўра арзон экан. Ман бундан иккитагина олмапсан-да!.. — деймизу аммо, булар ахир, нарсани олиб бориб сотиб, нарсани олиб келишга, савдогарликка эмас, дам олишга борган-ку! — демаймиз. Бундай десак, хижолатга қўймаймизми, деб ҳам ўйлаш эсимизга келмайди. Комилхўжанинг гапларини эсладим:

— Кўп ишларни ўйламай қиламиз, ўйламай гапирамиз, дерди кулиб:

Ёз кунлари ҳаво исиб кетса, «ҳой, қачон салқин тушади, қачон куз келади, кунлар тезроқ ўта қолса деймиз! Ёки тезроқ ўн бешинчи ёки биринчи кела қолса маошни олардик, деймиз-у умр ўтишини ҳисобга олмаймиз. Ёки тезроқ куз келсин деймиз-у, аммо ёмғир ёрса киядиган калишинг борми-йўқми, буни ўйламаймиз.

Маслаҳат оши кунни, кетиш олдидан Қаҳҳор аканинг «Топган-тутганингиз домла, тўйларингизга буюрсин» — деганини эшитган Комилхўжа:

— Оқсоқол, бундай деганингиз, ўзингга эмас, кўчадагиларга, бошқаларга буюрсин! — деганингизми, деб ҳазиллашди.

Бизлар меҳмондўстмиз, сахиймиз.

Бор-борича, йўқ ҳолича деган мақол ҳам бор. Ўзига тўқроқ одамлар майли, бўлса хўп-хўп! Аммо амал-тақал қилиб, пул жамғариб даволанишга борган одам

ҳам мазорбостисиз келмай, одат деб, совға-саломга бор-йўғини сарфласа, оладиган маошини олгунча даволаниши ҳам, олган дами ҳам бурнидан булоқ бўлиб чиқса! Бу қанақа одат бўлди! Бунга қарши оғиз очгудек бўлсанг, хотинларнинг орасида сени юмма талайдиганлари, албатта, чиқади, эй, оғайни, тушунтириш қийин.

Қўшнимнинг хотини бир-икки ойдан бери оғир касал. Дўхтирларга кўрсатди, фойда бермади. Кимдир Чортоқдаги сувга тушганида ўзи даволанганини айтиб, сиз ҳам ўша ерга боринг, деб маслаҳат берибди.

Ҳамманинг мижози ҳар хил бўлади. Бир касалга ёққан дори, баъзан худди ўшандай касалга ёқмайдиган вақтлар ҳам бўлади. Лекин, бировларнинг сўзига кириб, кечаси маҳалладаги дўконга қоровуллик, кундузи ўша дўконнинг олдида майда-чуйда — қурт, сақич, сигарет сотиб кун кўрадиган эр хотинини Наманганга олиб бориб келади. Шулар ҳам қайтишда қуруқ бўлмасин, уйдагилар қўлимга қарайди, деб қайнонасидан тортиб бешта овсинга совға-салом қилиб келибди. Эр шўрлик топганини хотинининг даволанишига сарфлагани каммиди! Битта овсинга камроқ совға берган экан, шу сабаб ораларига совуқчилик тушиб қолади.

Нима сабаб билан бўлмасин, даволаниш сабаблими, ёки саёҳат сабаблими сафарга чиққан одам, албатта, совға-саломдан ташқари, таассуротлар билан қайтади. Нимадир дегиси келади. Лекин биронта одам бу ҳақда сўрамади, қизиқмади.

Фақат куёвим билан ҳол-аҳвол сўрашим, ёшлар кўнглида туғён уриб қачон гапирамиз, деб турган гапларига йўл очиб берди. Набирам билан набира куёвим, ичи тўлиб турган экан бири олиб, бири қўйиб гапга тушиб кетди:

— Анталия жаннат! Уфқларгача денгиз ёйилиб, кўм-қўқ бўлиб чайқалади, тоғ ҳавосини қўяберинг. Емак-ичмак овқатни қўяберинг! Одамларини айтмайсизми! Набирам Дилдорахон емак-ичмакнинг тўкинлигини айтиб улгурмасдан куёви Саидхўжа руҳан дам олганини:

— Ўша бизлар турган жойда ишлайдиган тунислик бир йигит зерикишга қўймаслиги, вой унинг қилиқлари, санъати, унинг хунари!.. Унинг қизиқчиликлари! Зерикиш қаёқда! Ичакларингизни узади. Сал хаёл су-



риб қолганингизни кўргудек бўлса, сизни кулдириш учун бир нарсаларни ўйлаб топади. Гоҳо кўйлакнинг ичидан кўкрагига битта, орқасига битта катта копток кўйиб, белини ликиллайтиб, олдингизга келиб хотин киши бўлиб ҳар хил мақом қилиб кулмаганингизга кўймайди. Афти-башарасини ўн хил қилиб ўзгартиради. Ашула ҳам айтади. У ўйнаган ўйинга унча-мунча тенглашолмайди. Вазифаси одамларни фақат овутиш, кўнглини овлаш. Ёшларни бўш кўймайди. Рақсга тортади. Кексаларни югуриб бориб қўлтиғидан ушлаб, зинадан чиқариб қўяди. Хуллас Анталия жаннат.

Мен ундан: — Ўзингни арабман, дейсан-у, нега исминг Жемс, деса, у:

— Жемс Оврупоча исмим, асли исмим Муҳаммадали.

— Сизни отингиз нима?

— Саидхўжа.

— О, Саидхўжа!.. Муслим!.. Қаердансизлар?

— Тошкент, Ўзбекистон.

— Ўзбек! Ўзбек!.. Дин бир... Қариндош — деб ўзбекча ўйинга тушиб кетади. У арабни билмаган ҳунари йўқ...

— Тоза маза қилибсизлар! — дедим. Хаёлимга мустабид совет даврида хорижга борганим келиб қолди. Қайси мамлакатдан келдинглар, деганларида Ўзбекистондан!.. Ўзбекман десак — Тибет? Мўғул? деган ҳақоратни эшитганим ҳеч эсимдан чиқмайди, куёвнинг гапини эшитиб.

Куёвим ўз таассуротларини сўзларкан ўзимни ўша гўзал манзилда, денгиз қирғоғида, тоғлар чўққисида бўлгандек ором олардим. Ҳамма қизиқиш билан тингларди.

Хотиним Минавархон бу гаплардан хурсанд бўлганини билдириб ёшларга ибрат тариқасида:

— Бизлар, тўйдан кейин «асал» саёҳатини ўйлаш қаёқда, деб ўтмиш азобларидан оғиз очган эди.

Қайнимнинг хотини: — Ҳой, Ойба! Ундоқ деманг! — Сизлар ҳам поччам билан совет даврида хўп давру даврон сургансизлар! Сизлардан Сочи, Кисловодск, ҳатто Чехословакиянинг Карлови-Вариси ҳам қолмади. Бир марта эмас, эр-хотин ҳатто теппа-текин путёвка билан неча марта бориб келгансизлар.

— Муҳаббатхон, бир томондан сиз айтгандек тўғри, лекин, бундай гапни ҳамма айтганда ҳам сиз айтма-сангиз ярашарди.

— Ҳайрон бўлган Муҳаббатхон:

— Нега Ойбажон?

Минаввархон ранжиганини яшириб, ҳазилга олиб:

— Қандай жойларга борганимизни айтдингиз-у, ўттизинчи йилларда Украинага нега борганларимиз-ни... деди-ю кулиб у ёғини айтмади. Кутилмаган бу гапдан бошига болга тушгандек Муҳаббатхон жим бўлиб қолди, у ичидан гапирганига пушаймон эди.

Шўро давридаги очарчилик, ҳатто менинг бошимга тушган қамоқ азоблари, болаларимнинг тирик етим бўлиб қолгани, она тилимиз, миллий урф-одатлари-миз, юртимизни босиб олганлар томонидан оёқости қилинганларига гувоҳ бўлган Муҳаббатхоннинг «Совет вақтида» даври-даврон сургансизлар дейиши ўринсиз эди, хотинимнинг нафсониятига тегди. Умри узоқ бўл-син, мени ҳам ранжитган эди.

Ўйланмай айтилган гап мўлжалсиз отилган ўқдек ўзига тегди, дерди Комилхўжа.

Минаввархон жуда бошлаб жавоб берди:

— Фақат Сиз айтган шаҳарлар, мамлакатларга эмас, қулоқ қилиниб Украинага борган кезларимизда биласизми, Муҳаббатхон, ўн-ўн бир ёшларимда яхши ўқиганим учун қулоқнинг қизи бўлишимга қарамай ҳатто Қримдаги «Артек» пионерлар лагерига ҳам борганман. Яхши кунлар бўлган!

— Лекин... «Артек»ка бориб келганимдан кейин қувончимни, кўрганларимни, айниқса, Ялтанинг гўзаллиги, тоғ ва денгиз ҳақида шодлигимдан ичимга сифмасдан онамга гапириб бердим: Аммо ойимнинг юзларида қувонч кўринмасди, билмадим, нега? Аммо мен онамни кўнгилларини очиш очун:

— У ерда ҳамма нарса бор. Анча ўртоқ орттириб келдим. Биз турган «Артек» жаннат! Ҳавоси, мевалари... Мен шу ҳақда гапирарканман, негадир ойим мени кучоқларига босиб олиб, бошларимни силаб, бирданига хўнграб-хўнграб йиғлай бошладилар. Албатта, бу мени соғинганларидан, гапларимни эшитиб хурсанд бўлганларидан йиғлаётган бўлсалар керак, деб ўйла-

дим. Йўқ! Мен гапирганимда хаёллари бошқа ёққа ўз юртимизга кетган экан. Бағирларига яна ҳам қаттиқроқ босиб:

— Ширин қизим! Сен, Қрим гўзаллиги, мевалари, денгиз, сувларини кўриб келибсан. Пешонамиз қурсин, қизим. Сен, Қўйликдаги боғларимиздаги ишкомишком узумлар, олма-ю, хилма-хил нок, анжирларни эслолмайсан! Улар ҳеч юртда йўқ неъматлар эди. Вой, боғларимиздаги сайроқи қушлар! Улар ҳеч ерда йўқ қизим! Сен денгизни гапирасан, билмайсан, боғимизнинг ўртасидаги ариқдан шилдираб сув оқардики, ҳеч қулоғимдан кетмайди. Ишкомлардаги узумларни қўриқлаб оканг чалган тарақа-тарақнинг овози ҳали-ҳали эшитилгандай.

Сен бир-икки ойгина лагерда бўлиб келдинг! Ахир бизлар қизим, йил бўйи жаннатнинг ичида яшардик-ку! Мана энди ўз юртимиз, ҳаммасидан айрилиб бировларнинг вайрона, чалдивор уйларида ўтирибмиз! Ўз юртимизни, она қизим, ўша жаннат боғларимизни кўриш насиб этармикан деб, — бағирларига босиб йиғлаганлари эсимдан чиқмайди. Мени гапларимдан уй-жойимизни эслаб, соғинганларидан, ўпкалари тўлиб турган экан. Ойим кўз ёшларини артиб:

— Қизим, яхши ўйнаб келибсан, энди ўз юртимизга қайтишни худодан сўрайлик, — деган эдилар.

Менинг гапларим сабаб онам ўз ҳовли-жойлари, боғ-роғлару ўсган ерларини соғиниб кетган эканлар, йиғлаб-йиғлаб хуморидан чиқиб олдилар.

Бу гапларни эшитган Муҳаббатхон ҳам ҳозиргина айтган гапларини эсидан чиқариб кўзига ёш олиб:

— Менинг отамлар ҳам ватанларини кўролмай қамоқда ўлиб кетдилар-ку, кеннойижон. Қандай армонда ўлганинлар!.. — Икковлари бир дам қўшилишиб йиғлаб олишди. Атрофидагилар икковларига ҳайрон бўлиб қараганлариданми: — Эй, у кунларни ҳеч кимнинг бошига солмасин, — дея кўз ёшларини артиб, — хўп замонлар бўлганди, деб кулишди. Минаввархон кўз ёшларини артиб:

— Ўз Ватанинг бўлмай, қувғинда хўрланиб яшасанг, ўз юртимиз Ўзбекистон эсимизга тушганда, ҳеч нарса, «Артек» эмас, Карло-Варида олган дамларимиз ҳам, бошқаси ҳам татимай қоларди, Муҳаббатхон.

*Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,  
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.*

Худо раҳмат қилсин буюк Навоий ҳазратлари хўп айтганлар! Ватансизлик азобини бундан ортиқроқ изҳор қилиб бўладими!

Минавархон кўзёшларини артиб:

— Набирам билан куёвим тунислик арабга — бизлар Ўзбекистонданмиз, — деса, — Муслим!.. Ўзбек, — деб бағрига босибди. Ўзбекистон ўзбеклар ватани эканини, ўша араб ҳам энди билибди-ку! Бундан катта бахт борми!?

— Бу кунларга етганимизга шуқр. — Муҳаббатхон ўзини хатосини сезиб қолди шекилли:

— Ойбажон, шўро ҳукумати қриб кетсин. Нимасини мақтайман! Ҳар ҳолда яхши томонлари ҳам йўқ эмас эди, қуриб кетгурнинг. Мустақил бўлдигу, аммо ҳамма бирданига тенг бўлди кўйди, дейсизми!.. Анталияга ҳам ҳамма бора олади дейсизми?

Гапи охирига етмасдан шу вақт ҳовлимизда бирдан қий-чув кўтарилиб, ушла-ушла, қув-қув, деган бақриқ-чақриқлар эшитилиб қолди. Меҳмонлар, уйдагилар ҳаммамиз ўғри-пўғри қочиб кириб қолганми, деб югуришиб ҳовлига чиқсак, ўғри қаёқда!.. Кўшнимиз Собир индамаснинг кўчадаги боғлоғли новвоси бошвоғини узиб ҳовлимизга кириб қолган экан. Қувган сари у ҳовлини гир айланиб шаталоқ отарди. Яқинлашган одамни икки орқа оёғи билан тепмоқчи бўларди. Бир дам тўхтаганда, кўзи бежо пишқиради.

Ҳароми ўлгур ҳаммани бесаранжом қилди. Бир дам ваҳм, бир дам кулги бўлди. Собир индамасдан бошқанинг моли бўлганда ҳаром ўлгурни сўйиб ташлаш керак, ҳаммаёқни вайрон қилди-ку дея сўкинардим. Собирга бундай қилиб бўлмасди. Бу буқача Собир индамаснинг кўз қорачиғидек асраб боққан моли бўлгани учун тутиб олиб кетгунча индамай қараб турдим.

Собир индамасни хафа қилиб бўлмасди. Тирикчилиги ҳам шу буқачага боғлиқ бўлиб қолган. Ҳатто бутун гулзоримни янчиб, ҳовлимни увунтўда қилиб кетганда ҳам қаттиқ-қайирим гап айтиш инсофдан бўлмасди.

Собир индамаснинг молининг зарари теккан бўлса

ҳам ўзи жуда мўмин, беозор, биров билан иши йўқ, камбағал одам эди. Бутун тирикчилиги, рўзғори шу новвосдан эди. Ҳар куни эрталаб азонда тизгинидан ушлаб уйдан олиб чиқарди-да, то қоронғу тушгунча маҳалла кўчаларидаги ариқларнинг икки ёнидаги ўтларни едириб боқади. Шунинг учун кўчаларимиздаги ариқларнинг четларидаги ўтлар худди қайчи билан қирқилгандек теп-текис бўларди.

Новвос ҳовлимизга кириб қолгани сабаб бўлиб ундан:

— Тик оёқда юриб кўчама-кўча мол боққандан бир энгилроқ иш топсангиз, нафақага қўшимча ёрдам бўлмасмиди, Собиржон?

— Қоровуллик ёки фаррошлиқдан бошқага ярамайман. Қоровуллик қилгандан, 30—40 минг сўмга бузоқ олиб гунажинми, новвос қилиб сотсам, пойда кўпроқ чиқяпти. Ем-ҳашак ҳам мана кўриб турибсиз текин! Эрмак!.. Яна бир нарса демоқчидек бўлди-ю, аммо одати бўйича камгаплиги тутиб, гапирайми, гапирмайми дегандек ерга қараб туриб қолди.

— Ҳатто мендан папиросга пул сўрайдиган, иш ёқмаслар бор! — деган жавобни қилди.

Бу гапи бировдан қарзимиз йўққа ишора эди.

Очиқ қолган кўча эшигидан бошвоғини узиб, шаталоқ отиб ҳовлимга кирган Собир индамаснинг новвосининг «ушла-ушла, тут-тут» тўполони уйда ўтирган ҳамма меҳмонларни ташқарига чиқартириб, уйдаги ширин суҳбатни бўлиб қўйди.

Яхшики мардикор хотин кетмаган экан, новосни ушлашга журъати етди. Собир индамаснинг қўлига бошвоғини топширди.

Барака топ деб энгил тортдим. Икки камбағал бир-бирларининг аҳволини ҳис қилиб жон куйдиришларидан кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ахир, фақат аёл меҳмонлар эмас, эркалар ҳам бор эди-ку!

Бу ғалвадан бировлар кулди, бировлар Собир индамаснинг аҳволига ачиниш ўрнига уни айбдор қилди.

Битта новдаси синдирилган гулга ачинганлар бўлди-ю, минг афсус, Собирнинг аҳволига ачинган бўлмади. Эркак меҳмонлар маишат билан, аммо аёлларнинг хаёли Анталиядан неварам олиб келган турли хил совға-салом, молларда эди. Совет даврида ўзбек

Ўзбекни мақтаса, қўллаб-қувватласа миллатчиликда гу-  
мон қилинар эди. Хатарли эди. Худога шукурлар бўлсин-  
ким, ўз она тилимиз, ўз Ватанимизнинг эгаси бўлдик.  
Мустақил бўлдик... Мана энди бир-биримизга қанча  
меҳрибон бўлсак, бир-биримизга меҳр кўрсатсак ҳеч  
ким нима қилипсан, деб айбламайдиган замон келди.  
Аммо бу, ана энди Худо берди, хоҳлаган касбингни  
қил, пул топ, ўзинг учун ўл етим деганидек тушунча  
пайдо бўлди-ю, миллий эътиқод сусайди.

Собир индамас билан мардикор аёлнинг тақдирига  
қайғуриш аломати у ёқда турсин, бундай бепарволик-  
лар қаердан пайдо бўлди? Кўпчилик меҳмонларнинг  
хаёлларига келмасди, нега?

Халқнинг тақдири, Ватан тақдири! Бу ҳақида қай-  
ғуришчи!

*Яна боғларимга куз ранги кирди,  
Нақадар чиройли, нақадар гўзал!  
Заррин поёндоздек барглар тўкилди,  
Ҳар япроқ гўёки ўқирди ғазал,  
Бу Ватан меники, бу гўзал Ватан!*

*Баҳор чиройига қиёс йўқ асло,  
Таъриф этолмайман ожиз тилимда,  
Ёмон кўздан уни асрасин Худо,  
Унинг меҳри сўнмас бир дам дилимда,  
Бу Ватан меники, бу гўзал Ватан!*

*Гул, райҳон исимас мен учун азиз,  
Ҳатто муқаддасдир ундаги ғубор.  
Боболар қолдирган бу тупроқда из,  
Буюк боболарнинг қутлуғ ҳоки бор,  
Бу Ватан меники, бу гўзал Ватан!*

*Дўстим, кўнглимдаги бу ҳайқириқдан,  
Зарра туғилмасин дилингда озор.  
Ҳаммага баробар мулкдир бу Ватан,  
Қани шу ҳис!.. Тилим айтишга ночор.  
Бу Ватан меники, бу гўзал Ватан!*

*Ҳали кўнглимда йўқ ором, ҳаловат,  
Мангу сургим келар ҳаёт нашъасин.  
Ёлғон, ҳасад каби разил, касофат,*

*Чил-чил қилар баъзан кўнгил ойнасин,  
Бу Ватан меники, бу гўзал Ватан!*

*Баъзида ноҳақлик, рўй берса риё,  
Бу менинг юзимга доғдир, маломат.  
Кўзимга қороғу кўринур дунё  
Бу ватан шаънига бўлган ҳақорат!  
Фарёд солмайсанми! Ватан меники!*

*Топилган шараф-у, қилинган гуноҳ,  
Ватаннинг шаънини акс этар кузгу.  
Наҳот, қалбимизни тарк этса, ногоҳ,  
«Бу Ватан меники» деган ҳис, туйғу!  
Мангу тарк этмасин! Ватан бизники!*

*Она Ватаним деб атайди ахир,  
Жаҳон туркийлари Ўзбекистонни.  
Қанчалар шараф бу, қанчалар фахр,  
Наҳот, қурбон қилсак арзимас жонни!  
Биз соҳиб Ватанмиз! Ватан бизники!*

Набираларимнинг Анталия сафари ҳақидаги завқ билан сўзлаган таассуротларини эшитиш, қанчалик оромбахш бўлмасин, аммо Собир индамаснинг новвоси сабаб бўлиб ҳовлимизда бўлиб ўтган қий-чув, мардикор хотиннинг унга жонкуярлиги сабаб бўлиб, очарчилик, муҳтожлик йилларидаги одамларни эсимга солди-ю, қувонганимдан ўзимдан ўзим беихтиёр кулиб юборганимни билмай қолдим. Ҳа, оғир кунларда ҳам севинчли кунлар бўлган, ҳа бўлган. Бири: Хотинимни Шамси опанинг совунини ўғирлаб нега кир ювгани, яна Коммунист Ойша опанинг шафтоли данагидан чой қайнатиб қандай даври-даврон сурганини. Бизларнинг ташқари ҳовлимизда болалар боғчасида мудира бўлиб ишлаган Ойша опа деган татар хотин турарди. Шамсиқамар деган қизи бор бўлиб, ёлғиз ўғли армияда.

Уруш, очарчилик йиллари отам вафотларидан кейин опаларимга мерос қолган ташқари ҳовли сотилди. Бу борада қизи Шамсиқамар ўлиб, ёлғиз қолган Ойша кўчада қолмасин, деб кексайган онамга ҳамроҳ бўлар деган мақсадда уйимизга олиб чиқдик. Фақат

битта ўзи чиқди. Чунки, бор нарсаларини сотиб, еб бўлиб, ётадиган битта кўрпа-ёстиғидан бошқа нарсалари қолмаган эди.

Мана давру даврон суриш! Ойша опа партия аъзоси эди.

Ойша опа бир куни эрталаб тургандан кейин, чой ичмасдан, чунки ичадиган нарса йўқ, қўлида халта кўтариб, худди бозор қиладиган одамдай кўчага кетаётганда, ундан:

— Ҳа, йўл бўлсин, десам:

— Райкомга, взнос тўларга, деди.

Ё тавба! Ўзи нима аҳволда-ю, яна взнос тўлармиш!

Тушдан кейин бир нарсалар солинган халтасини кўтариб қайтиб келди-да, ҳовлимизнинг бир чеккаси-га халтасидаги нарсани тўқди. Нима экан деб қарасам, шафтоли данак. Буни нима қилар экан деб ҳайрон бўлиб:

— Ойшапа, бу шафтоли данак аччиқ, еб бўлмайди, нега олдингиз, — деб сўрадим.

— Эй, Шукрулла, ёқарга ўтин борми? Оларга оқча қоя! Шафтоли данак офтобда қуригач, ёқам! Самаварда чай қайнатарга, бошни ювмакка сув иситарга бик ярий!

Емакка нони, ёқишга ўтини йўғ-у... Яна шу аҳволда райкомга взнос тўлагани боради!

Эътиқодни қаранг! Лекин буни эътиқод деб ҳам бўлмасди!

Бу унинг онгига, қалбига сингдирилган эътиқод эмас, кулоқларига қуйилтира бериб туғдирилган эътиқод эди. Ойшапа ўзи чала савод коммунист эди.

Ёз кунларидан бирида унинг шафтоли данакни офтобга ёйиб ўтириб, ўзича айтаётган қўшиғини эшитиб қолдим:

*Ай, дунё тўйдим синнан!  
Синдала тўйдингми, миннан!  
Шуши ёшларимга келиб  
Ни рахат кўрдим синнан!*

\* \* \*

*Пароход кила, пароход кита,  
Пароход кўрмий калабиз.*



*Яш ғумрлар узиб бора,  
Рахат кўрмий калабиз.*

*Кича қилган пароход  
Яшилмикан кўкмикан?  
Ўтган ғумр узб бора  
Қолгон ғумримиз кўпмикан!*

*Дўстларим бор дисамда,  
Дисамда димасамда,  
Ҳолларимнинг йўқ билучи,  
Ҳазир улам дисамда!*

Мана бу кўшиқ очлик аламларига, ёлғизлик хўрликларига тўлиб турган юракдан ҳайқириб, отилиб чиққан эътиқод эди.

Очликда бегонанинг мулкига хиёнат қилмай, инсоний қиёфани унутмай эътиқод билан яшаш... Гоҳо Ойша опанинг чой қайнатиш учун териб келган аччиқ шафтоли данаклари орасида битта-иккита ширин ўрик данак чиқиб қолса, ўзи емай менга, онамга бериши, ҳозирги ҳаётда айрим одамларнинг ахлоқини ёдимга тушургудек бўлса, ёқамни ушлайман! Қаёқдан бундай меҳрибонлик! Қанақа одамлар бўлган улар! Оғир кунларнинг, ўша замоннинг бирдан бир қувончи эди.

Тўйиб ейишга нон топилмайдиган замонлар. Заборнийга берадиган нон қачон дўконга келаркан, деб эртадан кечгача лабинг гезариб ўтирадиган замонлар. Лекин ўша оғир кунларнинг қувончи ҳам бор эди.

Кўчамизда Ҳамро хола деган хотин бўларди, эри қаердадир қоровуллик қиларди. Камбағални эркани эмас, теккани бўлади, дегандек, Худо фарзанддан берган эди. Олтита кетма-кет туғилган кичкина-кичкина қизалоқлар, бир арзанда ўғли бор эди. Куз кунларидан бирида бировни қўлида кўрганми, арзандасининг қовун егиси келиб, хархаша қилади. Нима қилсин? Бисотида қолган чегаланган чинни пиёласини деҳқондан ўн-ўн бешта сапчага алмаштириб келади. Халтадаги нарсасини кўрган кўчадаги кўшнининг болалари:

— Хола, халтангиздаги нима, деб қизиқишиб сўрашганда, сапча — деб ростини айтса, бериши керак бўлади. Нима дейишини билмай хаёлига шошилиб картошка

келади-ю картошка деб қутулади. Лекин уйга кириб болалари лаззатланиб, сувларини оқизиб ейишларини кўрганда, кўчадаги ташна, оч қўшни болалари кўзига кўринади-ю, кўзига ёш олиб, раҳми келиб ўзи ейдиганини уларга олиб чиқиб беради.

Саводсиз, оми қўшнимиз Ҳамро холадаги бу саховат, бу олийжаноблик қаёқдан? Қийинчиликларни бошдан кечирганиданми?

Булар, маҳалламизга ҳовли эгаси қариндошлари ўлгандан кейин унинг ҳовлисига қишлоқдан кўчиб келиб туриб қолган эдилар. Баъзан туғилган қишлоғига борганда олиб келган жўхори унидан зоғора нон ёпса, исидан умидвор бўлди, деб ён қўшнисига битта-яримта бўлса ҳам нафсидан қийиб чиқарарди. Оч ўтирган қўшнилари ичларидан худо етказди, деб қувонарди-ю, аммо, одамгарчилик юзасидан:

— Ҳой, нима қилардингиз, болаларингиз кўп, ўшалар есин, деб тил учида айтишларига қулоқ солиб ўтирмай, худди тандиридаги нони куйиб кетаётгандек орқасига қарамай чиқиб кетарди.

Оғир кунларнинг қувончи мана шу эди! Меҳрда эди!

Одамларда меҳр-оқибат бор эди, ҳали тамоман ўлмаган эди. Одамлар бир-бирларига суяниб яшаган эдилар. Бир-бирларининг аҳволларини билардилар. Меҳр бор эди. Оғир кунларда таскин берадиган битта қувонч фақат мана шу бир-бирига бўлган меҳрдан эди. Оғир кунларда шундан бошқа қувонч йўқ эди.

Мен, бу оддий одамлардаги бундай саховат, меҳрибонликни кўрганимда, булар олим бўлмаса, ёки ўзига тўқ кишилар бўлмаса, ахир, бу буюк инсоний фазилат уларда қаердан? Қандай қилиб? — деб ўзимга-ўзим такрор-такрор савол берардим. Бунинг жавобини отамдан олган эдим.

Худо раҳмат қилсин, отам мулла одам эдилар. Буюк шоир Фафур Фулом отам ҳақида «Юсувхўжа қори ака Фурқат, Муқимийлар қаторида маърифатпарвар зот бўлганлар» деб ёзганидек, отам халқимиз, миллатимизнинг тақдири, унинг урф-одатини яхши биладиган одам бўлганлари учун: Мол-давлатга ҳирс қўймаслик, саховат, бағрикенглик, ўзи қилган яхшилигидан ўзи қувониб, очлигини ҳам унутиб яшаш, булар кўпчилик

Ўзбекнинг қонига сингиб кетган одат, бу оч-тўқликка қарамайди — дедилар.

*Майли, зарраларга айлансин юрак  
Меҳр, дўстлик бўлиб сингса ҳар танга!  
Шеър, юрак менга не учун керак  
Яхшилик қилмаса агар инсонга!*

Отам яна:

Феълни одатга айланиши бу осон эмас!

— Яхшилик қилиш — бу ҳақиқий инсоний вазифа, бу одамгарчиликка киради. Сен ўғлим, бировнинг юкини енгил қилдинг, ёки йиқилганни суядинг, бу яхши фазилат, аммо ҳақиқий одам бўлиш учун бу одатга айланиши керак — дедилар—да ҳазил тариқасида:

— Мана битта сенинг ўзингга неча марта ташқари ҳовлининг эшигини ёпиб юр, дейман, ҳар кириб чиққанымда разм соламан, очиқ қолади.

Опангга, келган меҳмонни ковушини тўғрилаб қўй, деб айтиб ўргатолмадим, бу сенга одат бўлмаган. Гапимни эшитиб сен: — Хавотир олманг, унча-мунчанинг ковушини тўғрилаб қўйиш қўлимиздан келади, деб ҳазилга оласан. Ҳа бунақа иш ҳозиргиларнинг қўлидан келади ёки бировни юкини савоб учун енгил қилиш, йиқилганни суяш, ногиронларга раҳм қилиш бу ҳам албатта яхши, аммо, бу кам. Кимки кўпларнинг мушкулини осон қилиш учун жон куйдирса, қайғурса, буни одат дейди! Ойша опа, Ҳамро холадаги сахийлик одатга айланган эди.

Ноҳақ жабрланганни эшитгудек бўлса, уйқуси қочиб, ўзи учун буни азоб деб ўйламай, ташвиш қилса, ўзи емай бировларга едириб, ўзи киймай бошқаларни кийдирса, бу дардга айланса, меҳмонга борини қўйиб шундан лаззат олиш дардга айланиб тақрорланидаган бўлиб қолса, ана буни энди одат дейилади. Ана буни, яхши одат, бундайларни меҳрибон, олийжаноб инсонлар, деса бўлади! Буни ўзбек бўлиб қолибсан-ку дейилади, дерди насиҳат қилганларида отам.

Менинг бахтимга, билмадим, қай феълимга, худонинг марҳамати билан 1942 йили уйланган хотиним Минаввархон ҳам шунақа ўзбеклардан чиқиб қолди.

## ХОТИНИМНИНГ ҲИКОЯСИ:

— Уруш, очарчилик. Мен мактабда муаллима бўлиб ишлардим. Ўша йиллари бувам Тўрахон мингбошидан онамга мерос бўлиб қолган кумуш камарни ҳам, шу даражага етдикки, нонга алмаштиришгача бордик. Уйимиздаги сотишга арзийдиган нарсаларни аллақанчалар сотиб, еб бўлганмиз. Бир ойлик рўза-рамазон ўтиб, ҳайитга икки-уч кун қолган. Қайнона ойимнинг устидаги кўйлак ямоқ тушишга келиб қолган, ювиб сиққудек бўлсам, узилиб тушадиган.

Улуғ айём кунлари битта-яримта қўни-қўшни, қариндош-уруғ келиши турган гап. Болаларимга қилмасам ҳам, ўзим янги киймасам ҳам қайнонамни ямоқ кўйлақда қўйиб бўлмайди. Беш кунликлари бормийўқми... Улуғ айём келяпти. Янгини олиш имкони йўқ. Нима қилиш керак.

Хаёлимга тахмонда турган кўрпалар келиб, қарасам, 1926 йилда буларни хатна тўйларида қилинган кўрпанинг астари унча уринмаган экан. Кўйлақ қилса бўладиган. Кечаси ҳамма ухлаганда, ўтириб ўша кўрпани сўқдим. Пахтасини болохонага чиқариб қўйиб, астарини дазмоллаб, сумкага солиб мактабимга олиб кетдим...

Хотинимнинг гапи шу ерга келганда эшитганлар беихтиёр:

— Вой-вой-ей!

— Вой тавба! — деганларини билмай қолдилар.

Ҳа чиндан ҳам, ҳали ўзи йигирмага тўлмаган ёшгина келиннинг қайнона учун бунчалик қайғуриб, бунчалик ғамини ейишини нима унинг кўнглига солди? Мунча меҳр! Мунча ҳурмат! Кўрпадан кўйлақ тикишгача ўйлашга нима уни мажбур қилди? Ёки қайнонани ўз онасидек кўриш, улуғ айём кунлари йиртиқ-ямоқ кўйлақда қолдиришдан ундаги туғилган андишамиди? Бу андиша, бу меҳр қаердан? Булар ҳаммаси ёки ўз эрига бўлган чексиз муҳаббатининг ифодасимиди?

Миनावвархоннинг бошлаган гапининг давомини эшитмасдан ўзаро:

— Худо ҳаммага шундоқ келин буюрсин!

— Барака топинг!

— Гапиринг...

Лекин хотинимнинг кўзига ёш келиб, томоғига нарса тикилгандек жимиб қолди. Унинг нима дейишини албатта мен билардим. Чиндан ҳам бу гапни айтиш оғир эди. Киши хаёлига келмаган иш қилган эди.

Хотинимнинг бу меҳрини унутиб бўлармиди! Келин бўлиб, шунчалик одамни қадрлаши! Ахир, менинг онам унинг онаси эмас-ку! Қайнона-ку! Йўқ, у, мендан бошқа қайнонамнинг ғамини ейдиган қизлари бор-ку демади! Онамга бўлган бу ҳурмат, бу ғамхўрлик хотинимни дуру гавҳарларга буркаган эри бўлганлигимданми? Йўқ! Ахир, мен тўй олдидан олти кило гурунч билан, бир пойи йўқ шиппак юборган эр эдим-ку! Шунчалик инсонийлик! Шунчалик муҳаббат!

Хотиним кўз ёшларини артиб, эски кўрпанинг астаридан қандай қилиб кўйлак қилганини айтарди-ю аммо мен унинг инсонийлигидан, меҳридан қанчалик қувонмай, хижолатдан ерга кириб кетгудек эдим. Ахир, ўтирганлар орасида «булар шунга таги паст одамлар бўлган эканми, ўғли бор эди-ку деб ўйлаши мумкин эди-ку!

Кўнглимдан нелар кечаётганини хаёлига ҳам келтирмаган хотиним:

— Кўрпа кўп тutilмаган бўлса ҳам, ўн беш йилнинг ичида албатта кирланган, ювмасдан илож йўқ эди. Ювман, десам, сизлар хаёлларингга ҳам келтирмайсизлар, совун йўқ! У замонда совун қаёқда. Совун топиб бўлмасди. Ҳукумат икки-уч ойда битта-иккита кулча совун берса берарди, бўлмаса у ҳам йўқ. Бозордан олишга пул қани! Эр-хотин ишлаб топган маошимиз, ўшани ҳам вақтида берса, бир ойлик нон пулига зўрға етарди. Совун топилмай, ўша йиллари одамлар битлаб кетганидан Чорсу бозорига кираверишда бир одам оғзи тинмасдан «олтин гугурт, киё гугурт», деб битлаб кетишга қарши «ўлдирилган симоб», деб қишинёзин ўтирарди. Шундай замонлар ҳам бўлган. Ювишга совун йўқ, энди...

Шу ерга келганда Минавархон бу ёғини, ё айтмай қўя қолайми, дегандек бир дам жим қолди-ю, кўпчиликни кўзи унга қараб тургандан:

— Биласизларми, совунни қандай топганман? — Бир дам афсус билан бошини тебратиб давом этди: — Ҳовлимиздаги кичкина ҳужрачада ўша вақтда детдомда фаррош бўлиб ишлайдиган эр кўрмаган, қари қиз

Шамси опа деган татар хотин турарди. Ўларча пишиқ, ўларча хасис. Унинг совуни борлигини билардим. Детдомдан орттирган ҳамма нарсасини болахонамиздаги хужрага таширди. Кўрпанинг пахтасини олиб чиққан-нимда бир қутича совунига кўзим тушди: «Шамси опа, битта совунингиз бўлса бериб туRING, ё сотинг», деса-сам, «Ий, минда сабун қоя», — деди.

Қуриб кетгур, бермади. У шунақанги хасис эдики, бир куни қарасам, оёқ кийими қип-қизил бўёққа бўялиб, кўчадан келди.

— Ҳой, Шамси опа, нима бўлди, бўёққа ботдин-гизми, — деб ҳазиллашдим.

— Йўқ, майласа чидамли була, сув утми, бик ёхши була, — деди.

Кейин билсам, болалар уйидаги тунукани мойлаганда бу ҳам сув ўтмайдиган бўлади, деб ботинкасини бўяб олган экан.

Шунақаям хасис! Илтимос килсам ҳам совун бермади, нима илож!

Хаёлимга бир шайтоний фикр келди-да, Худо ўзи кечирсин, деб Шамси опа йўқ вақтида болахонамизга чиқиб, бекитиб қўйган совунидан биттасини олиб тушдим. Совуннинг икки томонида ўйиб ёзилган хатми, чизикми бўларди, ўша чизиги кетгунча ишлатдим-да, яна жойига олиб чиқиб қўйдим.

Шамси опа ишга кетгандан кейин астарликни ювиб, дазмоллаб сумкамга солиб мактабга олиб кетиб, уйга қайтганимда гўё бозордан олиб келгандек папкамдан чиқариб:

— Ойи, мана сизга арафа совғаси, қўйлаклик олиб келдим, — олдиларига қўйдим. Яхши дазмоллаган эканман эскилиги ҳам билинмай кетган эди.

Минаввархоннинг юрак эзиб юборадиган гапларини кўзига ёш олиб эшитиб ўтирганлардан бири:

— Умрингиз узоқ бўлсин, худо ҳамма тилакларингизга етказсин, бу яхшиликларингиз худодан қайтсин, деб қайта-қайта кучоқларди, ёшларини артиб оларди.

Минаввархон миннатдорчилик билдириб.

Ойим қўлларига олдилар-у:

— Эй, болам-эй менга олиб нима қилардингиз, бунинг ўрнига ўзингизга, болаларингизга қилсангиз бўлмасмиди, — деб хотиним билан мени ҳам қўшиб дуо қила бошладилар.

Эртасига ишдан кейин, яхши, машинада тикишни ўрганган эканман, кечаси билан тикув машинага ўтириб кўйлакни тикдим. Арафа куни оймларни даҳлизда ювинтириб, эртасига ҳайитнамоз куни янги кўйлакни кийдириб хурсанд қилиб дуоларини олганман.

Ўша куни онам қатори ичимдан мен хурсанд эдим. Худойим хўп марҳамат қилиб шундай хотинни менга топиб берганидан чексиз хурсанд эдим.

Мен учун ҳам ҳайит эди.

Ахир, шоир Шукрулло онасига битта кўйлак кийдираолмай, ямоқ кўйлакда қолдирибди, деган шармандалик, таъналардан ахир хотиним қутқарди-ку. Оғир кунларда бир-бирига меҳрдан ортиқ севинч бўлармиди.

Фарзанд бўлиб мен қилишим шарт бўлган ишларни ахир у қилди. Мен янги кўйлак олиб беролмасдим!

Ўша замонларда мен нима хаёллар, нима дард билан яшардим, ўзимдан бошқа ҳеч ким билмасди. Фақат ўзим билардим, шу жафокаш хотиним Минаввархонгина биларди. Мени қанчалик қувонтирган бўлмасин, онамга кўшилиб уни мақташдан рости, ўзимни тийдим. Чунки унинг фақат феъли эмас, рашк қилсанг, рашк қилгудек хусни ҳам бор эди.

Ҳолбуки ҳаммага маълум: «Ўзини мақтаган ярим аҳмоқ, хотинини мақтаган тўла аҳмоқ» деган мақолни бекорга айтилмаган. Бу эсимга тушиб сир бой бермай — «Эр хотин кўш хўкиз» деганлари шу эканда, деб кулгига олиб, севинчимни билдириб кўяқолдим.

Ахир ўша вақтда мени иккита опам бор эди. Онасининг ғамини ўшалар еса бўларди-ку! Балки бу бирининг эри халқ душмани деб қамалганлиги, бирининг эри урушда ҳалок бўлиб, тўрт етим онага қарам бўлиб қолгани, муҳтожлигини билганиданмиди? Бундай деса, ахир ўзининг аҳволи ҳам уларникидан ортиқ эмас эди. Ё бу меҳрибонлик ота-онаси йўқлиги, етимлигидан десак, ота-онаси ҳаёт эди.

Минаввархоннинг қилганларини ўйласам, худди уни энди танигадек, «Ё Оллоҳ!» дейман. Ахир у маҳалда ҳали ўзи ёш келин бўла туриб, ўзи дурустроқ кийинишга муҳтож, оч бўлатуриб бировни қувончини ўйлаб, ўзини «Балоларга» дучор бўлишини ўйламай, йўқ нарсани ташвишини қилиб, чора топиб, одамлар очлик-

дан ўлаётган замонда кўнгилига қандай сиққанига, қаёқдан хаёлига келганини, худо кўнгилига қандай солганини ўйлаб-ўйлаб бу менга тинчлик бермасди.

Чин кўнгилдан йиғласа ёш келиши ҳақ экан, се-винчимни яшира олмадим. Кўнглимдаги муҳаббатим шеър бўлиб қоғозга тушди.

*Гулшанда тонг эди. Фунча, капалак,  
Бир ўпич устида тутдим иккисин.  
Капалак узр этди, қаноти билан,  
Димоғимга ўриб гулларнинг исин.*

*Гулга ошиқ эди, бир пушти гулга,  
Гўё истар эди шундан бўсани.  
Тинмай айланарди унинг қошида,  
Севар экан, дедим мен ҳам ўшани.*

*Аммо кўп ўтмади тарк этиб уни,  
Ўзга гулга севги айлади изҳор.  
Бизларнинг севгимиз, муҳаббатимиз.  
Уникидай эмас кўчма, беқарор.*

*Иккимиз умид-ла ошиён қурдик,  
Жужуқлар саноғи бармоқларидан кўп.  
Яшасин уйимиз ва оиламиз —  
Ватандан бир парча жона-жон маҳбуб.*

Шеърни эшитган хотинимнинг юзларига бирдан қувонч инди-ю лекин кўзига ёш ҳам олди. Бу қувонч-данмиди! Ё ғариб кўнгилларда қувонч чоғларида пайдо бўладиган соғинчмиди!

Кутилмаганда бунинг жавобини ҳам хотинимнинг ўзидан эшитдим.

— У: Украинадан Тошкентга келиш тақдирда менга насиб этган экан, ўн тўрт ёшда эдим. Келгунимча не-не воқеалар бу ёш бошимдан ўтмади, деди-ю йиғидан ўзини тўхтатиб узоқ ўйланиб қолди. Кўнгилларидан не-лар кечарди?

Баъзан бизлар ҳаётдаги ҳамма нарсани билиб дунё-нинг тагига етгандай «Ҳа дунё ўзи шу экан-да» деб кўя қоламиз. Аммо ҳаётда қадам-бақадам кутилмаган мўъжизаларга дуч келамиз. Хотиним бошидан кечирган ҳодисаларини сўзласа юрагингизни ҳовучлаб бу ҳам албатта, кутилмаган мўъжиза дейсиз. Оғир кунлар-нинг қувончи ҳам бўлар экан.



## Биринчи мўъжиза

Қулоқ қилиниб Украинага жўнатилганимиздаги очарчилик йиллари эмиш, отамни туш кўрибман. Тушимда, биз яшаган қишлоқда ўлганларга кафанлик топиш ҳам амри маҳол бўлган... фақат кафан эмас. Ўз юртингда ўлсанг қариндош-уруғ бор, бегона юртда ўлсанг, на қариндош-уруғ, на таниш қариндошлар!.. — ҳикоя қилди Минаввархон — Ватандан жудолик, очарчилик! Бу етмагандек яна сени «Халқ душмани» деб ўша ерда ҳам тинчлик бермай қамаш-қамаш бошлашди! Кулфат устига кулфат!

Бу азоб, бу кулфат, бахтсизликлар етмагандек, Украинанинг қор-бўронли совуқ қиш кунларининг бирида ака-ука Амриллохон ва Ҳамидхон Амирсаидовларни халқ душмани деб қамоққа олиб кетишди.

Уларнинг иккаласи ҳам олий маълумотли олим одамлар эди. Гуноҳи нима эди бу шўрликларнинг? Бирлари — Амриллохон инглиз, немис, рус тилларини мукамал биларди. Ўзбек тили, чет тилларидан дарс берарди. Ким билади, гуноҳлари кўп тилларни билганими? Ёки немис тилини билгани учун немис босиб келса, тиллашиб кетади, деб хавфсираганларидан дейилса, укалари Ҳамидхон ҳисобдан дарс берарди. Унда буларнинг гуноҳи нима бўлган?

Икки фарзандидан айрилган она — Қўқонли ая уларнинг доғига чидолмай қаҳратон қиш куни вафот этади. Қамалганларнинг ёш-ёш боласи чирқираб қолади.

Қўқонли ая дейишимизнинг сабаби шу эдики, булар асли қўқонлик бўлишган. Бундан ташқари ая Худоёрхоннинг набираси бўлган. Ким билади, шунга қаманми?

Онани ким кўмади? Қаерга кўмади? Икки фарзанд қамоқда. Мусофир юртда ким фарзандлик қилади? Мусофир юрти, қариндош-уруғ йўқ. Қулоқ қилинганлар орасида обрўга эга бўлган Абдусатторхон, менинг отам, гўрковга хабар бериб, ювғувчи топиб, хуторимиздан бир неча километр наридаги район марказига қор-бўрон, совуқ демай бориб, кафанлик олиб, ҳатто тобутни кўтарадиган эркаклар қолмаган, одамларга зўрға хабар бериб, дафн қилганлар.

Украина ҳақида гап кетса, ҳамма отамни тилга олиб гапиришади. Отам раҳматли битта Амриллохон, Ҳамидхон эмас, тўртга-бешта ёш болалари очликдан шишиб ўлмаслиги учун совхоз даласида энди бош тортган бугдойдан бир-икки сиқим олгани учун қўшнимизни қамашмоқчи бўлишади, «отаси ўлса, ким боқади, бунни қамасанглар, беш бола ҳам ўлади», деб отам аралашиб қамоқдан олиб қоладилар. Қамоқдан қолган одамлар фотиҳага қўл очиб, кўзларида ёш билан дуо қиладир. Отам энди тинчидим дегандек, янги кўрпани устларига ёпиниб уйқуга бош қўйганларида уйғониб қолдим. Уйғондим-у отамнинг қилганлари хаёлимдан нари кетмади, кўзим тахмондаги кўрпага тушиб, қўйлак қилиш хаёлимга келиб қолди.

Оч ва гариб яна эртага қамоқ ҳукми кутиб турган бечорага қилинган яхшилиқнинг қадри ва бечораларнинг қувончини баҳолашга ўлчов топиб бўлармикан! Оғир кунларнинг қувончи шу эмасми!

Мен отамнинг гапларини эсладим:

— Одамни ўлдириб, йўқ қилса бўлади. Аммо руҳига синган нарсани йўқ қилиш осонмас. Ақл ўргатиш мумкин, аммо ўзи бошдан кечирган, руҳга сингиб қолган нарсани кўнгилдан чиқариш мушкул.

Ҳали 14 ёшда эканимда Украинанинг узоқ кишлогидан ёлғиз йўлга чиқиб Тошкентга келгунимча йўлда офатлардан мени кўтариб қолган балки отамнинг кишиларга қилган яхшилиқларининг оқибатими? — деб ҳикоя қилди Минаввархон.

### **Минаввархоннинг иккинчи мўъжизаси**

Мен 1939 йили 7-синфни битирганимдан кейин, биз яшаган хуторда ўрта мактаб йўқ эди. Ота-онам маслаҳатлашиб ўқишни давом эттириш учун Тошкентга юборишадиган бўлишди. Аввалига онам кўнмади, ўн тўрт ёшли, қиз болани қандай ёлғиз ўзини юбораман, деди. Отам ўз айтганидан қайтмади.

Ҳеч маҳал уйдагиларга қаттиқ-қайирим гапирмаган отам, билмадик кўнглида нималарни ўйлаган экан:

— Сенга айтдим, бўлди: боради, дедим, боради, деб бақириб юбордилар.

Бу вақтда онамнинг хавотир олганича бор эди. Ҳали

14 ёшга ҳам тўлмаган эдим. Мен билан бирга кетадиган ҳеч ким чиқмади. Битта ўзимни Тошкентга юборишадиган бўлишди. Отамнинг айтгани бўлди.

Ҳикоямни эшитган меҳмонлар орасида:

— Отангизни дийдаси қаттиқ экан.

— Ёш қиз болани-я, деганлар ҳам бўлди. Лекин, билсак отамнинг бошқа иложи йўқ экан...

Ёз кунларидан бирида отам Скадовский портига борадиган, тагига пичан солинган бричка аравага мени ўтказиб, қўлимда битта чемоданча, хайрлашиб, мени кузатдилар. Ойим йиғлаб колдилар.

Портгача бошқа транспорт юрмаган. Портга кечгача етиб бордим. Одессага кетадиган пароход эртага эрта-лаб жўнар экан. Пулимни ойимлар белимга боғлаб қўйган эдилар. Кийим-кечакларим, оз-моз ейдиган нарсалар билан чамадонимни бошимга қўйиб, пишиқ эканман, кечаси портда одамлар кўп вақтда озгина ухлаб олдим. Кейин азонгача ўтириб чиқдим. Ухлолмадим нуқул ойимларни соғиндим. Уйимизни дарров соғиндим.

Тошкентга кетадиган кунимда отам:

— Қизим, поездгами, пароходгами, билет оладиган вақтингда, вокзал, ёки порт бошлиғининг олдига кириб, қаерга боришингни, ўқишга кетаётганингни айтиб ёрдам беришларини сўра, — деб тайинлаган эдилар.

Одессага етиб, Москвага борадиган вақтда шундай қилдим. Одессада вокзалнинг бошлиғи хотин киши экан. Эшиқдан киришим биланоқ, қиз бола нима қилиб адашиб юрибди, дегандек қараб, кел, қизим, деди. Отам тайинлаганларидек, Москвага, ундан Тошкентга боришимни айтиб, билет олишга ёрдам беришини сўрадим. Шундай узоқ йўлга бир ўзим чиққанимга ҳайрон бўлиб:

— Бир ўзингмисан? — деб сўради, ишонмасдан, гумонсираб.

Ўн тўрт ёшли қиз бола дунёнинг бир чеккасидан бир ўзи...

Албатта бу эшитган ҳаммани ҳам ҳайратлантирарди. Ахир бизлар болаларимизни ўзимизнинг маҳалламиздаги ёки шаҳардаги бирор жойга бориб кел, деб юборадиган бўлсак, албатта, кечга қолиб, яна хавотир

олдирма, ёмон одамлар бор, деб тайинлаймиз. Сиз борадиган жой бир кунлик, икки кунлик эмас, аравадан пароходга, пароходдан поездга... Бундан ташқари йўлда ўғри-ўтик бор, адашиб кетар демасдан...

Кимдир:

— У маҳалларда ҳам тўғри, ўғрилар бўлган, лекин инсофли бўлган, ҳозирги замондагидек ёш қизларни ўғирлаб зўрлаш ёки бадалига ҳақ талаб қилувчилар бўлмаган.

— Нима бўлганда ҳам бегона шаҳарларга хавотир олмасдан...

— Ҳой тўхтанглар, Минавархон, ахир, бир ўзингиз эсон-омон Тошкентга етиб келдингизми? Шуни эшитайлик.

— Отам ҳам, ойимлар ҳам сизлар айтган гапларни ўйлашган, улар ҳам хавотирсиз юборибди, деб ўйламанглар, хавотирлари бўлган, лекин ёлғиз бўлсам ҳам отамнинг мени Тошкентга юборишдан бошқа иложлари бўлмаган...

— Сиз бормасангиз, Сизсиз Тошкент одамсиз қоларканми?

Ҳамма ўртадагилар бир кулиб олишди.

Булар кулардилар-у, аммо қизини ёлғиз юборишга юбориб қўйиб эсон-омон етиб келдим деган хабарни олгунча ота-онанинг тортган азобини, бу дарбадарлик, хўрликлар азобини кулаётганлар ҳис қилишармикан? Уларнинг тортган аламлари, бардошларидан хулсоа чиқаришарми? деб, ўйлардим.

— Отамнинг дарди бошқа эди ёлғиз бўлсам ҳам юборишдан.

Ўғлим Киевга, қизим Харьковга кетса, бизлар Тўра-хон мингбошининг авлодимиз-ку, наслимиз нима бўлади, деган ташвиш уларни қийнаган. Нима бўлса ҳам ўз туғилиб ўсган юрти, қариндош-уруғларининг орасида бирор кўнгилга ёққан топилар... гайридин билан қўл ушлашиб кетмасин... Мени юборишдан мақсади, ташвиши ҳам шундан эди.

Минавархоннинг гапи шу ерга келганда давомини ҳам эшитмай кимдир:

— Отангизга минг раҳмат денг, Худо раҳмат қилсин отангизни, у ерда ўқиб қолиб кетсангиз. Шукруллодек шоирни қаёқдан топардингиз.

Минаввархоннинг ўша заҳоти:

Гапингиз тўғри, Тошкентга бекорга келганманми? Шоир Шукрулло борлигини эшитиб, тегаман деб қидириб келганман-да, — деб айтган жавоби самимий қулгига сабаб бўлди.

Ҳамма қулди-ю, нима учундир Минаввархон бир дам жим қолди.

Хаёлига нималар келди? Унинг тортган машаққатларини ҳам, тўю бахтини ҳам кўрмай, қамоқ лагерида бевақт оламдан ўтган отасини эсладими ёки босиб ўтган йўл хотиралари давомини айтиш хаёлига келдими?

— Ҳар нечук, ўша кунларни эсласам, нимасини айтай!.. Одессадаги вокзал бошлиғи хотин киши менинг ёлғиз ўзим йўлга чиққанимга ишонганидан кейин, юр, қизим, деб қўлимдан ушлаб билетга навбатда турган юзлаб одамларнинг олдидан ўтиб, биринчи бўлиб олиб бериб, яна вагонга қандай чиқишимни тайинлаганларини эсласам, Худо ҳақи ўша одамни соғинаман!

Вагонга чиққанимдан кейин битта хонасига кириб чемадонимни ёнимга қўйиб ўтирдим. Поезд юргандан кейин ҳам ёнимга ҳеч ким кирмади. Битта ўзим ўтирдим. Кечки вақт эди. Кўрқиб кетдим. Бир вақтда, эшик очиб проводник хотин кирди. Битта ўзим ўтирганимни кўриб, битта буямас, ҳамма нега битта ўзим кетаётганим билан қизиқиб қоларди. Баъзилар қорароқ қиз бўлганим учунми, унинг устига битта ўзим бўлганимгами, лўли қиз деб ҳам ўйлашарди.

Проводник хотин билетимни кўриб мен билан бир оз гаплашди-да юр, бўёққа, деб ўзи турадиган хонага олиб кирди. Чой дамлади, оч тўқлигимни сўради. Ойимлар берган еядиган нарсаларни олиб қўйдим. Кечаси оқ чойшаблар солиб ётқизиб ухлатди.

Ўша вақтдаги одамлар, билмадим, қанақа бўлганлар, бир-бириларга жуда меҳрибон бўлган экан. Москвага етгунимча оч-тўқимдан хабар олди, овқатлантирди. Ана оғир кунларнинг қувончи!

Поездда кетаётганимдаги ўша жойлар кўз олдимга келса, шунақа ҳам чиройли эдики, атрофни гўзаллигидан, одамларни яхшилигидан неча кун йўл юрганимни ҳам билмай қолдим.

Деразадан қараб кетаман, икки томон кета-кетган кўм-кўк ўрмонзор, баъзан поезд лоп этиб бир чеккаси осмонга бориб етадиган олтиндек товланиб ётган буғ-дойзорларга чиқиб қолади...

Ҳикояси шу ерга келган Минаввархон нима учундир бир дам жимиб қолди. Бир хўрсиниқ билан давом эттирди:

— Билмайман, атрофнинг гўзаллигиданми, завқланганимданми, ё ойимларни, уйимизни соғиниб кетганимданми, йиғлаб-йиғлаб ҳам олардим.

Шундай чоқда, аҳволимни кўрган проводник хотин, билмайман, хаёлига нималар келарди. Ота-онанг борми? — деб сўраб қоларди. Ҳақиқатан ҳам соғиниш ёмон бўларкан, ёшимни артиб, бошимни тебратиб кўярдим.

У сўраган сари уй-жойларимиз яна эсимга тушарди. Фақат у ерларни, ўз ватанимиздан маҳрумлигимиз демасак, кулоқ бўлиб кетган бўлсак ҳам бизлар бу ердигилардан ҳам яхшироқ яшардик.

Бизлар яшаган хутордаги уйларда, ҳа, у ердаги қишлоқларни хутор дейиларди. Хонадонлар билан хонадонлар ўртасида девор бўлмасди. Тўрт томонимиз очиқ дала бўларди. Баҳор келиши билан совхознинг трактори ҳаммамизнинг ермизни бир қилиб ҳайдаб кетарди. Ҳамма ўзи хоҳлаган экинини экарди, ерларимизни кўпинча пистачка экиб ажратиларди. Эй, у ерларда шунақа ҳосил бўлардики, ҳар бир пистачка баркашдек-баркашдек келарди. Ери жуда серҳосил эди.

Баъзан хаёлим йўл-йўлакай Украинадаги уйимизга кетса баъзан Тошкентга борганимда қандай бўларкин, деб ҳам ўйлардим.

Поездда бир кунча юрганимдан кейин, эртасига кечга яқин кичикроқ бир разъездда тўхтади. Тўхтаганда ҳам сал тўхтаб ўтаркан. Эсласам, юрагим орқамга тортиб кетади. Худо ўзи бир асради, эсласам ҳали-ҳали воҳма босади. Яхши одамларнинг меҳри офатдан омон сақлаб қолди.

Қарасам, разъездда беш-олтита хотинлар нок, олма, ҳар хил меваларни челақларда сотиб ўтирибди. Кўзимга яхши кўриниб кетди. Шунақа ҳам чиройлики, олмасангиз ҳам олгингиз келади. Кўриб егим келиб кетди. Боламан-да. Вагондан тушиб идишим ҳам йўқ, олма,

нокларни этагимга солиб энди пулини бергунимча бўлмай, поезд юриб кетар, деб ҳам ўйламапман, поезд юриб кетди. Қўрққанимдан жон ҳолатда югурдим. Бола эканман, шунда ҳам этагимдаги олмани ташламайман. Чопиб югуриб келаётганимни охири вагондаги проводник хотин кўриб, бечора қўли билан менга имо қилиб, яқинлашишим билан қўлини узатиб тортиб олди. Юзимга уриб қўйди. Қандай яхши одамлар бўлган. Мендан ҳам у кўпроқ суюнди.

Ўйласам воҳма босади. Кечки пайт бўлиб қолган. Ҳамма атроф ўрмон, одамлар яшайдиган уйлар кўринмайди. Бир ўзим разъездда қолиб кетсам борми? Худо кўрсатмасин, нима бўлади? Қаёққа бораман?

Ўшанинг ваҳимасида олмани еб Москвага ҳам етиб келдим.

— Ҳозирча, Москвани кўятулинг, — деди феъли Комил дўстимга ўхшаган меҳмонлардан бири: — Шунча ваҳимали нарсалар, яхши одамларни кўрибсиз, яхши одамлар бўлган экан. Борди-ю ҳозир орқага қайтиб, қайтадан ўн тўрт ёшли қиз бўлсангиз-да, энди Москвага эмас, Тошкентдан Одессага поездда бормоқчи бўлиб, Тошкентдаги вокзал бошлиғининг олдига илтимос билан кирмоқчи бўлсангиз қандай бўларди?

Бу кутилмаган савол ҳамманинг кулгисини келтирди. Кулги бўлди.

— Ундами... аввал, албатта, милиция йўлимни тўсиб-қаёққа, деб тўхтатарди.

— Бошлиққа, — дердим.

— Нима ишинг бор? Ёш қиз бола нима қилиб юрибсан? — дерди.

— Билетга...

— Бошлиққа эмас, кассага бор... — менга маслаҳат бериб йўл кўрсатиш ўрнига чемодонимда нима борлигини сўрайди.

Ишонса хўп-хўп, ишонмаса, чемодонингни оч, дейди. Яна сендан пул сўрамаса ҳам ҳужжат сўрайди, ёш бола, демайди.

— Хато қилдингиз, аввал документ кўради, кейин пул сўрайди.

— Отам айтгандек ақлга кирган унутиларқан-ку руҳга синган унутилмас деганлари тўғри экан. Ўша замонларни эмас, ўша одамларни кўргим келади, қўмсайман.

Москвага келганимда ҳам Худо бир балодан асради.

Авзойига назар солсам, яна бошидан кечганларинг давом эттирадиган. Ахир тўй олди, хурсандчилик кунлари бундай кўнгилсиз гапларни энди кўяқолайлик, демоқчи бўлиб оғиз очган эдим, ўтирган меҳмонлардан бирининг:

— Вой кўяверинг, гапирсинлар жуда қизиқ-ку, деганини эшитдим-у дадим ичимга тушиб кетди.

Нимаси қизиқ? Ахир хотинимнинг айтаётганлари қизиқ эмас, юракни ўртайдиган, даҳшатли воқеалар-ку! Мени ҳайрон қилган нарса, шуки баъзи эшитганлар бунинг кўнгилсиз, шўрлик одамларнинг бошидан кечирган кўргуликлар деб тақдири нима бўлади, дебам қайғуриб ҳис қилмасдилар. Ёш қиз боланинг аҳволига ачиниш эмас, йўқ, яна бу ёғи қанақа бўлади, деб эртақ эшитгандек, қизиқиб қулоқ солардилар.

Булардан гина қилиб ҳам бўлмайди. Чунки 14 ёшли қиз боланинг бошидан кечгани бу ҳаёт улар учун ғайритабиий туюлганди. Ҳатто Минавархоннинг ўзи ҳам ўша кунларни афсус билан кўзига ёш олиб эмас, шундай замонлар бўлган, шунақа машаққатларни бошдан кечирганман билиб кўйинглар дегандек, ярим ҳазил, ярим ўзини кўрсатиш тариқасида кулиб бошдан кечган ҳикоясини давом эттирарди:

— Москвага етиб, вокзалдан тушганимда, ҳамма вагонлардан тушиб ҳар қаёққа тарқалиб кета бошлади. Хўрлигим келди. Битта ўзим чемодан қўлимда, қаёққа боришимни билмай туриб қолдим. «Худо бир асради» деганимнинг сабаби шуки, қўлларида, елкаларида юклари билан вагонлардан шоша-пиша тушиб, мен нима дардда эканимни билмай, бири у ёқдан бири бу ёқдан оёқ остимизда нима қилиб ўралашиб юрибсан, деб дакки бериб ўтардилар. Йиғлагим келиб, йиғладим. Билетимга энди Москва — Тошкент деб ёздиришим керак. У вокзалнинг қаерида эканини билмайман. Поезд Тошкентга қачон кетади? Бугун кетса, ҳа-ҳа кетмаса қаерда ётиб, қаерда тураман? Ёмон одамлар бор... Кеч кияпти, шу вақтда ёлғиз турганимни кўриб сочлари таралмаган, эски кийимда иккита бола чемодонимни кўтаришга ёрдам бермоқчи бўлиб олдимга келиб, қўлимдан олмоқчи бўлди. 14 ёшли қиз боланинг фожиали тақдири Робинзон Крузо саргузаштидек дастурхон



атрофидагиларни яна қизиқтириб қўйди шекилли, артистлар келадиган вақт бўлди, қисқароқ қилинг деган имо-ишорамга ҳам парво қилмай гапирарди:

Мен ҳали ҳушимни йиғиб олгунимча бўлмай, шу вақтдан мени кўрибми, хотини билан келаётган бир одам болалардан шубҳаландими, ёнимга келиб, қаерга боришимги сўради-да ёрдамлашмоқчи бўлган болаларга мендан олдин жавоб бериб юборди.

— Яхшики бизлар кўриб қолдик, бўлмаса чемоданингдан айрилардинг, қаерга борасан?

— Тошкентга, — дедим.

— Жуда яхши! Унда мен билан юр! Мен уни кимлигини билмасам... билетни компасир қиладиган жойга олиб борди.

Поезд Тошкентга эртага кетишини билганимиздан кейин мендан:

— Москвада танишинг борми? Кечаси билан эртагача қаерда қоласан, — деб сўради.

Менинг Москвада танишим йўқ эди. Ҳали қаерга боришимни ҳам билмасдим. Ҳайрон бўлганимни биллиб:

— Бизлар билан юр, чўчима, у хотинини кўрсатиб, — Москванинг ташқарисида отасининг боғи бор, бизлар билан бугун ётиб, эртага ўзим кузатиб қўяман.

Мен индамадим. Хавотир олиб, ишонмаганимни биллибми:

— Қизим, мен СССР Олий Советнинг депутати-ман, мана кўрдингми, деб кийимига қадалган белгисини кўсатди.

Ўша куни уларнинг боғида ётдим, овқатлантириб, ўрнимга оқ чойшаблар солиб, худди ўз боласидек ётқизди.

Ўша одамларни меҳрибонлигини ўйласам, азобларим унутилиб кетади. Шу ерга гап келганда, Минаввархон кўзига ёш олди. Ёшини артиб:

Билмайман, улар қанақа одамлар бўлган экан. Буни ҳозиргиларга айтсанг ишонишмайди. Бемеҳр бўлиб кетдик. Қани ўшанақа одамлар!

Ўша одамлар эсимга тушса, кўргим келади, қанақа одам бўлган экансизлар, деб улар билан гаплашгим келади...

Балки ўша меҳр ўғрилардан, ёмон одамларнинг

қўлига тушиб қолишдан сақлагандир. — Қани ҳаммамиз ҳамиша шундоқ бўлсак.

Мана энди, ҳозир мен бориб келган йўлларга 14 ёшли қизни юборишни ўйлаб кўринг. Украинадан, бегона юртдан Тошкентга юборишни эмас, ўз ватанинг Янгийўлга ёлғиз юборишга ҳам хавотир қиласан.

Минаввархоннинг бошдан кечирганларини худди эртақ эшитгандек, ҳамма ҳатто савол бермай, хаёлга шўнғиб эшитарди.

— Хўп одамлар бўлган экан-да!

— Нега ҳозир йўқ? Ҳамма бало, нега ҳозир йўқ, дейдиган одамнинг ўзи йўқлигидан. Ҳа, нега эканлигини ҳозирдан ўйлайдиган бўлмасак, бундан баттар бўлади-ку!

Минаввархоннинг гапи шу ерга келганда эшитганлардан бири:

— Ҳой, тўхтанглар, — деди ва Минаввархонга қараб: — Эсон-омон етиб келдингизми? Шунга гапирсин!

— Ота-онангиз ишониб, хавотир олмай юборишган бўлса, сиз 14 ёшли қиз бола, кўрқмадингизми? Бормайман, демадингизми?

— Ҳа, мен ўзим ҳам кўрқмаган эканман, кўрқаман ҳам демаганлигимга ҳайронман, ўз туғилган шаҳримни кўришга қизиққанымдан, хаёлимга кўрқиш ҳам келмаган эканми? Бундан ташқари, ҳозиргидек ҳар куни одам олиб қочди, одам ўлдирди, одам одамни ебди, деган гаплар қулоғимизга кирмаган, эшитмаганмизданми!

— Ҳозир тарбия бузилиб кетди. Ҳаё қолмади.

— Ҳай, тўхтанглар, гапирсинлар.

— Эсон-омон етиб келдингизми?

— Поезд Тошкентга тўрт-беш кунда келди. Ўйласам, ўзимни ҳам ҳам босарди. Кимникида яшайман? Ҳаётим қандай бўлади. Йўл-йўлакай хаёлимда тақдиримни ўйлаш бўлди.

— Хўп, замонлар бўлган экан-да! Меҳр бўлган экан.

Очарчиликда қора нон есанг ҳам ўлмайсан, бир кунинг ўтади. Тўқ бўлсангу қадринг бўлмаса, хўрлансанг, ажалингдан беш кун олдин ўласан, деди.

— Оч қорним — тинч қулоғим, дегани ўша вақтларда бўлган экан.

Ҳозир очмасмиз-ку, тавба, хотиржамлик йўқ, бир-бирига ишонч йўғ-а!

Кимдир жаҳл билан:

— Нега? — деди.

— Билмайсанми?

— Телевизорда концерт фақат, ашула...

— Бу етмагандек, рекламаларда яланғоч хотинлар, ўйин-кулги, кучоқла-кучоқла.

— Спорт...

— Масжид, мадрасалар кўрсатилади-ю...

— Инсоф-чи!

— Ҳой, Минаввархонни гапиришга қўйинглар.

— 14 ёшли қиз боланинг дунёнинг учбурчагидан бу бурчагига ёлғиз келиши! Қандай етиб келди, нималар бўлди!.. Эшитайлик!

— Тўғри! Одам ишонмайди.

— Тўғри! Тўғри!

Гап шу ерда келганда Минаввархоннинг қандай етиб келганини, нима бўлган бир ёқда қолиб кетди. Сафари баҳона ҳамма ўз дардини, ҳозирда меҳр-оқибат йўқ бўлаётгани, ҳозир одамларнинг бузилиб кетгани, замоннинг ҳасратига ўтиб кетгани. Баъзилар, ҳозирги замонда бундай гапни айтиб бўладими, дегандек, нимадан-дир хавотирланиб бир-бирларига қарашиб кўярди.

Уларга қараб, ичимда шўримиз қурсин, Сталин давридан мерос бўлиб қолган бир-биридан ҳадиксирашдан, ахир қачон қутуламиз! «Ҳозирги замонда бундай гапни атиб бўладими?» деб ўйлашдан кўра, бундай беоқибатлик, ўз нафсининг қули бўлишидан нима қилсак қутуламиз, деб кўпчилик бўлиб чора излаш ўрнига, бир-биримизга ишонмасак, бўлганча бўлар, деб Худо йўлига ташлаб қўйсак, ёшларга қандай ибрат бўламиз!

Биз киммиз!!! Ўзбек халқи наҳотки, бир-бирини туншунмайдиган, бир-бирига қовушмайдиган, шунчалар ноаҳил халқ бўлиб қолган бўлса! — Сталин даври, тўнғиз кўпсин, — деган фикр хаёлимдан ўтди.

Бева-бечораларга Минаввархоннинг отаси кўрсатган меҳру шафқат ёки бегона йўловчининг Минаввархонга кўрсатган ғамхўрликлари ва бугунга келиб бу фазилатлар ноёб ва камёб бўлиб бораётгани кўнглимдан ўтарди. Ҳа, албатта, бемеҳрлик ҳам, меҳрибонлик ҳам бирданига пайдо бўлган эмас, деб ўзимга тасалли бераман.

Одамлар орасида дин пайдо бўлиши билан инсоният бадавийликдан қутулди. Маданият даври бошланди. Дин туфайли гуноҳ билан савобга бир мезон қўйилади. Фақат Совет даврида дин халқни заҳарловчи оғу деб тамға босилади.

Ота-онасига жаноза ўқитган амалдорлар ишдан четлатилди, суннат қилиш, никоҳ ўқиш йўқ бўлди. Бунга ичидан норози бўлган одамлар бир-биридан яшириб иш қиладиган бўлди. Ишончсизлик бошланди, бир-бирига ёв бўлиб қолди одамлар. Халқ қўрқувда яшади.

Ўша даврдаги иллатларнинг оқаваси мустақиллик даврига ҳам етиб келди.

— Шундай етиб келдики, дин эркин бўлди-ю мусулмончиликни унутдик.

— Диннинг хўжайинлари, дин фатволари кўпайиб кетди мана энди «Ҳизбут-т-таҳрир», «Мизбу таҳрир», «толибон»чи деганлар чиқиб қолди! Шу вақтгача динни бешта шартини қилиб келган бўлсак, уни энди хато деб ўргатадиганлар қаёқдан чиқиб қолди! Нима, шу вақтгача уларнинг айтганларини қилмай, бизлар кофир бўлиб келган эканмизми! Кийимни, расм-русумни ўзгартирган билан киши мусулмон бўлиб қоларканми!

— Тўғри.

— Инсофни ўргатсин, ҳалолликни, қизларга ҳаёни, вафони ўргатсин.

— Ана бу — мусулмонлик.

— Айб динда эмас, бозор иқтисодиётида!..

— Сиёсатга ўтманглар, дўппининг тагида одам бор.

— Бундай гаплар совет даврида айтиларди.

Кимдир ўзича кулиб:

— Нима, ҳозир одам қолмаганми?

— Ҳамма гап мана шунда. Одамда ҳам одам бор, — гапни бошқа ёққа бурдим.

— Қани умрини одамларга яхшилик қилишга бағишлаган Абдусатторхондек одамлар?

Бегона шаҳарларда юз бериши мумкин бўлган фожиали аҳволларнинг ваҳимасини ҳатто ҳаёлига келтирмай, қиз болани она юртига ёлғиз ўзини сафарга жўнатиши, бу ҳам миллатига садоқатидан эмасмиди?! «Султон суягини хўрламас, дегани айни шу эмасми?! Қани, 14 ёшли фарзандини ўғри-ўтуқлардан асраб, ўз

фарзандидек меҳрибонлик кўрсатган ғайри дин бегона йўловчилар! Қани, бугунги кунда қайнонасига кўрпанинг аврасидан қўйлак тикиб бериш даражасида меҳрибонлик кўрсата оладиган Минаввархондек келин, келинпошшалар топилармикин, — деб хотинимни ёнини олиб қўйдим.

Аммо мен эр бўлатуриб хотинимнинг гапларини эшитиб, ерга кириб кетгудек ўтирардим. У раҳмат оларди-ю, аммо мен-чи, эшитаётганлар лаънатлаётгандай бўларди. Эшитардим-у ичимни ит тирнарди. Хотининг ёш бўлишига қарамай онанг ҳақида ўйлаб, йўқни керак топибди, хўш, сен ўша вақтларда қаёқда эдинг?! Фарзанд бўлиб сен нима қилдинг, деган савол туғилиши табиий эди.

Мен ичимда «оғзига кучи етмаганлар гапира беради. Мени дардимни қаёқдан биледи — дердим. Лекин, яхши билмаганлар шундай дейишлари мумкин. Аслини суриштирсанг, бир жиҳатдан, бундай саволнинг туғилишига хотинимнинг ўзи ҳам сабабчи бўлган. Бир одам, ҳамма нарсани уддалаб топиб, гамхўрлик қилиб турса, бошқа биров нима қиларди? Айниқса, дангасароқ, ёки ўйинқароқроқ менга ўхшаган одам, Худо берди, қилин-япти-ку, дейдиган бўлиб қолади-да ахир.

Бу гапимни эшитганлар олдинига ҳайрон бўлиб турди-ю ўзига келиб:

— Тўғри, тўғри, ҳамма айб Минаввархонда деб қаҳқаҳ уриб роса кулишди.

Мен, бирор нарса топиб, онамга қилмаган бўлсам, бунга Минаввархоним ўзи айбдор! Ўзининг уддабуронлиги, ўзининг жонкуяр, тиниб-тинчимаслиги, топиб келинг деб ёпишмаслиги, айбдор!

Тўғриси, бу бир сабаб бўлса, иккинчидан, унинг донолиги, одамнинг феъли-авторини, мени ичимни билиши сабаб эди. Ҳамма хотин ҳам Минаввархондек эрни феълини билса қанийди!

Ўша очарчилик замонда, ҳай, эр, танчага тикилиб ётаберманг ёки хаёл суриб шеър ўйлайверманг, туринг, қимирланг, рўзғорда бугун қозон қайнатишга ҳеч нарса йўқ, дегани билан, хўш, ўша замонда, битта муаллимликнинг моянасига қараб қолган мен, нима ҳам қилардим! Кўлимда пул топадиган, шеър ўйлашдан ўзга ҳунарим бўлмаса, нима қила олардим? Кўчага чиқиб

йўлтўсарлик қилайми? Хотинимнинг донолиги шунда эдики, бундай қилмаслигимни, хаёл суришдан бошқа иш қўлимдан келмаслигини тушунарди, барака топгур!

Хотиннинг оилага жонкуярлиги ҳам, ичимдан, эрни дангаса қилиб қўяркан, деб ўйлардим.

Бундай хотинлар барака топсин, эрларнинг бахтига омон бўлишсин!

Ҳазил учун гапириб берган бу гапимдан ўтирганлар хўп маза қилиб кулишди.

Ҳаёт шунақа! Бир йигининг бир кулкиси, бир кулкени йигиси ҳам бўларкан.

Тўғри ўша замонда бирор нарса менинг қўлимдан келмасди. Масалан, нима қилишим мумкин эди?

Минаввархон, барака топгур ишдан келгандан кейин, уй-рўзғор иши, болаларга қарашдан қутулгандан кейин, ўзига яна иш топарди. Кечалари, агарда чироққа лампа мой топилса, ярим кечагача ўтириб, тўппи тикарди. Мен ётиб ухласам, ҳеч ким мендан гина қилмасди, ахир, ҳамма, тўппи тикиш мени қўлимдан келмаслигини биларди. Мени, чироқ ўчиб қолмасин, деб дуо қилишдан бошқа ҳеч нарса қўлимдан келмасди. Шунинг учун онам ҳам, хотиним ҳам инсоф берсин, деб дуо қилишдан бошқа чора тополмасди.

Мени қўлимдан ўқитувчилигимдан ташқари, шеър ёзишдан бўлак нима келарди, бир ой-икки ойда битта-иккита ишлар ёзаманми, йўқми, унинг газетада босилган, радиода ўқилган пулига нима берарди. Баъзан у пул ҳам кўчадан ортиб уйга келмасди. Ўша адолатсиз замоннинг дардини тарқатиш, яна бир томони пиво ҳам овқат ўрнига ўтади, деб улфатчилик қилиб ҳам турардик. Шеърхонлик қилардик. Янги ёзган шеърларимни кўпинча қўлига руҳий касал, деб берилган гувохнома билан урушдан қайтиб келган, қўлидаги шу қоғози бўлгани учун кўнглига келган гапини кўрқмай гапириб, топганини еб-ичиб эркин юрган дўстим Комилхўжага ўқиб берардим.

У билан кўришган кунларимнинг бирида ҳол-аҳвол сўрашиб, нималар қилиб юрибсанга гап келганда, ундамунда, нима иш қилардим, шеърлар ёзиб турибман, дедим. Бу гапимни эшитиб ҳа-ҳа, деб кулиб, бошини тебратиб:

— Қойил! Қойил! Балли сенга! — деб жимиб қолди.

— Нега ҳайрон бўлиб қолдинг!

— Ҳой, дўсти қобилим! (ҳазиллашиб баъзан шундай дерди) нима деб ёзясан? Сталин доҳимизга умр тилаб, ҳамду сано ўқиб, совет ҳукуматига зафар тилаясанми ёки Гитлери қарғаб, итдан-итга солиб ёзясанми! Эй, дўстим, ҳозир шеър ёзадиган замонми! Юр, пивони янги бўчкасини очмоқчи, инвалидлар ёприлиб келмасидан бир-икки курижка олиб ичиб келайлик, деб мени пивочининг олдига бошлади.

Йўл-йўлакай унга нима ҳақида ёзганларимни тунтирмоқчи бўлиб:

— Олдин ёзганларимни эшит, ҳали ўқимасимдан ўзингча олдиндан фолбинлик қилма, — деб гап бошлагандим! У ўзининг қувноқлиги, ҳазилкашлиги билан:

— Дўстим, фолбинлик эмас, қани ўзинг айт, Сталинни мақтамай, Гитлери сўкмай ёзсанг, қайси газет шеърингни босади? Шундай бўлгандан кейин виждонингни ютиб, бу, аблаҳ совет ҳукумати биринчи кунидан энг ақлли одамларимизни, муллаларни, бойларни, менинг отамни, нима гуноҳи бор эди, бой деб отди, бизлар етим, болалар уйида ўсдик, халқ душмани, миллатчи деб қамади. Шу ҳукуматга ғалаба тилаб ёзасанми? Гитлери ҳам ёқламайман! У ҳам советларга ўхшаган бир босмачи-да. Бизларга эрк беради, деб ўйлайсанми! Менга қара, дўстим, Худодан уруш баҳона эркин давлат бўлиб қолишимизни сўраб ёз, деди.

Гапи тўғри эди. Кўнглимдаги гаплар эди. Бало фикрлар айтарди. Лекин гапига қўшилишсам, «Жиннини жинни деса, арпа бўйи қўшилади» дегандек, яна авж олиб кетмасин, деб индамай қўя қолдим-да, табиат ҳақида, муҳаббат ҳақида шеърлар ёзаётганимни айтиб, иккита шеъримни ўқиб бермоқчи бўлган пайтимда, шеърни жуда нозик ҳис қилувчи ўша вақтда Ўзбекистон радиосида ишлайдиган дўстим Бурҳониддин билан Жалоллар келиб қолишди.

## АЛЬБОМГА

*Йиллар ўтар, ўтар умрлар,  
Ер бағрига тортар бирма-бир.  
Лабда қолиб ширин бўсалар,  
О, ажралмоқ нақадар оғир.*

*Йиллар ўтар, мен ҳам ўларман,  
Шу нарчани қолдирдим аммо,  
Хотирангда тирилолмасман,  
Туюларман балки муаммо.*

*Қўмсаганда бўса лаззатин,  
Гар қўлингга тушса шу варақ,  
Кўз ёшинга суртсанг бир марта,  
Тириларман қабримда шу чоқ.*

Бу шеърни эътибор билан эшитган Бурҳон радиода эшиттирмоқчи бўлди:

— Мана бу шеър. Буни эшитса бўлади. — Комилга ҳам маъқул бўлди.

— Сен ҳам яхшини яхши деркансан-у! Мақтамай тур, яна бошқалари бор.

## ГУЛЗОР ВА ЁР

*Кўклам ўтар, гулзордаги гул  
Йўқотади ёшлигин, исин.  
Қиммати ҳам қолмайди буткул,  
Чунки қадри ундаги ҳусн.*

*Йиллар ўтар, умрдошингинг  
Сочларига оралайди оқ.  
Фарзанд кўриб, қора қошини  
Ажин босар атрофни,  
бироқ...*

*Сен ўзинг ҳам кўзгуга боқчи!  
Қирчиллама шаштинг қолмаган.  
Умр деган эски қароқчи,  
Бўз йигит деб сийлаб қўймаган!*



*Ёр — гул эмас!  
Эски гулзорни  
Қилмоқ мумкин қайтадан гулзор.  
Ёринг сочин оқин кўрганда,  
Уз тишинга боқиб кўр бир бор.*

Комил эътибор билан эшитиб:

— Бу шеърларни ўртага шеър деса бўлади. Муҳаббат ҳақида мен сенга жонимни бераман, ўлгунимча вафодорман, қошинг ундай, лабинг бундай деган ҳамма ҳам биладиган гаплардан кўра, шеърингда одамни юрагига таъсир қиладиган, қулоқ солиб эшитса, бўладиган гап бор. Муҳаббат ҳақидаги шеърингда бир ҳикматли гап бўлмаса ҳам, одамнинг руҳига бир енгиллик бағишлади. Бу шеърларингни ўқиса бўлади.

Гаплари тўғри эди. Шеърим ёққанлигидан хурсанд бўлиб яна битта шеър ўқигим келиб кетди. Ўқий бошладим. Аввал индамай эшитди. Ярмага келмасимдан бошини тебрата бошлади, негалигини тушунмай ўқишни давом эттира берган эдим тугатмасимдан, қўлимдан тортиб олди. Менинг ўқишим ёқмай, ўзи ўқимоқчи бўлдими, деган фикр хаёлимдан ўтди. Аммо қўлимдан олди-ю, ҳай-ҳай, дегунимча бўлмай, тариллатиб йиртиб ташлади.

— Ҳой, Камол, бу нима қилганинг, жинни бўлдингми!?

— Бу шеър эмас-ку!

— Бир нусхайди-я, падар лаънат!

— Бир нусха бўлса жуда яхши бўпди. Бунақа шеърлар одамларни қўлига тушмагани маъқул. Шеър одамларни хушомадга эмас, тўғри сўзликка ўргатиши керак.

— Ёқмаса, йиртиб ташламай, фикрингни айта бермасмидинг!

— Фикр бор нарсага фикр айтади-да, дўстим! Шеърни кўй, бошқа гапдан гаплашайлик...

Биласанми, хафа бўлма, бир кунни уйингга келсам, сен йўқ экансан. Отанг яхши одам эдилар. Уйга киринг, келиб қолар, дедилар. Бирпас ўтиришиб гаплашиб қолдик. Чамамда, сен ҳақингда гап очмоқчи бўлдилар шекилли, шуни сезиб сен ҳақингда:

— Шукрулло ўртоқларимни ичида менга энг яқини,

яхши, — деб гап бошловдим, давомини эшитмай га-  
пимни бўлиб қўйдилар:

— Комилхўжа, сиз, ўғлимга чиндан дўстмисиз?

— Ҳа, албатта!..

— Унда, бу ёғига қулоқ солинг! Мақтовни фақат дўстлар эмас, душманлар ҳам қилаберади. Ҳақиқий дўст дўстнинг маддоҳи эмас, маслаҳатчиси бўлсин. Келажак ишларида хато қилмаслигига ёрдам берадиган бўлсин. Битта, иккита одам ўғлимни мақтагани билан мақтовли бўлиб қолмайди. Агарда элнинг оғзига тушса, ўзи танимаган одамлар орасида, раҳматга лойиқ бўлса, ана бу фойдали, ҳақиқий мақтов, деган эдилар.

Мендан хафа бўлма, мен отанг айтганларини қилдим! Юр, катта фойда қилмаса ҳам, калла-поча қоларди... Болаларининг оғзига гўшт тегадиган фойда топиб турарди. У мол сўядиган кунини биладиган дўстлари унда пул бўлишини билиб, бир кружка пивога эритиш учун бориб туришарди. У шундоқ замон эдики, бир кружка пивога ҳам ҳаммада пул бўла бермасди.

Маҳмуднинг сахийлиги, уни кўнглига олмаслигини билиб Комилхўжанинг таклифини рад этмадим. Кечгача уйдан нарироқда бўлишимдан қувониб хўп, деб бирга кетдик.

Мана уруш вақтидаги менинг ҳаётим.

Инсоф билан айтадиган бўлсам, бутун рўзғор ташвиши Минаввархоннинг бўйнида бўлгани рост.

Бугун хотиним ўша кунлардаги қилганларини меҳмонларга сўзларкан, бир оғриқ билан тинглаб, мендек дарвеш феълли одамга худойим шундай сабрли, меҳрибон хотин ато қилганини ич-ичимдан хурсанд бўлиб ўйлаб ўтирардим. Ойисининг ҳикояларидан завқ қилиб, қотиб-қотиб кулиб ўтирган қизим Хуршидахон онасига қараб:

— Ойи, Шамси опанинг совунига қанақа қилиб кир ювгансиз, ўшани айтинг! Эшитсанглар, ҳам ҳайрон қоласизлар, ҳам кула-кула ичакларинг узилади! — Ўшани айтинг, деб онасини яна гапга солмоқчи бўлди.

Бу воқеа чиндан ҳам оғир кунларнинг даҳшатли тимсоли эди. У менга маълум бўлгани, шу орада кимдир кўча эшигини тақиллатгани сабаб бўлиб ўрнимдан туриб чиқиб кетдим.

У хўрликларни хурсандчилик тўй кунлари эшитишга менда тоқат тугай бошлаган эди.

*Мен нима ғамда-ю,  
Гул укам гул санчади —*

деганларидек, меҳмонлар кулар эдилар-у, кўнглимда нималар кечганини улар билмасди.

## IV б о б

### *ХИЖРОН ДИЙДОР*

Ўғлим куда чақириқ қилган куни кечкурун бирданига чироқ ўчиб қолди. Ўтирган меҳмонлар мени хижолатдан чиқариш учун, бирлари:

— Ёниб қолар, ёниб қолар, деса, бири — яхши бўлди, ким қанча куйиб ичгани билинмайдиган бўлди, деб ҳазиллашди. Яна бири — бизларникида икки кундан бери газ йўқ, — деб шикоятга ўтса, кимдир: — Бизлар сувсиз ўтирибмиз, деб нолиди.

Ҳадеганда чироқ ёнабермади. Кўни-қўшнида ҳам шам топилмади шекилли, энди нима биландир меҳмонларни овутиш керак-ку. Ҳазил-ҳузулни яхши кўрадиган болам гапга аралашди:

— Бизларнинг ёшлигимизда жудаям маза бўлган, электрмас, ҳатто телевизор, радио ҳам бўлмаган. Маза-лиги шунда бўлганки, давлатга қарам бўлмасдик товуқ кўноққа чиқмасдан ҳаммамиз тинчгина ётиб ухлаганмиз.

— Бизлар ҳам ҳозир шу ерда ётиб ухлайдиганга ўхшаймиз, — деди меҳмонлардан бири қоронғуда.

— Кўрпа, ястук етишса бўлди — деди. Кимдир қоронғида.

Меҳмонларнинг қоронғида кулишларидан хурсанд эдим, чунки чироқ ёнгунча баъзилари ўринларидан туриб қолмасликлари учун овутиб туриш керак эди. Шунинг учун гарчанд бу воқеалар куладиган гап бўлмаса ҳам кўшилиб кулиб:

— Сизлар газ бўлмаса, уйни электр печка ёқиб иситдик, дейсизлар, у вақтда хонадонлар у ёқда турсин, кўчаларга электр ўтказилмаган бўларди.

Меҳмонларнинг ичида ҳазилвонроғи:

— Унга сабаб бўлган... Энди у вақтда кўчадаги электрга ортиқча эҳтиёж бўлмаган. Нега десангиз, кўча-

ларда ҳозиргидек азонгача дайдиб юрадиганлар, қоқиладиган маст-аластлар ҳам бўлмаган бўлса керак-да! — деб кулги қилди.

— Жуда тўғри айтдингиз! Тўғри айтдингиз! Ҳақиқатан жуда кўп нарсалар бўлмаган. Лекин ўша очарчилик, қийинчилик йиллари бўлишига қарамасдан ҳеч нарса билан, ҳатто олтин билан ҳам ўлчаб топиб бўлмайдиган, битта, иккитагина жуда бебаҳо нарсалар бор бўлган?

— Ҳозирги ёшлар билмайди, каттароқлар эслайди. Уруш йиллари керосин дўкони, шунингдек катта шаҳар Тошкентнинг уч-тўрт жойида бўларди, бу дўконларда ҳам ҳаммага етарли бўлмасди. Шунинг учун маҳаллаларга бир ҳафта, икки ҳафтада аравакаш керосинчилар «керосин» деб карнайини чалиб келарди. Лекин керосинчи қачон келишини ҳеч ким билмасди. Керосинчи келгунча, одамлар ўзларининг ўринларига навбатга тешик челақ, тош, фишт, яна қандайдир белгилар қўйиб кетарди. Лекин ўша вақтда одамлар ҳалол бўлган экан орқадаги бирон одам, ўзининг эски челагини мен олдинроқ олай, деб бошқалардан олдинга қўйиб қўймасди. Одамлар оч, муҳтож бўлса ҳам мана шундай ҳайрон қоларлик ҳалоллик бор бўлган. Бир-бирига ҳурмат бор бўлган.

Бу — оғир кунларнинг қувончи эмасми!

Ўша оғир кунларнинг гувоҳи бўлган отам:

— Ўғлим, ўғирликка одамларни очлик бошламайдди, эътиқодсизлик, гуноҳдан қўрқмаслик бошлайди — дердилар.

— Отангиз жуда тўғри айтган эканлар, деди ёши каттароқлардан бири:

— Бизларнинг маҳаллага ҳам керосин келганда, биттасининг идишига энди солган эдиям, тешигига пахта тиқиб қўйган... У гапимни охирига етказмасдан ўтирганлардан бирининг хаёлига нималардир келди-ю, кулиб юборди. У гапимни тушунтиролмадимми, дегандек ўша гапини яна бошқача қилиб «тешигига тиқиб қўйган пахтаси» тушиб қолган эканми (яна кулги) шариллаб оқиб кетди. Улар нега кулганларига эътибор бермаганимданми, гапимда давом этиб: — Қўни-қўшнидан бошқа идиш олиб келгунча керосин тамом бўлди. Бечора энди нима қилсин? Одамларда инсоф бор экан,

охирги керосинни олган одам, ўшанда ўзиникидан ярмини унга куйиб берди. Буни қаранг, бўлмаса ўзи ҳам муҳтож. Олган керосини ўзига етар-етмас эди.

Кўнглинг хурсандчилик истаб қолса-ю пулинг бўлма-са у маҳалда, бировга яхшилик қил. У ҳам хурсанд, сен ҳам хурсанд. У, кўнглингни қувончга буркаб ташлайди. Фахр ҳам ҳис қиласан!

Оғир кунларда, йўқчиликда қувонч бўлса-ю, аммо, тўқчиликда, давлатинг бўлса-ю қувонч бўлмаса-чи!

— Шунақаси ҳам бўлади.

Еганинг олдинда, емаганинг ортингда, ҳамма нарсанг етарли бўлса-ю, қувонч бўлмаса-чи? Нега? Ўтирганларнинг гапларига аралашмай нимадандир афсуслангандай бош тебратиб ўтирган Комилхўжа.

Бир ривоят айтиб берди.

Ривоят.

Кунлардан бир кун ўзига ниҳоятда тўқ, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, бадавлат таниши бош эгиб, ўйчан ўтирганини кўрган камбағалроқ бир одам.

— Бой ота, ҳамма нарсангиз етарли, ҳеч нарсадан муҳтожлигингиз йўқ, нега мунча хаёлга чўмиб қолдингиз, ғамгин кўринасиз, сизга нима етишмайди, ахир? — деса:

— Қувонч! Севинч! Етишмайди — деган экан.

— Ҳамма нарса етарли бўлса яна қандай орзуларингиз бор?! Яна қандай қувонч керак?

— Эй, биродар ҳамма бало, ҳамма нарсамнинг етарли, мукамал бўлганида! Энди орзу қиладиган, қувонадиган нарсам қолмади. Атрофимда одам йўқ! Бировни ҳақини емадим. Ҳалол бўлибман-у, аммо бутун умрим «Ўзингни бил, ўзгани қўй деб яшабман» — атрофимда одам йўқ энди деб йиғлади, қувонч йўқ.

Бирор ғарибнинг бошини силагани, дуо қилганини. У бойвачча энди нима билан қувонсин! Бу унга армон эди.

Орзусиз, қувончсиз яшаш бу тирик ўлмак-ку! Бундан ортиқ бахтсизлик борми инсон учун!

Бу ривоятни эшитиб, беихтиёр — ҳамма нарсанг мукамал бўлса-ю қувонч бўлмаса. Ахир, қамокда ҳам қувонч бўладику, — деган гап оғзимдан чиқиб кетди-ю эшитганларни ҳайратга солиб қўйдим. Буни бировлар ҳазил деб, бировлар ҳайрон бўлиб, ҳамма ўзича

тушунди. Албатта кўпчилик учун бу кутилмаган воқеа эди. Аммо ҳақиқат эди.

— Қамоқда қувонч, дедингизми?

— Ҳа!

— Ё, тавба!

— Бўлгандай, яна қанақа денг! Дунёда инсон меҳридан афзал қувонч борми!

Менинг қамалганимни билмаганлар бу гапимдан бир дам ҳайратга тушиб:

— Қамоқда бўлган одамдек гапирдингиз-а! — деди.

— Ўзлари ҳақидаги «Кафансиз кўмилганлар» китобдан хабарингиз йўқми? — деди Шабатхон.

— Қамалганлари ростми? Ҳазилми?

Бу гапларни эшитишга менда тоқат борми? Қамоқ ҳақида бекор гапирибман, деб ўз гапимдан ўзим пушаймон бўлдим.

Хайрият чироқ лоп этиб ёнди-ю ўтирганларнинг юзларига нур ёғилди. — Майли, бу гапларни кўяйлик. Чироқ учун, кунларимиз доим ёруғ бўлсин учун, — деб ўзим ичмасам ҳам таклиф қилдим. Хурсандчилик билан ичилди, ейилди. Ашула ҳам эшитилди. Аммо мен айтган «Қамоқда ҳам қувонч бўлади» деб оғзимдан чиқиб кетган гап ўтирганларга ғайри табиий туюлиб баъзилар буни ҳазил, баъзилар нега бу гапни айтди дегандек ҳаёлга борди шекилли:

— Авваламбор, ҳеч бандани Худо эркидан маҳрум қилиб қамоққа солмасин!

Кечирасиз, илоҳим ёлғон бўлсин-у, сиздек одам нима сабаб бўлиб қамалгансиз! Агар шу рост бўлса, унда қамоқда ҳам қувонч бор, дедингиз. Қанақа қувонч? Тавба!

— У ҳамма нарсдан зўр қувонч — дедим... Қамалганим сабабига келсак...

Мен нима ҳам дейман. Миллатчи деб қамашган десам, миллатчилигингиз нима, дейди. Халқ душмани деб десам, нима душманлик қилгансиз, дейиши турган гап. Мени 25 йилга қамашганлари ҳақидаги ёқимсиз гапларни дастурхон устида узундан-узоқ гапириб ўтирмай, хаёлимга келган, ёд биладиган бир шеърни жавоб ўрнига ўтса керак, деб ўқиб бермоқчи бўлдим. Албатта, кўнгилсиз гапдан кўра нима бўлса ҳам шеър беғубор нарса. Ҳар қандай мавзудаги шеър ҳам ашула

эшитилгандек иштиёқ билан эшитилади. Шеърнинг сеҳри шунда. Турган гапки, шеър-у ашулани эшитмайдиган одам борми!

*Бошларимда не савдо, биласанми, эй, ёр!  
Юрагимда не ғафто, биласанми, эй ёр!  
Гуноҳим мен шўрликнинг надир, аён қилсанг-чи,  
Кимдан менга не даъво биласанми, эй, ёр!*

*Дунёда алам борми, гуноҳинг не билмасанг,  
Гуноҳ борми бандага, Аллоҳинг не билмасанг.  
Арзингни кимга айтиб, ахир кимга йиғлайсан,  
Бу дардга қандай даво, биласанми, эй, ёр!*

*Тилинг бўлса-ю аммо, тилинг гапга келмаса.  
Кўзинг очиқ бўлса-ю, кўришдан наф бўлмаса,  
Инсон бўлиб инсондек дилингни ёрломасанг,  
Бўлурми яшаш раво, биласанми, эй, ёр!*

*Гуноҳинг ошкор бўлса, тан олмоқ марднинг иши,  
Дўст айбин ошкор этар дўстга ишонган киши.  
Дўст бўлиб дўст бўлмаса, ғаним бўлиб ғаниминг,  
Бу пинҳоний бир бало, биласанми, эй, ёр!*

Мана шу шеърдаги гапларни шўро ҳукумати даврида ёзиб бўлармиди? Буни Совет даврида яшаган, 1937—1950 йиллар қама-қамаларини кўрган одамлар билади. Шеърдаги гапларни ўша замонда айтиб кўр-чи! — Дастурхонга қаранглар, бу гапларни гапира берса, лекин ёшлар билиб қўйишсин, авваламбор бундай шеърлар босилмасди. Бирор нашриёт «ғафлат босиб» чиқаргудек бўлса, бу совет тузумидан нолиш, совет халқи турмушига туҳмат», деб пессимизмда мени айбласа, нашриётни сиёсий кўрлик, ҳушёрликни қўлдан бой берганликда айбланарди. Кўнгилдаги бу дардларни ўша вақтда шеър қилмаган бўлсак ҳам, аммо, дардимиз ичимизда бўлган.

Айтиб бўлармиди! Овозингни чиқариб бўлармиди!  
Ривоят.

Қадимда, қулдорлардан бири, ўз қулларини ишга туширишдан олдин, бирма-бир роса калтаклаб, кейин ишга ҳайдаркан. Албатта, қул бечора сўколмайди.

Дарди ичида қолган қул уйига келганда ёлғиз ўзи ўтириб олиб қул эгасини «падарингга минг лаънат! Золим! Бешафқат, ҳайвон» — деб минг хил сўкишлар билан роса сўкиб-сўкиб хумордан чиқаркан. Эртасига ишга борганида қул эгаси одати бўйича уни, яна ура бошлаши билан, қул ҳам овозини чиқармай — ичида, «Уйимда айтганим, уйимдаги айтганим, уйимдаги айтганларим!» деб аламини олиб хумордан чиқаркан.

— Дилингдагини айтолмасликдан оғир алам борми ахир! Бизларни қулдан фарқимиз шу бўлганки, дилимиздагини тилга чиқариб қўйганмиз.

Йигирма беш йил қамоқ! Беш йил сургун! Беш йил, — сайлаш, сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси берилган.

Сайланиш ҳуқуқиданмиш! Бу қулчилик-ку! Тавба!

Ўттиз йил ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, қамоқдан қутулиб келган одамни ким, қанақа лавозимга сайларкан? Бунақа бемаънилик, бунақанги кулгили қонун бўладими! Совет ҳуқумати шунча, «ит» теккан одамгаям яна ишонарканми!

Мен гапирмай, сизлар эшитманглар! У кунларни худодан тиланглар, кўрсатмасин!

— Илоҳо омин!.. Илоҳо омин!.. Худо кўрсатмасин, ўтирганлардан бири: — Ҳали гапингизда қамоқда ҳам қувонч бўлган дедингиз. Бу тухмат, бу азоб-уқубатларни қанақа қувончи бўлган?

Ҳа, ҳа, бўлган! Мен учун бўлган! Қамоқдаги энг катта қувонч ўша бўлган десам хато бўлмайди.

Мен, Русиянинг шимолидаги Муз океанига туташ Таймир ярим оролининг Норилск деган жойидаги қамоққа юборилганман. Мени орқамда чирқираб қолган болаларимнинг тақдири, соғинчи, гўзал ва ёш хотинимнинг эндиги менга бўладиган муносабати, хаёлимга келганда, қалбимни дўзах азоби қийнарди. Ўттиз беш йиллик айрилиққа хотинимнинг бардоши етармикан? Наҳот!.. Наҳотки! Ўйлардим-ку, оқибатини айтишга тилим бормасди! Худодан мушкулимни осон қилишни, ўз бандаларига раҳми келишини, золимларнинг жазосини беришини сўраб таскин топардим.

Сиёсий маҳбуслар бир йилда битта хат олиш, хат ёзиш ҳуқуқига эга бўлган, ўша ҳам рус тилида. Хатларда дардларимни эркин айтиш имкони ҳам йўқ эди.



Орадан ойлар ўтди. Уйимдан дарак йўқ. Худонинг марҳамати билан орадан йиллар ўтгач, хотинимдан хат олдим. Шошилиб, минг хаёллар билан қандай конверт-ни очганимни билмайман!

Чунки, халқ душмани бўлиб қамалганларнинг хотинлари бирор жойда ишлаётган бўлса, ўз ишлаётган жойларида қолиш учун (айниқса мактаб ёки институт-да ўқитувчи бўлса) эрларидан ажралиш ҳақида ариза беришлари шарт бўлиб қолган эди. Халқ душманларининг хотинлари совет болаларини (ҳатто боғча болаларини) тарбиялаши мумкин эмас деб қараларди. Менинг хотиним Минаввархон ўқитувчи эди.

Турли хаёллар билан хатни ўқий бошладим.

«Ассалому алайкум, бу ердагилар — ҳаммамиз тинч! (Шу гапни ўқидим-у нима демоқчи бўлгани, нега гапни шундан бошлаганининг сабабини тушундим. Яъни бизлардан, қариндош-уруғлардан хавотир олманг, ҳеч кимни қамашгани йўқ, демоқчи бўлган).

Бунисига ҳам шукр! Хатнинг давомини шошилиб ўқийман «Болалар яхши. Катта бўлишяпти, соғ-саломат. Акам келиб тез-тез хабар олиб турибдилар. Мен ўша мактабда ишлаб турибман. Сиздан илтимос. Бизларни ўйламанг! Сизни йигирма беш йилга ҳукм қилинганингиз ҳақидаги суд қарорни менга маълум қилишди. Ўқидим-у ҳушимни йўқотиб қўяй дедим. Йигирма беш йил! Бу вақтда сиз эликдан ошаркансиз! Мен элик ёшга бориб қоларканман».

Шу ерга келганда фикримни шайтоний хаёллар қоплади-ю, хатнинг давомини ўқишга бардошим етмади. Бу нимага ишора! Нима демоқчи? Хатини давомида: «Ахир юз ёшга, саксонга кирган одамлар дунёда кўп-ку. Соғлиғингизни ўйланг! Йигирма беш йил ётишингизга ишонмайман! Ўзгаришлар бўлармиш яқинда деган гаплар бор. Йигирма беш йилдан кейин ҳам бирга бўлиш насиб этсин. Сиз билан менга ўша саксонга кирганларнинг умрини берса, эликка кирганимизда ўттизми, ундан кўпми, яна бирга умр кўрамиз-ку!»

Хатни давомини ўқий олмадим! Додлаб ўрнимдан туриб кетдим. Наҳотки, шунчалик муҳаббати, шунчалик умиди бор бўлса! Азоб-ку! Хатининг давомида: «Ахир умид билан қизимизнинг отини Умидахон қўйганман. Шояд, шу умид худойимнинг раҳми келиб,

Сизни ўз уйингизга бошлаб келса! Болалар бирин-кетин катта бўлар. Замон шу аҳволда қолмас. Ноумид шайтон. Биргаликда кетма-кет тўйлар ўтказишни ният қилганман!» — Ё Аллоҳ!

«Ўзингизни соғлигингизни ўйланг, бизлардан ташвиш тортманг! Хатни болалар олдида ёздим. Сизни софинган севикли фарзандларингиз расмингизни юзларига суртиб, қучоқлаб-қучоқлаб ўпиб қўйишди...»

Хотинимнинг хатини ўқиб бирмунча вақт ўтираримни ҳам, тураримни ҳам билганим йўқ. Бу гапларга ишонмай бўлармиди! Йўқ! Бу муҳаббат олдида севинчдан ҳар қандай кўзга ҳам беихтиёр ёш келарди. Наҳотки, менга шунчалик севгиси бўлган! Қайси давлатимга! Қайси феълимга! Қандай бахтли одамман! Албатта, бахтлиман! Севган ёрингни риё қилиши, унинг азоби қамоқ азобларидан минг бор даҳшатлироқ! Ахир қамоқдан, унинг азобларидан бир кун қутилмоқ мумкин! Дийдор кўриш умиди билан яшайсан. Аммо, риё азоби умрбод бўлади! Риё азобидан фақат, фақат ўлим қутқаради, холос! Қувончимдан беихтиёр хиргойи қилганимни билмай қолдим:

*Ёр вафо қилмаса, мол вафо қилмайди,  
Орзу-ҳавас, давлатинг дардга даво қилмайди!  
Кўнглингда муҳаббатнинг чароғи сўнса агар,  
Мол савдосин қилганлар айшу-сафо қилмайди!*

Хотинимнинг мактуби менга шундай бир куч, қамоқ ҳавосида сўнай деган умримга шундай қувват бағишладики бу муҳаббат, бу ишонч олдида 25 йил эмас, юз йил қамоқда ётсам, рашк ва умидсизлик азобини билмайдигандек бўлдим. Бу севгидан бахтиёрлигимнинг поёни йўқ эди. Қамоқ панжаралари кўзимга кўринмай қолди. Чунки беихтиёр оққан соғинч ёшларига кўзларим жикқа тўла эди.

Эр учун оғир кунларда ёрнинг вафосидан ортиқроқ, қувонч бўладими! Бундан ортиқроқ қалбга мал-ҳам бўладими!

Яна хатида «Худойим юз йил умр берса юз йил бирга бўлишни тилаганман» дебди-я!

Хатини кўзларимга суртдим. Шу гаплари учун, мени қутмай, омон бўлсанг майлига деворгудек ҳам бўлдим!

Шу даражадаги вафойингни ўзи менга етарли! Сендек покиза, севгисига содиқ аёлни жафо чекишини истамайман! Йўқ, истамайман! Йўқ! Йўқ! Умринг узоқ бўлсин! Шу чеккан азобларинг, шу фариштадек пок-лигинг учун Оллоҳимнинг раҳми келсин! Тилакларингни инобатга олсин! Илоҳа омин!.. — деб бақиргим келди.

Бандаларнинг оху нолалари худойимга етиб, шу кунларни кўриш ҳам насиб этди.

Бу гапларимни эшитган меҳмонлардан бири:

Ўша офатдан қутулганимиз учун, бир марта эмас, ётиб ичсак ҳам бўлар экан, — деб ҳазил қилди, баъзиларининг кўзларига ёш чиққан эди. Шу сабаб бўлиб гап ҳазил-хузулга айланиб кетди. Бу кунларга шукр қилиб, хурсандчилик билан хайрлашдик.

Минаввархоннинг оғир кунлардаги жафокашлиги, мен бахтсизнинг қамоқда экан вақтимдаги вафодорлигини ўйлаб уни мақтайман-у, бир ҳикмат ёдимга тушади.

Отам:

— Бирор одам сенга яхшилик қилгудек бўлса, дарров бу яхши одам экан, менга дўст экан, олижаноб экан, деб танишларингга жар солишга шошилма! У нима маънода бу ишни қилди, нега? Хушомад ёки таъма маъносидами ёки табиатида одамларга қилган яхшилигидан ўзи ором олиши, одамларнинг қувончини кўриб қувониш ҳисси борлигидан. Холисанилло қилдими, шошилмасдан ўйлагин, дердилар.

Бу хотинимники садоқатдан эди. Менга боринг, туринг, топиб келинг демади? Берсанг, ейман, урсанг, ўламан, мен хотин кишиман демади?

Ахир, ўзи қиш кунлари танча устидаги липиллаб ёнган чироқ ёруғида нон пули чиқариш учун дўппи тикиб, сотиб, мени эса ёнида соқолларим ўсган, хаёл суриб, нималарнидир қоғозга туширишимни дардимни тушунгани, «эр-хотин қўш ҳўкиз» деб билганидан миди? Минаввархоннинг вафо-ю, бутун жафоларнинг баҳосини уйимизга меҳмон бўлиб келган буюк шоир Расул Ҳамзатов қулоқ солиб эшитиб, қутилмаган бир ҳазил-хузил ажойиб донолик билан айтиб берди.

Тошкентда ўтказиладиган Осиё ва Африка ёзувчилари конференцияси, жаҳон халқлари кино фестивал-

лари муносабати билан дунёнинг ҳамма мамлакатларидан меҳмонлар, иштирокчилар келарди. Шулар қатори турли республикалардан менинг дўстларим Қайсин Кулиев, Чингиз Айтматов, Давид Кугултинов, Мустой Карим, Расул Ҳамзатов, Максим Танклар келишарди. Улар қадрдон, ҳамкасб дўстларим бўлганлари учун, албатта, мен уларни хонадонимга азиз меҳмонлар сифатида чақирардим. Албатта, улар қатори уларнинг кўплари билан таниш, ўз ижоди билан ном чиқарган Одил Ёқубов, шоира Зулфияхоним, ёш бўлса ҳам талантли шоир Абдуллалар уйимда бўлишарди.

Бугун ўзи билан қизи Фотиматни Тошкент бозорларини айлантиришга олиб тушган Расул Ҳамзатов, бошқа меҳмонлардан барвақтроқ эшиқдан кириб келди. Расул қизи билан келгани учун айтилган меҳмонлар келгунча Минаввархон ўғил-қизларим кириб, ўтган кетгандан сўзлашиб ўтирдик.

Расул билан бутуниттифоқ ёш ёзувчиларнинг Москвада 1947 йили ўтказилган кенгаши кунларини эсладик. Уруш тугаганига қарамай ҳали бир-биримизни зиёфат қилишга қурбимиз етмаганлиги, Расул ленинградлик шоир Михаид Дудинни пивага эритмоқчи бўлиб унга ҳазиллашиб:

— Биз Кофказ, Ўрта Осиё халқларининг юртига бошқа ёқдан биров келса, бир неча кун меҳмон қилиш одати бор. Энг камбағали ҳам бошқалардан қарз олса ҳам зиёфат қилмай кетказмасди. Ленинградли, Сизларда қанақа? — деб Мишани эритганларини эслаб кулишдик.

Оғир кунлар ҳақидаги суҳбат сабаб бўлди-ю, Минаввархон ўз бошидан кечирган айрим воқеалар, қийинчиликларини эшитиб Расул, хаёли қочгандек бўлиб турди-да, Минаввархонга қараб:

— Минаввархон, бошдан кечирган шу қийинчилик, азобларга бардош берганингиз, яна унинг устига Шукруллодек «мўмин», «қобил» эрга хотин бўлганингиз учун менинг кўлимдан келса Сизга «Герой Социалистик терпения» (Социалистик бардош қаҳрамони) деган энг олий унвонни берган бўлардим, — деди.

Бундай кутилмаган гаплар Расулдан чиқарди. Ўзи ҳам, ҳаммамиз кўшилишиб кулдик. Ўзи чапак чалиб, Минаввархонни табриклагандек ҳам бўлди. Минаввар-

хон бу олий мукофот учун кулиб миннатдорчилик билдирди. Гап ҳазилга айлангани учун хаёлимга бир гап келди-да:

— Шу гапинг рост бўлса, унда, менга ўхшаб қолибсан-ку, дедим. Бу гапим ёқмагандек меҳмонларни кутиб олиш учун келган куёвим Беҳзодхонга: «Қани, нардани ол» деб меҳмонлар келгунча нарда ўйнашга тушиб кетди.

Расул Ҳамзатов билан бирга бўлганимда яйрардим. Чунки у ҳамиша жуда қувноқ, унда узундан-узоқ гап гапириш одати йўқ эди. Унинг қисқа, доно гапларини эшитган одам роҳат қилади. У ҳақиқатан фақат буюк шоир эмас, буюк ақл, буюк файласуф... Хуллас, нимаики ҳавас қилинадиган фазилат бўлса, ҳаммасини ундан топиш мумкин эди.

Куёвим билан нарта ўйнаб ўтириб ўзича... Қизиқ... Қизиқ... Шоирона!.. топилган деди. Куёвим ҳайрон бўлиб қараган эди, Расул:

— Минавархоннинг совунни чизиғи ўчмагунча ишлатишни кўрпадан кўйлак ўйлаб топганига қойилман!.. Бу ҳам ижод, — деди кулиб, — Ақлли хотин!.. Ақлли...

Куёвим:

— Ойимда бундан ҳам даҳшатли, бундан ҳам гапириб берсалар ичак узадиган янги-янги гаплар кўп.

— Чақир! Эшитилмаган гаплар, — дедию шошилиб, — бироз тўхта, олдин қиттай қуй, — деди. Мен Расулга:

— Ичишни ташлаганман, дединг-ку ёки қулоғимга чала кирдимиз? — десам, яна унча-мунчанинг ақлига келмайдиган гап айтди.

— Мен ичкиликни ташлаганман, аммо ичкилик мени ташлолмаяпти.

Роса қулги бўлди. Роса кулишдик. Шундан кейин қуймай бўлардимиз! Фотимат билан Минавархон ҳали ҳовлида эканида куёвим билан икковлари ичишди. Менга ишора қилиб:

— Сен-чи, Шукрулло?

— Сизлар олаберинглар, мен ҳозир, дедим-да, гапига жавоб тариқасида «Айрилиқ» деган шеъримни олиб келиб ўқиб бердим:

*Тўю улфатларда дўстлар бўлса жам,  
Биллур қадаҳларга қуйилади май.*

*Ҳайрон қоладилар баъзан рад этсам,  
Улфатлар қатори бир қултум ичмай.*

*Ҳайрон қоладилар, фақат майнимас,  
Ҳатто чекишни ҳам тарк этганимга.  
Ҳайрон қоладилар кичик қалбимга  
Икки айрилиқни сиғдирганимга.*

Шу ерини эшитиб Расул ўзича кулиб кўйди.

*Гўё бир сеҳрли мўъжиза бордек,  
Менга шубҳа билан боқади ёшлар.  
«Бизлардан яшириб якка қиларсан»  
Дегандек, сўз қотар баъзи тенгдошлар.*

*Одамнинг бошидан нелар кечмайди...  
Севикли ёридан бўлади жудо.  
Айрилар Ватандан, азиз фарзанддан,  
Бундай айрилиққа чидайди ҳатто!*

*Ахир, озодликдан айрилар инсон,  
Бунга ҳам бардоши етади мутлақ.  
Нима деган нарса чекиш хумори!  
Нима деган нарса майдан айрилмоқ!*

Шеърни ўқиб бўлишим билан Расул кўлга қадаҳ олиб, ҳеч бандага худо айрилишни кўрсатмасдим, деб ҳаммага бир-бир қараб қўлидаги майни охиригача ичиб юборди.

— Илоҳи омин! Фақат ичкиликдан бошқасидан айирмасин.

— Буни ҳам шеър қил — деди ҳазиллашиб.

— Ўзинг биласан Расул, мен тортган азобларни, ҳатто, хотиним кечирган оғир кунларни. Сен, буюк шоир отанг-қадаснинг бағрида ўсиб кўрмагансан. Шунча тортган жабру жафоларим етмагандек, менга ҳатто ичкилик ҳам вафо қилмади. Мени ташлаб кетди. Ҳамма бирдан шарақлаб кулди. Сени бағридан чиқарганича йўқ. Сен ичсанг бўлади! Расул менинг елкамга қўлини ташлаб, ҳамишадагидек ҳазилкашлигин кўймай:

— Дўстим Шукрулло, ривожланиб келаётган биздек кичик халқларга кўрсатган ёрдамингиз учун раҳмат! Шу меҳрибонлигинг учун, майли!.. Яна битта қуй!

Куёвимга: — Энди хотинларни чақирсанг ҳам бўлади, деди.

— Келинойимларга қаҳрамонлик берадиган бўлдингиз-у, гапга жияним аралашди аммо, тоғамлар ҳам келинойимлардан кам бардошли бўлган эмаслар. Буларга ҳам берса, арзийди — деди жияним.

— Шукруллонинг қамалганини айтмоқчимисан? Бизларнинг азоб ҳам қамоқдан кам бўлмаган.

— Тўғри!.. Лекин мен айтмоқчи бўлганим...

— Қамалишдан олдин ичган, шеър ёзган, бошқа... Нима ҳунар кўрсатган? Яна нима ҳунари бўлган Шукруллони?

— Ҳали келинойимнинг бошдан кечирганларини эшитиб, бу «трагокомедия», бу ҳам ижод, ғам билан кулги ҳамиша бирга юради, дедингиз. Тоғамлар ҳам келинойимдан қолишмаганлар, — деб уруш вақтида қилган ишларимни гапирмоқчи бўлган эдим, Расул — Бардошли ва сабрли бўлишда ҳеч қандай эркак хотинларга тенг келолмайди. Шукрулло ҳам хотин бўлолмайди, деб ҳазиллашди, ўз Расуллигини қилиб.

Расул бор жойда ақл, Расул бор жойда ҳикмат, албатта, қувонч бўларди.

Мен жиянимга «У гапларни қўй, гарчанд кулгили бўлса ҳам ҳозир айтадиган гаплармас, ҳозир менинг шаънимга тўғри келмас» дегандек ишора қилишимга қарамай, эҳтиросга берилиб гап бошлаб қолди. Яхшики, шу вақтда эшикдан келган меҳмонларнинг овози эшитилиб қолди-ю, худо мени шармандалиқдан сақлаб қолди. Ураш вақтида қилган ишларни айтиб бўлармиди, нодон жиян!

Отам:

— Бошингдан кечган ҳамма нарсани ҳазил-ҳузул учун ҳам ҳамманинг олдида гапираберма! Чунки бунинг икки томони бор. Бундан яхши ниятли одамлар ибрат олади, тўғри хулоса чиқаради, аммо ёмон ниятли одамлар бир куни келиб «Сен ўзинг ким бўлгансан?» деб юзинга солиб гуноҳкор қилишга далил қилиб ишлатади. Сен гапингдан тонолмайсан. У ҳақ бўлиб чиқади. Мен ҳазил қилиб айтганман. Бировдан эшитганим деганингдан пайдо чиқмайди. Насиҳатим, айтиб бўлмайдиган гапни ҳеч қачон гапирма! — дерди.

Отамнинг сўзларига амал қилсак, ҳар ўн кун, ҳар

ўн беш кунда, қўлимга ҳасса олиб поездда Қозоғистонга борганларимни ҳозир айтиб бўлармиди! Нега айтиб бўлмайди? Мен ўғрилиқ қилганманми?! Бировнинг ҳақиға хиёнат қилганманми? Лекин қилган ишим ўзимга муносибмиди! Йўқ, йўқ! Ахир олий маълумотли муаллим одам бўлсам-у, лекин кўпчилик кўзидан яширин иш қилиш ва уни ўйлаб топганлигимни эсласам, ўз қадри-қимматимни оёқости бўлганидан дод солиб йиғлагим келади.

Бир қўлимда ичига икки-уч кило жийда, тошчой, гугурт, туршак солинган халта, бир қўлда ҳасса, устимда телегрейка, Чирчиқ станциясидан кечки дачний поездига ўтириб, Қозоғистоннинг Саржилға разъездидаги қозоқ овулига жўнайман. Оёқ-қўлим соппа-соғ бўлса-ю, нега қўлимда ҳасса? Гап шунда! Бу ҳасса фақат овулдаги итлардан қўриқлаш учунгина эмас, бошқа вазифаси ҳам бор эди. Бу ҳасса худди Ҳизр алай-ҳиссаломнинг ҳассаларидек мени ва молларимни балоофатлардан асрарди.

Бизлар Қозоғистонга олиб борадиган нарсалар, ўша вақтларда тошкентликларнинг ҳам камдан-кам ўйла-рида бўлган. Гугурт нима деган нарса! Шу ҳам бўлмаганидан, кўпинча танчадаги чўққа бўйра чўпи, қоғоз тутатиб чироқ ёки ўчоққа олов ёқилган. Ахир, гугурт йўқлигидан чекувчи кашандалар кўчаларда бир-бирларидан мохоркаларини тутатиб чекишган. Қозоқ овулларида биз олиб борадиган нарсалар қаёқда дейсиз! Биз олиб борган нарсаларимизни пулга сотмасдик, буғдой, арпага алмаштиришга борардик.

Ярим тунда поезддан тушардик. Гоҳ ёмғир, гоҳ қор бўрони. Увуллаган, жонни ачитувчи чўл бўрони етма-гандек бир-икки чақирим йўл босиб овулга яқинла-шишинг билан бегона кишини сезган эшакдай-эшак-дай қозоқи итлар тўрт томондан сенга хириллаб ке-ларди. Ҳасса шу вақтда жонга оро кирарди. Баъзан қўлингдаги таёққа ҳам қарамай оёғинга ёпишгудек бўларди. Бу, ҳассанинг битта хизмати эди.

Отамга таниш бўлган қозоқнинг уйига етгач елкадан қорларни қоқиб киришимиз билан, эмчининг ўели келди, деб меҳмондўст, марҳаматли қозоқлар очлиги-мизни билиб дастурхон ёзиб нон қўярди. Севиниб-севиниб ердик. Бу орада уй эгаси бизлар олиб борган



нарсаларни уйма-уй юриб, поезд қайтадиган вақтгача ухلامасдан буғдойми, жўхорими алмаштириб чиқарди. Бир парча эчки гўшти бўлса ҳам қозонга солиб, бир товоқ-бир товоқ иссиқ ичирарди. Олиб борган нарсаларимизни буғдойга алмаштира олганимиздан хурсанд, қоронғу кечада, поезд йўлига чиққунча итларга таланиб поездга улгуришга чопардик. Баъзан йўлда донларимизни ўтказмай ушлаб олиб қўярдилар. Минг хавотир билан совуқ вагонларга чиқардик. Уйқусизлик, йўл машаққати бу хавотир олдида сезилмай қоларди. Не машаққат билан орттирилган донларни уйга етказиш осон бўлмасди. Қозоғистондан дон ўтказилмас, ушлаб қолинарди. Ана шу ерда ҳасса менинг кунимга ярарди. Ҳассам бўлмаса ҳамма буғдойимдан ажраб қолишим ҳеч гап эмас эди. Мен буғдой солинган қопни вагонга чиққач тагимга солиб устида ётиб келардим. Ҳассамни фақат итлардан эмас, бошқа «итлардан» сақлашга ҳам фойдаси тегарди. Дон қидириб чиққан қозоқ милицияси, қўлда ушлаб олганим ҳассага қарарди-да, уруш вақти эмасми, уруш инвалиди, чўлоқ экан, деб ёнлаб ўтиб кетарди.

Ҳассани ҳўп ўша кезларда ўйлаб топганимдан ўзим баъзан хурсанд бўлиб қўярдим.

Тошкентга келгунимизча не-не азобларга дучор бўлмасдик. Лекин икки-уч кунлик нон пулига етарли чиққан фойда, ҳамма машаққатларни унуттириб юборарди. Эсон-омон нарсаларимизни уйга етказиб олгач, қувончдан кечирган машаққатлар унутиларди. Орадан бир оз ўтгач яна «ё хув» деб сафарга отланардик. Ахир, уйингда нондан бошқа ейдиган нарса бўлмаган замонда, икки-уч кун емай, оч ўтириб кўр, ҳолинг не кечади!

Бу гапларимни эшитганлар орасида «тагларинг шунчалар паст, гадо даражасида бўлганми?» деб болаларимга таъна қилувчилар ҳам топилади, айтмай қўяқолай дейман-у, аммо ўша даврни эслаганимда нуқул Ойбек ака кўз олдимга келади. Ойбекдек буюк ёзувчининг кечирган кунларини ўйласам, унинг олдида меники нима бўпти дейман!

Ойбек аканинг рафиқаси Зарифа опа:

— «Ортиқча кийим-бошимиз йўқ. Кийилган бир пальто, бир костюмдан ортиғи бўлмас эди, бизда. Шун-

дан бошқа сотишга арзирли нарсамиз бўлмагани учун эски-туски нималарнидир йиғиб Ойбек билан Зарифа Қаршига жўнашди. У ерда беш-олти кун туриб эски кийимларни ун, ёғга алмаштириб келишди...» — деб ёзган эди.

Ойбек ака эски-тускини дон-дунга алмаштириш учун Қаршига (Қашқадарёга) жўнатган вақтларда, мен чой, туршак, жийда кўтариб дон-дунга алмаштиргани Қозоғистонга опаларим билан жўнаган бўлганман.

Менда, бизнинг уйимизда алмаштирадиган нарса ҳам қолмаган эди. Бу йўқчилик эди. Аммо очарчилик, очлик нима?! Очлик шуки, оғизга соладиган бир бурда нондан бошқа ҳеч нарса, мол, бисот кўзга кўринмай қолади.

Очлик...

Тошкент шахрининг Эски Жўва бозорига кираверишдаги бинонинг тагида оёқ-қўллари шишиб, кўзлари ўкрайиб қолган қатор тиланчилар ўтирарди. Ҳолсизликдан овоз чиқариб садақа сўрашга ҳам тиллари келмай қолган. Бугун мен кўрган гадойларнинг кўплари эртага увадаси чиқиб кетган кийимларининг устини қор босиб, совуқда қотиб ўлиб ётган бўларди.

«Бир кеча ёдимда, — дейди, Зарифа опа. Ойбек ёзиб ўтирарди. Мен ҳам ёзибми, ўқибми ўтирардим.

Ойбек:

— Зарифа, қорним оч, жуда очикдим, — деб қолди.

Мен нима дейишни билмайман, индамадим, дарҳол жавоб қилолмадим. Негаки, уй қуп-қуруқ эди.

— Бирор нарса йўқми? — сўради Ойбек.

Ўрнимдан туриб шкафни ахтардим. Ҳужрадаги хурмача, халталарни текширдим. Бир ҳовуч йирик кепак, бир-икки қошиқ шакар топдим, сўнг хурмачани сидира-сидира бир қошиқ ёғ олдим. Примусда кепакни қовуриб, сўнг унга шакар аралаштириб, дастурхонга тортдим. Билмадим бу қандай таом бўлди экан? Номи Ойбек менга ҳам номаълум бўлган бу таомдан бир-икки марта қошиқ учиди олган бўлди. Сўнг «Сен ҳам егин», деб мени қистади.

— Йўқ, очикмадим. Ўзингиз еяберинг, — дедим унга.

Менинг ҳам қурсоғимда ҳеч нарса йўқ эди, фақат қаноат бор, холос!

Ойбек озгина еди. Озгинасини қолдириб, деди:

— Эрталаб болаларга берарсан.

Билмадим, бемазаликдан ея олмадими ёхуд болаларга илиниб, томоғидан ўтмадими?..»

Бу аламларга, бу азобларга ўша йиллари одамлар қандай чидади!

Ўша очликнинг бир кунини бугун тасаввур қилиб кўрайлик. Бир кун, икки кун оч қолиб кўрайлик.

*Ўлим яхши агар инсон шундай хор бўлса,  
Бир парча нон ўзи нима, шунга зор бўлса!*

Усмон Носир

Бир кун эмас, бир йил эмас, йиллаб бу очарчилик, бу хўрликларда нима уларни суяди?! Нимага орқа қилиб яшади?

Кўшним ўз фарзандини урушга жўнатаётганда, омон қайтсин деб битта нонни тишлатиб олиб қолган. Уйнинг деворида ҳамон осиглиқ ўша нонини оч бўлса ҳам она емади. Ҳа емади!

Она ўрнида биз бўлсак-чи, балки!.. Ҳа, у улуг! Сабрли она!

Очарчилик йиллари энг оғир кун кечирганлар зиёллilar бўлган. Айниқса, ёзувчилар. Масалан, Ойбек аканинг ёзувчилик, илмдан бошқа нима хунари бўлган? Аминманки, ҳеч қандай!

Зарифа опа бир сиқим кепакни хўрмачанинг тагидаги ёғга қовуриб келгандан кейин, эртасига улар нима кун кўрган Худо билади. Мен-ку Қозоғистонга бориб бир нарсани иккинчи нарсага алмаштириб, фойдасига кун кўришнинг йўлини, ёш эдим, топган эдим. Ойбек ака уйида бор нарсаларни сотиб, алмаштирадиган нарсаси ҳам қолмаган, алмаштириб бўлган эди.

Шундай улуг одам кепак еб ўтирганда менинг ҳасса тутиб тирикчилик учун Қозоғистонга боришим ҳеч гап эмас эди. (Ҳассам бўлмаса олиб келадиган нарсамни қозоқ милицияси олиб қоларди.) Қозоғистонга борганимни айтсам, эшитганлар айб қилмас! Битта хотинини боқолмаган ношуд эр деган таънани эшитганимдан, ҳасса тутиб Қозоғистонга бориш афзал эди. Хотиним нима ишларни қилмади, мен не хунарларни қилиб кўрмадим.

Ўша замонлар хаёлимдан ўтди-ю, Расул Ҳамзатовга:

— Ҳой Расул, қалай, ҳассани ўйлаб топганим зўр бўптими! Бу ҳам ижод! Эски-туски кийимни донга алмаштираман деб Қашқадарёга борган Ойбекнинг ақлига ҳассани ўйлаб топиш келмаганов! Донини милицияга олдирмай, омон олиб келганми-йўқми Ойбек, худо билади, — дегим келди-ю, аммо Минаввархоннинг қилган ишлари олдида булар... бизларники, ип ечолмас, ҳолва эканини ўйлаб қолдим.

Мен Қозоғистонга қатнаб ҳасса соясида эсон-омон донни уйга олиб келган бўлсам, Минаввархон ҳам Чирчиқ станциясидан Фазалкентга қатнаб, ҳассасиз ҳам буғдойни эсон-омон уйга олиб келадиган йўлларини ўйлаб топган эди, эсласам ҳайрон қоламан.

Қандай қилиб?

Тирикчилик тошдан қаттиқ, эр-хотин қўшхўкиз, деб ҳикоя қилади Минаввархон:

— Бу киши, Қозоғистонга борганларидан бирида, кўлларида ҳассалари бўлишига қарамай бир сафар донларини олдириб келдилар-у, шундан кейин бормай қўйдилар. Оилага толчиқ бўлиб турган қўшимча даромадни ҳам Худо кўп кўрди.

Шу орада қўшнимиз Зулфи келинойи деган Фазалкентдан арзон буғдой, хандон писталар олиб келиб сотаётгани, анчагина фойда қилаётганини айтиб қолди. Бирга юринг, деди. Бормоқчи бўлдим-у, лекин бир марта донимизни милициялар олиб қўйганини эслаб, ўйланиб қолдим. Зулфия опага мен, булар Қозоғистонга бориб дон-дунларини милицияга олдириб келганлари, мен ҳам яна ўша кунга тушмаслигимни айтдим. Зулфия опа доим кулиб гапирадиган, гапиям, ўзиям чаққон, қувноқ аёл эди. Ўша одати бўйича:

— Мен билан бўлганда кўрқманг, мени энди боришим эмас, Сиз билан биз эрингизга ўхшаб ҳасса тутиб қоп кўтариб юрмаймиз. Ахир, ота-бободан қолган, ёғ соладиган, энди бўшаб қолган тунука идишлар бордир? Бор бўлса, бўлди. Тайёрлаб қўйинг, негалигини кейин айтаман. Худо ўзи асрасин.

Бу гапларини, аввало ҳазил деб ўйладим, йўқ, кейин билсам, чиндан айтган экан.

Арзончилик вақтларда уйимизда ёғ солинадиган бедон идишлар бўларди. Шу эсимга келиб қолди. Қара-

сам ўн-ўн беш кило дон кетадиган. Зулфи келиной билан Ғазалкентга, қанча фойда чиқаркин, деб бир бориб келмоқчи бўлдим.

(Мен ҳассани ўйлаб топганимдек, хотиним ҳам менадан қолишмай, у донни қопга эмас, ёғ идишга солишни ўйлаб топди. Ҳукумат шоҳида юрса, одамлар баргига ўтиб олган замонлар эди.)

— Хуллас, қарз-ҳавола қилиб, дастмоя топиб, поездга чиқадиغان бўлдим, — дейди Минавархон. — Болаларни ухлатиб, ойимларга тайинлаб, дам олув кунимда ҳам тинчим йўқ, бидонларни кўтариб, тирикчилик қурсин... Ўша вақтдаги юриш-туриш, кийимларим, тунука идишларни кўтариб кетишларимни эсласам, хўрлигим келади. Лекин ўша замонларда ҳамма атрофингдагилар бир бўлгани учун билинмас экан. Кўз олдимга ўша кунлар келса, юрагим орқамга тортиб кетади.

Хуллас, кўзим энди илинган экан, девор-дармиён қўшним Зулфи келинойи мени уйғотиб, пулни белга тугиб, бало-қазодан ўзинг асра, ёмонларнинг юзини ўзинг тескари қил, эримнинг Қозоғистонда бошларига тушган ёмонликларни мени ҳам бошимга туширма, деб худодан сўраб, ярим кечада мудраб йўлга чиқдим.

Дачник поезд эрталаб соат олтида Солар станциясидан кетарди. Одатда, бизлар, соат 4 да уйдан Хадрага чиқиб, биринчи чиққан трамвайга ўтирардик.

Бир куни йўлга отландик. Трамвай чиқишини кутиб ўтирибмиз. Орадан бир соатча вақт ўтди, трамвай чиқмайди, бир ярим соатча вақт ўтди, дарак йўқ, нима бало бўлди, поезддан кеч қолмайлик, деб, Тоштрамнинг қоровулини уйғотиб, нега трамвай юрмаётганини сўрадик.

У девордаги осма соатга қараб:

— Нима, трамвай соат 1 да юрадим, у соат 4 да чиқади. Нима қилиб довдираб юрибсизлар, — деса бўладими!

Бизлар ойдинда уйқусираб соат 1 да Хадрага чиққан эканмиз.

Ўша вақтларда одамларда инсоф бор экан. Қоровул уйлариингга қайтмай қўяқолинглар, деб бир пиёладан чой берди. Бир пас мизғиб олақолинглар, уйғотаман, деди. Кўлимиздаги бидон, халталарни ёнимизга қўйиб бир оз мудрадик.

Бу меҳр, бу меҳрибонлик олдида худди мақсадга эришгандек қувониб бир нафас бўлсам ҳам хўрликларимизни унутдик. Бу ҳам қувонч эди. Оғир кунлар қувончи!

Йўқ, мен мудрамасдим. Хаёл мени мудрашга қўймасди.

Йўл азоби, уйқусизлик азоби ҳам баъзан билинмасди. Азоб-азоб нарсаларимизни сотиб қайтишимизда бўларди. Вой у азоб, у ваҳималар! Зулфия опа қоп ўрнида тунука идишлар олинг, кўрқманг, дейишининг сабаби шунда эканки, тунука идишларга дон солинганини билинтирмаслик учун идишларнинг оғзига сузма солиб қўйиларкан. Барибир шунга қарамасдан кўприк орқали ўтиш жуда хавфли бўларди у ерда ҳамма нарса очиб текшириларди. Шунинг учун Чирчиқ дарёсининг суви муздек бўлишига қарамасдан унинг саёз жойидан елкаларимизда осиб олган нарсалар, бир қўлимиздаги юклар билан бир қўлимизда қўйлақларимизни тиззаларимизгача шимариб, тойиб кетмайлик деб юракларимизни ҳовучлаб бир амаллаб ўтиб олардик.

Баъзи кунлари поезддан кеч қолмаслик учун, шунча юкларимиз билан ҳаллослаб икки-уч километр йўл босиб келардик.

Ўлмаган жонимиз. Буғдойларни бидон идишларга солиб, устини сузма билан бекитишимизга қарамай, поездда олиб келиш ҳам хатарли эди. Ҳамма жойда текшир-текшир бўларди. Шунинг учун ҳамма чиқадиган вагонларга чиқмасдан, Зулфия келинойим ўйлаб топган санитарний вагонга чиқиб олиб, ҳамшираларга оз-моз қурт, сузма бериб, яшириб олиб келардик.

Машаққатларда олиб келган буғдойни тегирмонга торттириб, нон қилиб сотардим. Бир-икки кунлик нон пули чиқарди.

Бир кун қайнонам қизиқ бир иш қилиб қўйишлари сабаб бўлди-ю, Ҳазалкентга боришим ҳам ундан чиқадиган пойда ҳам тамом бўлди. Бу азобдан қутқардилар. Ҳали-ҳали эсласам қотиб-қотиб куламан.

Қайнонам раҳматли менга ёрдам қилмоқчи бўлибдилар-у, лекин қош кўяман деб кўз чиқарибдилар. Ростини айтсам, ўша вақтда йиғлаганман.

Минаввархон бу гапларни гапирганда, баъзида охиригача эшитишга бардошим етмай, ўрнимдан туриб

чиқиб кетардим. Унинг ўзи учун бу гапларни айтиш кулгили бўлиб қолган эди.

— Бир куни ясаб қўйган нонларимни бир қисмини тандирга ёпиб, бола эмизгани уйга кириб кетдим. Болани эмизиб бўлиб, нонларим энди қизариб қолгандир, узсам бўлар, деб чиқсам... Вой тавба, вой тавба!.. не кўз билан кўрай... Қайнонам нима қилибдилар денг...

— Келинпошша, тандирингиз қизиган экан, нонларингизни ёпиб келдим, дедилар. Мен ҳайрон бўлиб ёпган нонларим пишган бўлса, узиб олиб кейин ёпган бўлсалар керак деб ўйладим. Қаёқда! Саватимни қарасам, тандирдан узилган нон йўқ. Саватим бўм-бўш.

Қайнонам тушмагур нима қилибдилар денг, тандирга ёпиб қўйган нонимни устига кўзлари яхши кўрмай нонларимнинг устига нон ёпиб келган эканлар.

Шу кундан бошлаб мени ҳам Ғазалкентга бориб келишим-у ўлиб-тирилиб топган дастмоям ҳам тамом бўлди. Ғазалкентдан топганим, бир тандир бир-бирига қапишиб кетган, қийшиқ-қинғир, таги куйган нон бўлди. Пули куйган қозоқ қалампир чайнабди, деганларидек, нима илож, куйган, бир-бирига ёпишиб қолган нонни ўзимиз еб, заборнийга олган буханка нонни ўшанда сотиб, бир амаллаб танини чиқардим.

— Ундан кейин?

— Ундан кейин, нима қилардик. Тандирда бир-бирига қапишиб қолган нонни еб, шуқр қилдик, — деди ҳазиллашиб Минавархон.

Бу саргузаштларни эшитиб ўтирган бир уй ёшу қари, хўп ҳангомалар бўлган экан, дегандек қотиб-қотиб кулишди. Ҳа, булар бу гапларни ҳангомадек тинглашди. Бу гапларни эшитиб ўтирган ёшлар, оғир, машаққатли ҳаётни тасаввур қилолмас эдилар. Ёшлар ичида баъзи бирлари бундан хулоса ҳам чиқармай, сигарета тутатгани ўринларидан туриб кетдилар. Уларга бу афсоналарнинг қизиғи йўқ эди.

Ғақатгина ўз еридан чиққан ҳосилни шаҳар бозорларига сотиш учун олиб келган қишлоқлик танишим, бу «ҳангомаларни» қулоқ солиб эшитмагандек ўйчан эди.

У не хаёлга чўмди? Кўнглидан нималар кечмоқда, улар билмасди, улар нега кулди, балки бу ҳам билмасди.

Бу «ҳангомаларни» мен ва хотиним не мақсадда ҳикоя қилдик?» Ярим ҳазил, ярим чин» дегандек, бу «ҳангома» гапларни нега шу бугун айтиш лозим бўлиб қолди?

Буюк Алишер Навоий:

*Қоши ёсинми дейин, кўзи қаросинми дейин,  
Кўнглима ҳар бирининг дарду балосинму дейин,*

дегандек...

Мен не мақсадда бу хотираларни ёдга келтирдим! Қай бирига мен дардимни изҳор қилай!

Сигарета тутатиб ҳаёт фақат яхши еб-ичмоқ, яхши кийинмоқдан иборат деб юрган ёшларга ҳам, қишлоқдан келган, хаёлга чўмган танишимга ҳам англлатмоқчи бўлдим-у аммо, уларнинг қиёфаларида нимадандир кўнгил тўлмаганлик, чироқ ёнса ҳам уларнинг ичлари ёришмагандек эди.

— Очарчиликда одамлар орасида меҳри-оқибат бўлса-ю, ҳозирги кунда оқибат кўтарилса? — деган саволни ўртага ташлаб қолди, жим ўтирган йигит.

— Бу жуда ёмон. Бу афсусланарли!

— Очликдан ҳам бу ёмонроқ!

— Балли, сизга ўғлим! Бу саволни беришингизни ўзи, мени жуда қувонтирди. Чунки бундай савол ҳам-манинг ҳам калласига келабермайди. Дарди бор одамлар бўлади. Омон бўлинг!

— Бемеҳрлик очликдан ёмон-ку! Очликдан бир кун қутулиш мумкин, аммо одамгарчилик, бир-бирига ачиниш йўқолса, орадан меҳр кўтарилса, одамни одамга ёв қилиб қўяди-ку! Барака кўтарилади-ку! — деди талаба.

Талабанинг бу гаплари, индамай ўтирган меҳмонлардан бирига худди ўзи айтмоқ бўлган дардларидек маъқул бўлди шекилли:

Бирдан қайнаб:

— Ўтмиш ҳангомаларини эшитдик. Аммо, бугунимиз, эртанги келажакка «ҳангома» бўлиб қолмасин энди. У кунлар ортда қолди. Худо қайтармасин. Лекин нега шу кунларда барака, меҳр-оқибат орадан кўтарилди? Бир дафтар олишга қурби келмаган қўшнига ёнидаги бойвачча эгилиб қарамайди? Кепак ейишга қадимгидек зор эмасмиз-у, аммо топгани ҳозир ҳам нонга



етмаганлар йўқ эмас. Ишлаганлар вақтида ҳақини ололма-  
маса, ишга лойиқ олий маълумотлилар илмига лойиқ  
иш тополмаса. Барака қаердан бўлади! Меҳр-оқибатчи,  
бир-бирига ачиниш-чи, қаёқда? Бир муҳтожни муш-  
кулини осон қилиш учун порахўрлар уни шилиб олса  
Адолат ўрнатадиганлар ўз нафсини ўйласа, бундан  
кутулмай, қаёқдан барака бўлсин!

Бошига ташвиш тушган одамга, бахтсизларни аҳво-  
лини айтиб таскин бериш эмас, дардига дард қўшиш  
эмас, ўша балодан қутқаришга кўмаклашмоқ дуруст!

Ахир, ўша очарчилик йиллари, одамлар қўлларига  
ҳасса ушлаш, дон солинган идишларини устини сузма  
билан ёпиш йўлларини топган эканлар. Бизлар ўтмиш  
«ҳангомаларидан» ибрат олиш, таскин топиш эмас,  
аксинча сабоқ олишимиз, бу оқибатсизликлардан қу-  
тулмоқ йўлини топишни ўйлашимиз зарур эмасми! —  
Бу гапларни меҳмонлар билан келган муаллим куйиниб  
гапирарди. Унинг гапларига кўшилмай илож йўқ эди.

— Сизлар эшитган бу «ҳангомалар» урушдан кейин  
ҳам тамом бўлгани йўқ. Ундан ҳам даҳшатлироқ фожиа-  
лар уруш сўнггида, 1950 йиллардан бошланди. Энди  
қорнимга эмас, қадримга йиғлайдиган кунлар яна так-  
рорланди.

Бу ҳақда айтмоқчи бўлдим-у, бирдан бошланган  
даҳшатли бўрон, одамларнинг доду фарёди, ёш гўдак-  
ларнинг чинқирган йиғилари, оналарнинг оху зор қар-  
ғишлари, ноалари қулоғимга урилди-ю, тилим лол  
қолди.

Бу даҳшатли фарёд зиндондек қоп-қоронғу, зулу-  
мат хонанинг қаъридан, тўрт томонидан, минглаб одам-  
ларнинг додлари, аламли ноалари тутундек кўкка кўта-  
риларди.

Оёқ-қўллари кишанли, қоронғу зулматдан ҳайдаб  
чиқарилган бегуноҳ маҳбус қаршисида унга қурол  
ўхталган жаллод турарди:

- Гуноҳингни бўйнингга ол! Сенга шафқат йўқ!
- Виждонимнинг буюрганини айтганман холос!
- Ёлғон! Ёлғон! Совет халқи оч ва муҳтож, парча  
нонга зор, деганларингни бўйнингга ол, отилмасинг-  
дан!

*Ўлим ҳақлигини биламан мен ҳам  
Дунёда икки бор ўлмайди ҳеч ким!*

*Ўлим ҳақ эканми, ўн бор ўлсам кам,  
Сенинг эркинг учун севишли халқим.*

— Ўлим ҳам ҳақ! Ҳақиқатни айтганим ҳам ҳақ!

— Душманларга ҳақиқатни айтмоқ бегона! Ўзбек халқи урилмоқда руслардан пастга! Оёқости. Она тили, урф-одамлари, Улуғбекни яратган халқ гадо, саводсиз — деганларингни, сўзла, миллатчи!

— Миллат учун жон бермаклик мен учун шараф! Гуноҳ эмас, эрк деб яшамоқ.

— Бас!

Бу гаплар хаёл эмас эди. Бу менга кўринган шарпа эмас. Йўқ, бу мен ўзим, мен кабилар бошдан кечирган ҳақиқат эди. У кунлар ёдимга тушса, қорнимга эмас, қадримга йиғлайман. Қафасдан чиққан эркин қуш ҳам насибасини топади. «Кул ўлмас, ризқи каммас». Тирик одам, эркин одам насибасига лойиқни кўради.

Тутқун хаёлига нафс бегона! Унинг хаёлида тошлар тошиқса, панжаралар парчаланса! Яланг оёқ бўлса ҳам чопса Чопса!.. Югурса! Ҳатто бир дақиқа! Бир дақиқа уфқларга бағрини очиб эркин боқса! Тутқун хаёли шу. Тутқун орзуси, фақат шу!

Мен ўша темир панжаралар орасидан ҳаммаёғим тилиниб, ҳамма ёғим титилиб бутун чиққан одамман! Бунга шукрона! Ўз қадрини билган, Ватани, халқини, эркинликни севган инсон учун Ҳурриятдан, Истиқлолдан ортиқ қувонч бўладими!

*Миллатни мадҳ этмоқ фурсати етди,  
Куллик занжиридан қутқарди Худо!  
Яна қандай дардинг бор, шоир, энди?  
Бир дардим шу эрктан қилмасин жудо!*

*Юрак қоним билан неники ёздим,  
Сени болалардан сақламоқ учун.  
Гоҳида ҳақ ёздим, гоҳида оздим.  
Сенинг ҳақлигингни оқламоқ учун.*

*Баҳор гўзаллигин севмайди ким ҳам,  
Мен ҳам гўзаллигин тўлиб куйладим.  
Аламли ва ғариб қалбингга бир дам,  
Малҳам бўлармикин, дея ўйладим.*

*Кўкни зулумат қоплаб, дунёни гўё,  
Ғам босгандек бураб ёққанида қор,  
Менинг кўз олдимда гўёки рўё,  
Юпин кўриндинг-у йиғладим зор-зор.*

*Мен куйлаган бўлсам, булбул навосин,  
Гуллар чиройини этган бўлсам мадҳ,  
Мен изладим фақат дардинг давосин,  
Бағишламоқ бўлдим бир нафаслик бахт!*

*Ахир йиллар бўлди, замонлар бўлди,  
Ҳақиқатни айтсам, кесилди тилим,  
Неки деган бўлсам сен учун дедим,  
Эркинг учун дедим, сен учун дедим!*

Тамом Вассалом

9/XI-2001йил